

Ибтидо ва Интиҳо

ҚОНУНЛАР

14та дарс



Ражап ва Лайло Ойдин

Ибтидо ва Интиҳо

ҚОНУНЛАР

14та дарс




Ражап ва Лайло Ойдин



KITABI-KNIGI.COM

Бутун оила учун бепул электрон китоблар.
Истаган қурилмангизга ўз тилингизда юклаб
олинг ва ўқинг.



KITABI-KNIGI.COM

Муаллифлик ҳуқуқлари © 2025 Альфа ва Омега ташкилотига тегишли. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган.
alphaomegasilkroad@gmail.com

© 2025 Ўзбек тилида (кирил ёзувида)
Ўзбек тилига таржима. Муаллифлик ҳуқуқлари ҳимоя остида.

© 2025 Китобдаги суратлар Жим томонидан чизилган. Барча муаллифлик ҳуқуқлари ҳимояланган.

Муқаддас Китоб оятлари ўзбек таржимасидан олинган, муаллифлик ҳуқуқлари ИПБ ташкилотига қарашли.
Илк бор 2016 йилда Беларусияда нашр қилинган. *www.ibt.org.ru*

Биз Қонунлар китобини нима сабабдан ўрганишимиз керак?

Қонунлар китоби Эски Аҳд таълимоти учун пойдевор ҳисобланади. Мазкур китобнинг таъсирини биз Эски Аҳддаги барча пайғамбарларнинг битикларида, айниқса Еремиё пайғамбарнинг китобида кузатишимиз мумкин. Шоҳлар китобларида (масалан, 2-Шоҳлар 22:8 да), Забур ва Ҳикматларда ҳам унинг таъсирини яққол кўришимиз мумкин.

Исо Масих Эски Аҳддаги бошқа китоблардан кўра, кўпроқ Қонунлар китобидаги сўзларни иқтибос қилиб келтирган (масалан, Матто 4:1–11; 5:33; 19:18–19).

Янги Аҳд матнида ҳам Қонун китобидан кўплаб оятлар ва иқтибослар берилган.

Қонунлар китобидаги хабар Эски Аҳд даврида яшаган Исроилликлар учун ёзилган бўлса-да, бугунги кунда яшаётган ҳамма одамлар учун ҳам юксак аҳамиятга эга. Биз бу китобни ўрганар эканмиз, Худойимизнинг Ким эканлигини ва У биз учун нималар қилганини тушуниб, билимда ўсиб бораверамиз.

Ушбу дарслигимиз 14 та дарсдан ташкил топган бўлиб, Қонунлар китоби билан яқиндан танишишингизга ёрдам беради!

Агар сиз Муқаддас Китобнинг асосларини ўргатувчи «Альфа ва Омега» курсини ўتماган бўлсангиз, ушбу дарсликдан олдин «Альфа ва Омега» курсини ўрганишни тавсия қилган бўлардик.

Ҳар бир дарсимиз таркибида сиз жавоб беришингиз керак бўлган кўплаб саволлар мавжуд. Ҳар бир саволдан кейин, қавс ичида сон берилган, сиз саволга тўғри ёки нотўғри жавоб берганингизни текшириш учун, дарс охирида илова қилинган тўғри жавоблар бор. Савол ва жавобнинг сони бир хил. Лекин саволга ўзингиз жавоб берганингиздан кейингина, ўз жавобингизни берилган тўғри жавоб билан солиштиринг.

Ҳар бир дарсда Муқаддас Китобнинг бошқа қисмларидан келтирилган оятлар мавжуд. Агар оятлар **қалин ҳарфлар** билан ёзилган бўлса, уларни албатта Муқаддас Китобдан топиб, ўқишингиз керак. Агар оятлар қалин ҳарфлар билан ажратилмаган бўлса, оятларни вақтингиз бўлганида топиб ўқишингиз мақсадга мувофиқ бўлади.

«Қўшимча маълумот» қисмлари бобдаги мавзунини янада чуқурроқ ўрганмоқчи бўлганлар учун мўлжалланган. Сиз уларни дарс давомида ўрганишингиз ёки уй вазифаси тариқасида бажаришингиз мумкин.

Сиз ушбу ажойиб китобни завқ олиб ўрганишингизни, ундаги ҳақиқатни бошқалар билан баҳам кўришингизни Худодан тилаб қоламан!

Қонунлар, 1-дарс:

Пайғамбар ва Худонинг ваъдаси



Кириш

Маълумот

Қонунлар китоби Худо Мусо пайғамбар орқали Исроил халқига етказган бебаҳо хабарлардан ташкил топган. Китобдаги бу хабарларни Мусо пайғамбар Исроил халқига Канъон юртига киришларидан олдин айтган. Худо Канъон юртини Ўз халқига мулк қилиб беришга ваъда қилган эди.



Канъон юрти ҳақидаги маълумотларни биз Ибтидо, Чиқиш ва Сахрода китобларида ўқишимиз мумкин.

Қуйидаги гапларни ўқинг, сўнг китобга қарамай уларни айтиб беринг:

- Худо бутун борлиқни яратди, У иккита инсон — Одам Ато ва Момо Ҳавони ажойиб қилиб яратди.

- Шайтон уларни васвасага солди, улар Худога итоатсизлик қилишди.
- Шу сабабдан Худо уларни Ўз ҳузуридан қувиб чиқарди. Натижада Худонинг баракасидан ва абадий ҳаётдан маҳрум бўлдилар.
- Орадан кўп йиллар ўтди. Худо Канъон юртининг шарқида яшаган Иброҳимга Ўзини аён қилди. У қариб қолган, фарзандсиз, ери йўқ Иброҳимга қуйидагиларни ваъда қилди:
 - Сендан буюк бир халқ бунёд қиламан.
 - Авлодингга Канъон юртини мулк қилиб бераман
 - Сен орқали жамики халқларга барака бераман.
- Бироқ Иброҳимнинг авлодлари даҳшатли қаҳатчиликдан омон қолишлари учун Мисрга кўчиб бордилар. Худо буни ваъда ҚИЛМАГАН ЭДИ. Мисрда улар қул бўлдилар.
- Шунда Худо уларни Мисрдаги қулликдан олиб чиқиш учун Мусони юборди. Қулликдан нажот Эски Аҳд даврида Худонинг халқи учун энг муҳим ҳодиса ҳисобланади. Бу нажотнинг номи **чиқиш** эди.

Ушбу ҳодиса ҳақида сиз Ибтидо китобида ва Чиқиш китобининг 1–19-оятларида ўқишингиз мумкин.

Қонунлар китобида эса Худо Исроил халқини Ўзи ваъда қилган юртга олиб кириши ҳақида ёзилган.

1. Аҳд

Қадимги даврларда шоҳлар ўзлари забт этган шоҳликлар билан ўзаро келишув ёки аҳд тузишарди. Қонунлар китоби ҳам Худо ва Унинг халқи орасидаги аҳддир. Ушбу аҳд бешта асосий қисмдан иборат:

1. Тарихий сахна (Қонунлар 1:1–4:49).
2. Аҳднинг асосий шартлари (Қонунлар 5–11-боблар).
3. Забт этилган халқларга оид кўрсатмалар (Қонунлар 12–26-боблар).
4. Баракалар ва лаънатлар (Қонунлар 27–28-боблар).
5. Гувоҳлар (Қонунлар 30:19; 31:19, 32-боб).

Демак, Қонунлар китоби Худонинг Ўз халқи Исроил билан тузган аҳдидир. Худо Исроил халқининг Шоҳи бўлди (Қонунлар 33:5). Ушбу китобда Исроил халқи Худонинг шартлари ва талаблари билан танишади.

2. География

Қонунлар китобининг дастлабки учта бобида Исроил халқининг саҳродаги сафари жуда батафсил тасвирланган. Қўпдан-қўп жойлар тилга олинган. Айнан шу сабабдан ҳам, китобда тилга олинган воқеалар ҳақиқатан ҳам юз берганини биламиз. Бу бобларнинг туб маъносини англаб олишимиз учун, бу жойларнинг қаерда жойлашганини билишимиз шарт эмас. Муҳим жойларни биз харитада кўрсатиб қўйганмиз.

Мана энди, биз дарсимизни бошлашга тайёرمىз!

Пайғамбар ва Худонинг Ваъдаси

Ушбу биринчи дарсимизда биз қуйидагиларни ўрганамиз:

- Эски Аҳддаги энг муҳим пайғамбар ва Худонинг ваъдаси.
- Янги Аҳддаги энг муҳим пайғамбар ва Худонинг ваъдаси.

Келинглам, Эски Аҳддан бошлайлик.

Эски Аҳддаги энг муҳим пайғамбар, бу — Мусо пайғамбар.

Қонунлар 1:1–5ни (1-боб, 1–5-оятларни) ўқинг.

Бу оятларда биз Мусонинг бешта хислатини пайқашимиз мумкин:

1. Мусо Худога таянади

Мусо **Чиқиш китоби 4:10**да ўзи ҳақида нима деб айтди? [1]

Худо Мусога **Чиқиш китоби 4:11–12**да нима деб жавоб берди? [2]

Бунинг натижасини биз Қонунлар китобида кўраемиз! Худо Мусони садоқатли нотик қилди, у Худонинг сўзини аниқ ва тушунарли қилиб халққа етказди. Худо Мусонинг камчилигига қарамай, у орқали буюк ишлар қилди, Ўз халқини Мисрдаги қулликдан олиб чиқиб, ваъда қилинган юртда истиқомат қилиш учун тайёрлади. Мусо ҳар бир вазиятда Худога таянарди (Қонунлар 34:10).

2. Яхши ўқитувчи

Қонунлар китобининг 1:1да Мусо кимга мурожаат қиляпти? [3]

Мусо пайғамбар фақат йўлбошчиларга эмас, балки **бутун** Исроил халқига мурожаат қилмоқда. Бу дегани, Мусонинг нутқи барча одамларга қаратилган! Демак, Қонунлар китоби нафақат йўлбошчи ва етакчилар учун, балки ҳамма имонлилар учун жуда муҳим китоб ҳисобланади.

3-оятга кўра Мусонинг таълимотини бизга Ким берган? [4]

Муқаддас Китоб таркибидаги барча сўзлар илоҳий бўлиб, инсон орқали берилган.

5-оятда Мусо нима деб айтмоқда? [5]

Мусо Худонинг сўзини одамларга ўргатибгина қолмай, уларнинг маъносини тушунтириб берарди. Халқ Худонинг сўзини билиши ва маъносини англаши шарт эди. Мусо жуда яхши ўқитувчи ва муаллим эди.

3. Худо Шоҳлигининг садоқатли воизи

Худонинг пайғамбари сифатида Мусо халқни ўз Шоҳи — Худога (Қонунлар 33:5) садоқатли бўлишга ундарди. Зотан, Худо уларни қулликдан қутқарган эди. Шу боис, садоқат мавзуси Қонунлар китобида марказий ўрин тутган. Исроил халқи Худонинг мулки эди. Айнан шунинг учун ҳам халқ Худога итоат қилиши муҳим эди!



Қонунлар китобининг 1:1да Мусо нутқини халққа қаерда айтган эди? [6]

Бу жойни юқоридаги харитадан топинг.

Мусо бу нутқини айтганида Мисрдан чиққанларига неча йил бўлган эди (Қонунлар 1:3)? [7]

Синай тоғидан Кадеш-Барнагача бўлган йўлга одатда қанча вақт кетар эди (1:2)? [8]

11 кунлик йўлга 40 йил кетди-я! Итоатсизликнинг баҳоси ана шудир! Халқ итоатсизлик қилгани учун саҳрода 40 йил сарсон-саргардон бўлди.

Қонунлар 30:16ни ўқинг. Агар халқ Худога итоат қилса, бунинг натижаси қандай бўлади? [9]

Қонунлар 30:17–18ни ўқинг. Агар халқ Худога итоат қилмаса, бунинг натижаси қандай бўлади? [10]

Эски Аҳд қизиқарли воқеаларга жуда бойдир! Эски Аҳдда биз қуйдагиларга гувоҳ бўламиз:

- Худонинг халқи Худога кўп итоатсизлик қилган.
- Худо доимий тарзда Ўз халқи билан муносабатини тиклаган.

Худо ҳақиқатан ҳам раҳмдил ва иноятли Худодир! Қонунлар китобида Мусо доимо буни халқига эслатиб туради.

Мусо одамларга илоҳий Шоҳга итоат қилишни доимий тарзда эслатиб туради, Худо Шоҳлигининг садоқатли фуқаролари бўлишга уларни чақиради.

Худонинг Эски Аҳддаги энг муҳим ваъдаси, бу — ваъда қилинган юртдир.

Қонунлар 1:6–8ни ўқинг.



Харитадан қуйидаги жойларни топинг:

- Синай тоғи (Қонунлар китобида бу тоғ Хорев тоғи деб ҳам номланган)
- Амор халқининг қирлари
- Иордан водийси
- Ғарбдаги қир этаклари
- Нагав
- Лубнон
- Фурот дарёси

Мусо туғилишидан 500 йил олдин Худо Иброҳим пайғамбарга, наслингга Канъон юртини бераман, деб ваъда қилган эди (Ибтидо 15:18–21). Нихоят, Худо Иброҳимнинг наслига ваъда қилган юртни беришга тайёр.

Қонунлар китоби 1:6да Мусо Синай тоғидаги вақтни эсга олмоқда (Синай тоғи Хорев, деб ҳам аталарди). Бу воқеа Мусо нутқини айтишдан ва Қонунлар китоби ёзилишидан 40 йил олдин юз берган эди.

40 йил олдин Худо халққа нима қилишни буюрган эди (1:7)? [11]

Қирқ йил олдин Худо Ўз халқига ваъда қилинган юртга киришни амр қилган эди. Лекин улар у ерга боришдан бош тортдилар, биз бу ҳақда кейинги дарсда ўқиймиз. Худо халққа ажойиб, фаровон юртни берган эди, бироқ улар ўша юртга киришни истамадилар!

Янги Аҳд

Дарс давомида биз қуйидагиларни билиб олдик:

- Эски Аҳддаги энг муҳим **пайғамбар**, бу — Мусо. Унинг вазифаси халқни илоҳий Шоҳи бўлган Худога итоат қилишга чақириш эди.
- Эски Аҳддаги энг муҳим **ваъда**, бу — ваъда қилинган юрт. Бу ваъда фақат Исроил халқига берилган, улар итоаткорлик орқалигина уни қўлга киритишлари мумкин эди.

Келинглار, энди Янги Аҳддаги энг муҳим пайғамбар ва энг муҳим ваъда билан танишиб чиқайлик.

Янги Аҳддаги энг муҳим пайғамбар

Ибронийлар 1:1–2ни ўқинг. Янги Аҳддаги энг муҳим пайғамбар ким? [12]

У ҳам Мусо сингари Худонинг пайғамбари бўлган (Марк 6:4):

- У Худонинг сўзларини гапирарди (Юҳанно 8:28).
- У жуда яхши Ўқитувчи эди (Матто 7:28).
- У Худонинг Шоҳлигини эълон қиларди (Луко 8:1).

Мусо Исо Масих ҳақида башорат қилиб, шундай сўзларни айтган эди:

«Эгангиз Худо сизлар учун ўз халқингиз орасидан менга ўхшаган бир пайғамбар чиқаради. Унга қулоқ солинглар» (Қонунлар 18:15).

Ҳосил байрами куни Бутрус ўз нутқида ваъда қилинган Масих, айнан Исо эканлиги ҳақида гапирарди, Мусо ҳам у ҳақда башорат қилганини айтиб ўтади (Ҳаворийлар 3:20–22).

Юҳанно баён этган Хушхабарда Исо Унга ишонмаганлар ҳақида шундай дейди: *«Агар Мусога ишонганингизда эди, Менга ҳам ишонган бўлар эдингизлар. Ахир, у Мен ҳақимда ёзган эди»* (Юҳанно 5:46).

Худо Мусо орқали Ўз халқига жуда муҳим бир КИМСА келаётгани ҳақида айтганди. Шу тариқа, Эски Аҳд бизни дунё тарихидаги энг муҳим пайғамбарнинг келишига тайёрламоқда.

Янги Аҳддаги энг муҳим ваъда

Юҳаннонинг биринчи мактуби 2:25ни ўқинг. Худо бизга Янги Аҳдда берган энг муҳим ваъда нима? [13]

Худо бизга Ўзининг ваъда қилинган юртдаги, яъни Янги Қуддусдаги абадий ҳаётни ваъда қилган!

Юҳанно баён этган Хушхабар 1:12ни ўқинг. Биз Худонинг абадий ҳаёт ҳақидаги ваъдасини қабул қилишимиз учун нима қилишимиз керак? [14]

Биз фақат Исо Масих орқалигина Худога яқинлашишимиз мумкин (Юҳанно 14:6).

Биз совғани қабул қилмагунимизча, у бизники бўлмайди. Келинглар, Исроил халқига тақлид қилмайлик, ахир, улар Худонинг ажойиб совғасини рад этган эдилар!

Эски Ахдда Худо Мусо пайғамбар орқали халқини ваъда қилган юртнинг чегарасига олиб келган эди, шундан кейин Мусо бу дунёдан кўз юмди. Бошқа йўлбошчилар халқни ваъда қилинган юртга олиб кирдилар ва уларни бошқардилар. Янги Ахдда эса Исо Масихнинг Ўзи бизни абадий масканига олиб киради ва то абад биз билан бирга қолади (Юханно 14:1–6). Мусо пайғамбардан ва Исроилликларга ваъда қилинган юртдан фарқли ўлароқ, Исо Масихнинг Ўзи бизни абадий масканига олиб киради ва биз билан то абад қолади!

Биз ҳам Исроил халқи сингари ваъда қилинган абадий ҳаёт сари қадам ташламоқдамиз! Бизнинг Исроил халқидан фарқимиз шундаки, биз борадиган юрт мукамал ва абадийдир (Ваҳий 21:1–4)!

Сизнинг абадий ҳаёт сари сафарингиз Исроил халқининг ваъда қилинган юртга бўлган сафаридан икки жиҳати билан фарқ қилади. Бу иккита жиҳатни айтинг. [15]

Қўшимча маълумот: Нега Исроил халқи ваъда қилинган юртга кириш учун узоқ вақт кутди?

1. Худонинг халқи (яъни Иброҳимнинг авлодлари) Юсуф даврида Мисрга кўчиб борганларида неча киши эдилар (**Ибтидо 46:27**)? [16]

Улар Канъон юртини тўлдира олмас эдилар!

Худонинг халқи Мисрдан чиқиб кетганида, уларнинг сони қанчага етди (**Саҳрода 1:46**)? [17]

Агар биз бу сонга аёл ва бола-чақаларни қўшсак, қарийб 2 миллион одам бўлади! Мана, энди уларнинг сони ваъда қилинган юрт учун етарлича бўлди!

2. Нега Амор халқи Канъон юртини қўлдан бой берди (**Ибтидо 15:16**)? [18]

Худо Амор халқига кўп сабр-тоқат қилди. Улар тавба қилишлари учун, уларга керагидан ортиқ вақтни берди. Уларнинг қабихлиги ҳаддан ошиб кетганидан кейингина, Худо уларни йўқ қилди.

Чақириқ

Мусо пайғамбар биз учун аъло намунадир! Унинг тили чучук бўлса ҳам, у жуда яхши муаллим ва етакчи бўлди! Албатта, бизнинг сўзларимиз Муқаддас Китоб таркибига киритилмайди. Зеро, Худонинг Каломи мукамал ва уни ўзгартириб бўлмайди. Лекин одамлар Худонинг айтган сўзларини эшитишлари керак. Биз одамларга Хушхабар айтишимиз учун гапга чечан, донишманд сухандон бўлишимиз шарт эмас.

Янги Ахдда, ҳаттоки, ҳаворий Павлуснинг ўзига етарли ишончи бўлмаган! У Коринфликларга шундай сўзларни ёзган: *«Олдингизга заифлигу қўрқув ҳисси билан титраб бордим. Мен сизларга Хушхабар айтиб, ваъз қилганимда, донолик қилиб ишонтиришга уринмадим, балки Худонинг Руҳи ва қудратига асосландим»* (1Коринфликларга 2:3–4).

Кейинчалик у яна шундай ёзди: *«Шу сабабдан Масих ҳақи ожизликни... шодлик билан қабул қиламан. Айниқса, ожиз бўлган пайтимда Масихнинг қудрати билан кучли бўламан»* (2Коринфликларга 12:10).

Келинлар, Мусо пайғамбар ва ҳаворий Павлусдан ўрнатилган олайлик.

Бизнинг вазифамиз қуйидагича:

- **Худога таяниш.** Биз ибодат қилиб, Муқаддас Рухдан яқинларимизнинг ва дўстларимизнинг кўзларини ҳақиқатга очишини сўрашимиз керак.
- **Яхши ўқитувчилар бўлишимиз.** Биз яқинларимизга Худо Ўзини Масих орқали қандай намоён қилганини ўргатишимиз керак.
- **Худонинг Шоҳлигини эълон қилишимиз керак.** Биз яқинларимизга Муқаддас Китобни ўқишни ва Худонинг амрларига риоя қилишни ўргатишимиз керак.

Биз одамларга буюк Худойимиз ҳақида айтган эканмиз, Муқаддас Рух бизга Хушхабар инъомини ривожлантиришимизга ёрдам беради.

Мусо пайғамбар ва ҳаворий Павлуснинг қайси жиҳатларидан биз намуна олишимиз мумкин? [19]

Сиз бу дарсни кимга ўргата оласиз?

Худо бу дарс орқали сизга нима деди?

Сиз бугун буларни кимга айтишингиз мумкин?

Уйга вазифа

Навбатдаги дарсга тайёрланиб, **Қонунлар 1:6–3:11**ни ўқинг.

Жавоблар

- 1 – Мусо Худога шундай деган: «Мен ҳеч қачон гапга чечан бўлмаганман... тилим чучук, секин гапираман.»
- 2 – Худо Мусога: «Гаплашганингда, Мен сен билан бирга бўламан. Нимани гапиришингни Мен сенга ўргатиб тураман,» — деб жавоб берган эди.
- 3 – Бутун Исроил халқига.
- 4 – Мусонинг таълимоти Эгамиз томонидан берилган.
- 5 – Мусо Худонинг фармонлари ва қонун-қоидаларини халққа **ўргатмоқда**.
- 6 – Мусо нутқини Иордан дарёсининг шарқ томонидаги чўлда айтган эди.
- 7 – Мисрдан чиққандан кейин қирқинчи йилда.
- 8 – Синай тоғидан Кадеш-Барнагача ўн бир кунлик йўл.
- 9 – Агар халқ итоат қилса, Худо шундай ваъда берган: «...сизлар яшайсизлар, кўпаясизлар, мулк қилиб оладиган юртингизда Эгангиз Худо сизларга барака беради.»
- 10 – Агар халқ итоат қилмаса, Худо шундай деган: «...сизлар албатта йўқ бўласизлар. Иорданни кечиб, мулк қилиб оладиган юртда кўп яшамайсизлар.»
- 11 – Улар ваъда қилинган юртга киришлари керак эди.
- 12 – Худонинг Ўғли Исо Масих.
- 13 – Худо бизга абадий ҳаётни ваъда қилди.
- 14 – Биз Исо Масихни қабул қилишимиз ва Унга имон келтиришимиз керак.
- 15 – Исо Масихнинг Ўзи бизни абадий масканига олиб киради ва биз билан то абад қолади. Биз борадиган ўша юрт мукаммал ва абадийдир.
- 16 – Етмиш нафар одам.
- 17 – Уларнинг сони 600 000дан ошиқ эди.
- 18 – Амор халқининг қабихлиги ҳаддан ошиб кетгани учун, улар ўз юртидан маҳрум бўлдилар.
- 19 – Улар одамларга Худо ҳақида айтишга қўрқар эдилар, лекин Худо уларни буюк ўқитувчи ва муаллим қилиб етиштирди.

Қонунлар, 2-дарс:

Йўлбошчилар/етакчилар ва издошлар



Ушбу дарс давомида биз қуйидагилар ҳақида мулоҳаза қиламиз:

- Яхши етакчилик сирлари,
- Яхши издошлик сирлари,
- Биз итоат қилишни қандай ўрганамиз.

Йўлбошчилар/етакчилар

Қонунлар 1:9–18ни ўқинг.

10–15-оятларга кўра, Мусо пайғамбар қандай муаммога дуч келган ва уни қайси йўл билан ҳал қилган? [1]

Мингбоши, юзбоши, элликбоши ва ўнбошилар (15-оят): жангчиларга қўмондонлик қиладиган ҳарбийлар бўлиб, турли ҳажмдаги жангчи гуруҳларни бошқариб, ҳар хил вазифаларни бажаришарди.

Назоратчилар (15-оят): ҳарбий бўлмаган амалдорлар бўлиб, халқнинг манфаати учун хизмат қилар эдилар.

Ҳакамлар (16-оят): амалдорлар бўлиб, адолатсизлик содир бўлганда адолат ўрнатиш учун масъул эдилар.

Қонунлар китобининг 5-бобида ва унинг давомида Мусо пайғамбар одамларга Худонинг қонунларини эслатади. Худо бу қонунларни халққа 40 йил олдин Синай тоғида (Хорев деган ном билан ҳам танилган) берган эди. Йўлбошчилар халқни тўғри бошқаришлари ва адолатга риоя қилишлари учун **бу қонунларни билишлари ва уларга амал қилишлари** керак эди. Улар камбағал ва ночорларга ғамхўрлик қилишлари шарт эди (Қонунлар 15:7, 24:14). Пора олиш уларга ман этилганди. Улар бой-бадавлат одамлардан қўрқмасликлари керак эди, ҳукмда уларга ён босишлари, тарафкашлик, адолатсизлик қилишлари мумкин эмасди (Қонунлар 16:19).

Мингбошилар, **юзбошилар, назоратчилар ва ҳакамлар** ўз вазифаларини тўғри бажаришлари учун нима қилишлари шарт эди? [2]

Издошлар

Қонунлар 1:19–28ни ўқинг.



19–21-оятларга кўра, Исроил халқи қаерга етиб борди? [3]

22–28-оятларда нима юз берди? [4]

28-оятда қандай муаммо пайдо бўлди? [5]

Қонунлар 29–46ни ўқинг.

29–30-оятларда Мусо пайғамбар Исроил халқига нима деб айтди? [6]

31-оятда Мусо Исроил халқига Худонинг ғамхўрлигини тасвирлаган, у Худони кимга ўхшатган? [7]

Исроил халқи Худога ишониш мумкинлигини жуда яхши биларди. Улар Мисрдан чиққанларида 2 миллион кишини ташкил қилишарди! Бироқ 32-оятга кўра, одамлар Худога ишондиларми? [8]

Бунга ишониш қийин! Худо Ўз халқи учун кўп мўъжизалар қилган эди: уларни ажойиботлар орқали Мисрдаги қўлликдан олиб чиққан эди. Уларга саҳрода йўл кўрсатиб, бошлаб борганди. Керакли озукаларни уларга етказиб берарди. Бироқ шуларга қарамай, халқ Худога ишонмади. Улар қўрқувларга берилиб, Худонинг амрларига итоат қилишмади.

35–38-оятларда Худо Исроил халқига нима деди? [9]

Халқ бир марта итоатсизлик қилганидан кейин, иккинчи марта итоатсизлик қилиш уларга анча осон бўлди. Исроил халқининг бир гуноҳи иккинчи гуноҳга сабаб бўлди. 41–46-оятларда халқ қандай аҳмоқона иш қилди ва бунинг натижаси нима бўлди? [10]

Улар мағлуб бўлдилар, Худога фарёд қилдилар ва энг ёмони, Худо билан муносабатни буздилар.

Кўриб турганимиздай, Эски Аҳд даврида йўлбошчилардан ҳам, издошлардан ҳам садоқат ва итоаткорлик талаб қилинади. Янги Аҳдда ҳам талаблар худди шундайдир!

Янги Аҳд давридаги йўлбошчилар

Худо халқининг йўлбошчилари Янги Аҳд даврида ҳам Муқаддас Китобни яхши билишлари, унга амал қилишлари ва бошқаларга садоқат билан ўргатишлари даркор (2Тимўтий 2:2).

Марк 10:42–45ни ўқинг. Исо Масих шогирдларига етакчилар ва бошлиқлар ҳақида нима деб айтди? [11]

1Бутрус 5:2–3ни ўқинг. Ҳаворий Бутрус жамоат етакчиларини қандай сўзлар билан тасвирлаган? [12]

1-Чақириқ

Жамоат етакчилари ўзларини ҳукмдорлардай тутишлари керак эмас. Аксинча, назоратидаги сурувга ғамхўрлик қилишлари, уларга Худонинг севгисига ўсишларига, билим орттиришларига ёрдам беришлари даркор.



Мусо буларнинг ҳаммасини бир ўзи қила олмаслигини тушунган эди. Шу сингари, жамоат етакчилари ҳам барча вазифаларни ўзлари бажаришга тиришмасликлари керак. Ҳаворий Павлус Коринфликларга биринчи мактуби 12-бобда жамоатни инсон танасига ўхшатади. Бу тана турли аъзолардан иборат. Яхши етакчи қўли остидаги одамларда қандай инъому қобилиятлар борлигини кўради. Уларга бу қобилиятларини жамоат ва жамият манфаати учун ишлатишларига ёрдам ва далда беради.

Агар сиз етакчи бўлсангиз:

- Сиз Муқаддас Китобни ўрганишга, унга амал қилишга, уни бошқаларга ўргатишга бағишланганмисиз?
- Бошқаларни камтарлик билан бошқаряпсизми? Уларга раҳмдил чўпондай хизмат қиляпсизми?
- Жамоат аъзоларига Худо берган инъомларни ривожлантиришларига ёрдам беряпсизми? Ёки ҳамма нарсани ўзингиз қилишга тиришяпсизми?
- Юз-хотирчилик, тарафкашлик қилмай, ҳаммага бирдай далда беряпсизми?

Буларнинг қайси бири устида кўпроқ ишлашингиз керак?

Янги Аҳд давридаги издошлар

Марк 8:34ни ўқинг. Бу оятда Исо Масих шогирдларига издош бўлиш ҳақида нималарни айтмоқда? [13]

Жамоат аъзолари ўзларига эмас, Раббимизга улуғворлик келтиришлари керак. Улар қўлларидан келганча, бутун жамоат билан бирлик руҳида, Раббимиз Исонинг содиқ шоҳидлари бўлишлари керак. Биз ҳаммамиз хизмат қилишга доим тайёр туришимиз шарт.

2-Чақириқ

Агар сиз жамоат аъзоси бўлсангиз:

- Сиз имон билан яшаяпсизми ёки кўрқувга қулмисиз? Бу сизнинг ҳаётингизда ўз аксини топмоқдами?
- Сиз жамоатингиз етачилари учун ибодат қиляпсизми? Ёки шунчаки улардан норози бўлиб, шикоят қилиб юрибсизми?
- Сиз жамоат манфаати учун хизмат қилишда ўз инъому қобилиятларингиздан сидқидилдан фойдаланаяпсизми?

Буларнинг қайси бири устида кўпроқ ишлашингиз керак?

Итоат қилишни ўрганиш

Исроил халқи Канъон юртини забт этишини Худо хоҳлаган эди.

Нега Худонинг халқи Канъон юртини забт этиши керак эди?

Ибтидо китобида Худо Иброҳимни танлаганини ва ундан махсус бир халқ яратганини ўқиймиз. Худо Иброҳимга, Канъон юртини наслингга бераман, деб ваъда қилганди. Орадан 500 йил ўтди. Худо ўша ваъдасини бажаришга киришди.

Канъон юртида яшаган халқ ўта қабиҳ эди. Улар ҳатто ўғил-қизларини бутларга қурбонлик қилиб куйдиришарди (Қонунлар 12:31). Худо бу халқларни ўтакетган қабиҳликлари учун йўқ қилишга қарор қилди.

Худо Канъон юртини Ўз халқига бериб, уларни бошқаларга намуна қилмоқчи эди. Бошқа халқлар Исроил халқидан ўрناк олишлари, яшашда, донолик ва ақл-идрокда уларга тақлид қилишлари лозим эди. Шу орқали улар Худонинг эзгулигини билиб, Уни таниб билишлари керак эди (Қонунлар 4:6–8).

Худо бу юртни айнан Ўз халқига беришининг бошқа бир сабаби ҳам бор эди. Худонинг халқи ваъда қилинган юртда яшаб, Халоскор Масихнинг келишига йўл ҳозирлаши керак эди. Худонинг Ўғли бу дунёга келиб, одамзодни гуноҳ қуллигидан, шайтон ва ўлим чангалидан озод қилиши лозим эди. Агар Худонинг халқи ваъда қилинган юртда яшамаганида, Худонинг қонунларини

жорий қилиб, уларга амал қилимаганида, ҳеч ким Масиҳнинг Кимлигини ва У нималар қилмоқчи эканини тушунмаган бўларди.

Канъон юртининг вайрон бўлиши инсоният тарихида оламшумул бир воқеа бўлди. Лекин биз бундан намуна олмаслигимиз ва бошқа давлатга бостириб бормаслигимиз керак!

Бугунги кунда ваъда қилинган юрт йўқ. Биз учиб боришимиз керак бўлган бошқа бир маскан ҳам бизга ваъда қилинмаган. Масиҳийлар фақат маълум бир мамлакатда яшамайдилар, улар дунё бўйлаб, барча мамлакатларда борлар!

Биз Исо Масиҳнинг қайтиб келадиган кунига кўз тикканмиз, У билан бирга самовий юртда — Янги Қуддусда бўлиш орзуси билан яшамоқдамиз!

Кейинги парчага ўтишимиздан олдин, харитадан қуйидаги жойларни топинг:

- Эдом (Эдомликлар Ёқубнинг туғишган акаси Эсовдан келиб чиққанлар)
- Мўаб (Мўабликлар Иброҳимнинг жияни Лутдан келиб чиққанлар)
- Оммон (Оммонликлар ҳам Иброҳимнинг жияни Лутдан келиб чиққанлар)
- Зарад сойлиги
- Арнон сойлиги

Қонунлар 2:1–13ни ўқинг.

Мусо пайгамбар Исроил халқига 40 йил саҳрода юрганларида нималар юз берганини эслатади. 40 йилдан кейин Исроил хақи Худого итоат қилишни ўрганмоқда!

Қонунлар 2:24–37ни ўқинг.

Ваъда қилинган юртда забардаст, кучли одамлар яшарди, уларнинг шаҳарлари осмонўпар деворлар билан ўралганди. 25-оятга кўра, қандай қилиб Исроил халқи ваъда қилинган юртга киришга муваффақ бўлди? [14]

24-оятга кўра, Исроил халқи ваъда қилинган юртга кириши учун Худонинг қандай кўрсатмаларига риоя қилиши керак эди? [15]

Ваъда қилинган юрт Худодан совға эди. Лекин халқ уни қўлга киритиши учун жанг қилиши керак эди.

26–30-оятларда Мусо Хашбон шоҳи Сихўнга қандай мазмундаги мактубни юборди? Шоҳ бу мактубга нима деб жавоб берди? [16]

32–33-оятларда қандай воқеалар юз берди? [17]



Исроил халқи ваъда қилинган юртда эришган биринчи ғалаба айнан шу эди! Улар бу ғалабадан ўзларига катта сабоқ олишди: Худога итоат қилиш зафар келтиришини ва Худо Ўз ваъдасида содик эканини улар ўрганиб олишди.

Қонунлар 3:1–11ни ўқинг.

3-оятга кўра, Худо Ўз халқига яна ким устидан ғалаба ато қилди? [18]

Улар нечта шаҳарни қўлга киритишди (4-оят)? [19]

Бу оламшумул бир ғалаба эди!

Улар кимларни йўқ қилишди ва нималарни қолдиришди (6–7-оятлар)? [20]

Бу юртда яшаган халқ ўта қабих эди. Улар бошқаларни ҳам йўлдан урмасликлари учун Худо уларнинг ҳаммасини, битта қолдирмай қириб ташлашни буюрган эди (Мусо бу ҳақда 7:3–4-оятларда гапирган).

Жангда ўлжа қилиб олинган нарсалар эса Худодан халққа совға эди. Шу йўл билан Худо халқининг сафардаги эҳтиёжларини қондирарди.

Халқ Худога итоат қилганда Худо уларга ғалаба ато қиларди. Натижада халқда, ваъда қилинган юртга албатта қирамиз, деган ишонч ортиб борарди.

Қўшимча маълумот: Шоҳ Ўғ

Шоҳ Ўғ Рафа халқидан эди. Улар баланд бўйли, забардаст одамлар эдилар (Қонунлар 2:20–21га қаранг).

У даврларда фақат жуда бой одамларда темир бор эди. Шоҳ Ўғнинг бўйи басти жуда баланд бўлгани учун унинг ётадиган ўрни жуда катта бўлиб, термирдан ясалган эди (**Таржимондан изоҳ:** *фақатгина жуда бой ҳукмдорлар ўзлари учун темир каравот қилдиришга қурби етарди. Шоҳ Ўғнинг тобути ҳам жуда катта эди*). Исроил жангчилари забардаст шоҳни мағлуб қилган эдилар!



Янги Аҳдда итоат қилишни ўрганиш мавзуси

Эски Аҳд даврида Исроил халқига Худо йўл кўрсатган. Улар Худога итоат қилишни ўрганганларида, Худо уларга ғалаба берарди ва ваъда қилинган юртда яшашга имкон яратарди. Бугунги кунда ҳам Худо бизга худди шундай сабоқ бермоқда. Биз итоат қилишни ўрганар эканмиз, Худо бизга гуноҳ устидан ғалаба қозонишимизга ёрдам беради, токи биз ваъда қилинган абадий масканга киришга муваффақ бўлайлик! Исо Масих яқинда қайтиб келади ва бизни Ўзи билан абадий Шоҳлигига олиб кетади!

Абадий ҳаёт Худодан совғадир. Бироқ биз бўшашмаслигимиз керак. Зотан, биз ҳам рухий жанг майдонидамиз ва Раббимиз Худога дақиқа сайин итоат қилишимиз шарт!

3-Чақириқ

Эфесликлар 6:10–18ни ўқинг.

12-оятга кўра, биз ким билан жанг қилмоқдамиз? [21]

Исроил халқи ваъда қилинган юртда истиқомат қилган қабих одамларга қарши жанг қилишлари керак эди. Шу сингари биз ҳам гуноҳга, шайтон ва унинг жинларига қарши жанг қилишимиз керак.



Қандай қилиб биз иблисга ва унинг жинларига қарши жанг қила оламиз (11 ва 18-оятлар)? [22]

Ҳар бир қурол-аслаҳа ва унинг вазифаси ҳақида мулоҳаза қилинг. Агар масиҳий одам бу қурол-аслаҳалардан фойдаланишни унутса, нималар юз бериши мумкин?

- Агар ҳақиқат камарини тақишни унутса, нима юз беради? [23]
- Агар солиҳлик совутини киймаса, нима юз беради? [24]
- Оёғига илдамлик пойабзалини киймаса ва Хушхабарни ёймаса, нима юз беради? [25]
- Имон қалқонини қўлига олишни унутса, нима юз беради? [26]
- Худонинг каломини қаттиқ тутмаса, нима бўлади? [27]
- Агар бошига нажот дубулғасини киймаса, нима бўлади? [28]

Биз биргаликда иблисга ва унинг жинларига қарши тура олишимиз учун нима қилишимиз керак? [29]

Худо бу дарс орқали сизга нималар деди?

Сиз бугун ўрганганларингизни кимга айтиб беришингиз мумкин?

Уйга вазифа

Навбатдаги дарсга тайёргарлик сифатида **Қонунлар 3:12–29**ни ўқинг.

Жавоблар

- 1 – Исроил халқи шу даражада кўпайиб кетдики, Мусо бир ўзи уларнинг муаммоларию жанжалларини ҳал қила олмасди. Шунинг учун у халқ орасидан доно, ақл-идрокли одамларни танлаб, уларни йўлбошчилар қилиб тайинлади.
- 2 – Улар Худонинг қонунини билишлари ва унга амал қилишлари шарт эди.
- 3 – Улар Амор халқининг қирлари томон йўл олиб, Кадеш-Барнага етиб боришди.
- 4 – Улар юртни текшириб келиш учун айғоқчиларни юборишди. Айғоқчиларнинг аксарият қисми борган юртни яхши дейишди, лекин у ердаги одамлар кучли, баланд бўйли, шаҳарлари улкан, деворлари жуда баланд эканини айтишди. Шу сабабдан Исроил халқи кўрқиб, у ерга боришдан бош тортди.
- 5 – Исроил халқининг қурқувдан юраги ёрилган эди.
- 6 – Мусо Исроил халқини тинчлантирмоқчи бўлиб, уларга шундай деди: «Ваҳимага тушманглар, улардан кўрқманглар. Эгангиз Худонинг Ўзи олдингизда юради. Кўзингиз олдида Мисрда жанг қилгандай, сизлар учун жанг қилади.»
- 7 – Мусо Худони ўғлини опичлаб кўтарган отага ўхшатган.
- 8 – Йўқ, улар Худога ишонмадилар.
- 9 – Худо Исроил халқига шундай деди: «Мен ваъда қилган ҳосилдор юртга бу қабиҳ наслнинг биронтаси ҳам кирмайди. Ўша юртни фақат Холиб ва Ёшуа кўради.»
- 10 – Исроил жангчилари Худога кулоқ солмай, ўзбошимчалик билан қирларга чиқиб, душман билан жанг қилдилар. Улар мағлуб бўлиб, катта талафот кўрдилар.
- 11 – Исо Масих ҳаммага хизмат қилиб, Ўз жонини фидо қилгани сингари, етакчи бўлишни хоҳлаган одам ҳам, бошқаларга ўз ҳукмини ўтказиши эмас, балки уларга хизмат қилиши керак.
- 12 – Чўпонлар Худонинг сурувини яхши боқишлари даркор.
- 13 – Издошлар ўзларидан воз кечиб, ўз хочини кўтариб, Исога эргашишлари керак.
- 14 – Худо у ерда яшайдиган халқларни Исроил халқи олдида ваҳимага солди.
- 15 – Халқ ваъда қилинган юртга ҳужум қилиб, жанг қилиши керак эди.
- 16 – Мусо шох Сихўндан юртидан тинчгина ўтиб кетишга ижозат сўради. Лекин шох рухсат бермади.
- 17 – Худо шох Сихўнни Исроил халқига мағлуб қилди.
- 18 – Улар шох Ўг устидан ғалаба қозонишди.
- 19 – Олтмишта шаҳарни қўлга киритишди.
- 20 – Улар ҳамма одамларни йўқ қилишди, уларнинг мол-мулкларини эса қолдиришди.
- 21 – Бизнинг курашимиз инсонларга қарши эмас, балки самовий оламдаги ёвуз руҳий кучларга, руҳий ҳокимият ва ҳукмронликка ҳамда бу қоронғи дунёни бошқараётган руҳий ҳукмронларга қаршидир.
- 22 – Иблиснинг ҳийлаларига қарши тура олишимиз учун Худо берган барча қурол-аслаҳалар билан қуролланишимиз ва **ҳар қандай шароитда** Муқаддас Рухга таяниб, дуо-ибодат қилишимиз керак.

- 23 – Биз ёлғонларга ишониб қолишимиз мумкин.
- 24 – Ёмон ишлар қилиш васвасасига тушиб қолишимиз мумкин.
- 25 – Исо Масих ҳақида гапиришни ёқтирмай қолишимиз ёки қўрқиб қолишимиз мумкин.
- 26 – Ҳаётимизда ёмон нарсалар рўй берганида биз Худодан узоқлашамиз, У бизни севишига ишонмай қоламиз. Қўрқиб қоламиз, ташвиш ва хавотирларга берилиб кетамиз.
- 27 – Худо бизга Муқаддас Китоб орқали ўргатмоқчи бўлган ҳақиқатдан қуруқ қоламиз.
- 28 – Нажот совға эканини унутиб қўямиз. Биз савоб ишларимиз орқали Худонинг марҳаматига сазовор бўлишга тиришадиган бўламиз.
- 29 – Биргаликда йиғилиб туришимиз, бир-биримиз учун ибодат қилишимиз, далда беришимиз ва руҳий қурул-аслаҳалар билан қурулланишни бир-биримизга эслатиб туришимиз керак.


Қонунлар, 3-дарс:

Бирлик ва янги етакчилар



Ушбу дарс давомида биз бирлик ва янги етакчиларни тайёрлаш ҳақида мулоҳаза қиламиз.

Бирлик



Қонунлар 3:12–13 ва 18–20ни ўқинг.

Иордан дарёси шимолдаги Жалила кўлидан жанубга — Ўлик денгиз томон қараб оқади. Харитада Иордан дарёсини топинг.

Ушбу оятларда тилга олинган жойлар Иордан дарёсининг шарқ томонида жойлашган. Исроил халқи Ёшуа бошчилигида Ерихо шаҳрига ҳужум қилишдан олдин, Иорданнинг шарқ томонига келган эди (Ёшуа 6-боб).

Саҳрода 32:1–5ни ўқинг. Рубен ва Гад қабилалари Мусога нима деб айтишди? [1]

Саҳрода 32:16–22ни ўқинг. Рубен ва Гад қабилалари Иорданнинг шарқ томонида жойлашиб олмоқчи бўлдилар. Қандай қилиб улар Мусони бунга рухсат беришига кўндирдилар? [2]

Саҳрода 32:33ни ўқинг. Иорданнинг шарқий томонидаги ерлардан яна қайси қабила ерни мулк қилиб олди? [3]

Мусо бу икки ярим қабилага Иордан дарёсининг шарқ томонида истиқомат қилишларига изн берди. Бунинг учун уларга бир шарт қўйди: бу қабилаларнинг барча эркаклари қолган қабилаларга Иорданнинг фарбидаги Канъон юртини забт этишга ёрдам беришлари керак эди.

Рубен, Гад ва Манаше қабилалари бошқа қабилалар билан бирлик сақлаб қолишлари жуда муҳим эди. Агар Рубен, Гад, ва Манаше қабиласининг ярми қолган Исроил халқи билан Иордан дарёсини кечиб ўтишдан ва жанг қилишдан бош торганларида эди, бирлик йўқолиб, Худонинг халқи пароканда бўларди. Шунда қабилалар ҳақиқий душман билан жанг қилмай, ўзаро жанг қилишга киришган бўларди.

Янги етакчилар

Қонунлар 3:23–29ни ўқинг.

25-оятда Мусо Худодан нима сўрамоқда? [4]

Ўтган 40 йил давомида ваъда қилинган юртни кўриш Мусонинг ардоқлаган орзуси эди! Афсуски, Худонинг энг буюк етакчилари ҳам, энг кўзга кўринган пайғамбарлар ҳам ранжийдилар!

Саҳрода 20:1–3ни ўқинг. Нега Худо Мусога халқни ваъда қилинган юртга олиб киришга изн бермади? [5]

Эски Аҳддаги энг буюк инсонлар ҳам баъзан Худога панд берганлар. Лекин шу ерда ҳам биз Худонинг меҳр-шафқатини кўрамиз, Худо Мусога ваъда қилинган юртни узоқдан бўлса ҳам кўрсатди (Қонунлар 3:27).

Исроил халқининг навбатдаги етакчиси ким бўлди (Қонунлар 3:28)? [6]

Мусо Ёшуага нима деб айтди (Қонунлар 3:21–22)? [7]

Ваъда қилинган юртни қўлга киритиш мураккаб вазифа эди, бунинг учун кўп жанг қилиш керак эди. Худо Ўз халқига улар учун Ўзи жанг қилишини билдирмоқчи эди. Жанг майдонларида ғалаба

қозониш Худонинг иши эди. Зеро, Худо уларнинг Эгаси ва Шоҳидир! Худо Ёшуа орқали халқни Ўзи ваъда қилган юртга олиб киради (28-оят).

Қандай қилиб Мусо Ёшуани навбатдаги етакчи қилиб тайёрлаши керак (Қонунлар 3:28)? [8]

Қандай қилиб Мусо Ёшуага далда бериб, уни руҳлантириши мумкин эди? [9]

Таврот (Эски Аҳднинг биринчи бешта китоби) Мусо томонидан ёзилган. Мусо бу китобни Ёшуага ва Исроил халқига совға қилди.

Ёшуа 1:8да Худо Ёшуага Таврот китобини ўқиш ҳақида нима деб айтди? [10]

Янги Аҳд

Келинлар, Янги Аҳдда бирлик ва янги етакчилар каби ўта муҳим мавзулар ҳақида нималар ёзилганини кўриб чиқайлик.

Бирлик

Эски Аҳд даврида бирлик Худонинг халқи учун жуда муҳим аҳамиятга эга эди. Янги Аҳд даврида ҳам бу мавзу ўз долзарблигини йўқотмаган.

Юҳанно 17:20–21да Исо Масих ўз шогирдлари учун нима деб ибодат қилмоқда? [11]

Исо Масих шогирдлари орасидаги бирлик учун ибодат қилган.

Бугунги кунда жамоат шайтонга ва гуноҳга қарши жанг қилиши даркор. Худо жамоатнинг бир бўлишини ва **биргаликда** хизмат қилиб, ўсиб боришини хоҳлайди. Биз жамоатимиз ичида ҳам, жамоатлараро ҳам бирликка эга бўлишимиз керак, бунинг учун жон-жаҳдимиз билан ҳаракат қилишимиз даркор.

1-Чақириқ

Қандай қилиб биз бирликни йўқотамиз? [12]

Бирликка эга бўлишимиз учун нима қилишимиз керак? [13]

Янги етакчилар

Худо Исроил халқининг ҳақиқий Шоҳи ва Ҳукмдори эди. Шу сингари Исо Масих ҳам бизнинг ҳақиқий Шохимиз ва Ҳукмдоримиздир (Ваҳий 17:14).

Эски Аҳд даврида Худо Ўз халқи учун етакчи ва йўлбошчиларни тайинлаган, У бугунги кунда ҳам Ўз халқи учун етакчилар тайинламоқда.

Биз 2-дарсимизда кўрганимиздай, етакчиларнинг зиммасига муҳим вазифалар юкланган! Улар қуйидагиларни бажаришлари керак:

- Улар Худонинг Каломини ўрганишлари ва барча амрларга амал қилишлари шарт.
- Сурувга камтарлик билан хизмат қилишлари, раҳм-шафқат билан уларга ғамхўрлик қилишлари керак.
- Қўли остидаги одамларга Худо берган инъом-қобилиятларини ривожлатиришга ёрдам беришлари лозим.
- Одамларни ажратмай, ҳаммага далда беришлари керак.

Етакчилар ўзларини етакчилик вазифасини топширадиган вақтга ҳам тайёрлашлари керак.

Юқорида Мусо Ёшуани янги етакчи қилиб тайёрлаганини кўрдик. Келинлар, энди эътиборимизни Павлусга қаратайлик. У Янги Аҳдда Тимўтийга етакчилар ҳақида нималар ёзганини ўқиб чиқайлик.

Тимўтийга иккинчи мактуб, 2:2ни ўқинг. Ҳаворий Павлус Тимўтийга қандай кўрсатма бермоқда? [14]

Янги етакчиларни тайёрлаш

Ҳамма ўқитувчилар ўз шогирдларини бошқаларга таълим беришга тайёрлашлари керак.

Мусо Ёшуани Худо халқининг навбатдаги етакчиси қилиб тайёрлади. Шу сингари жамоатдаги ҳамма етакчи ва чўпонлар ўзлари учун ўринбосарларни тайёрлашлари керак!

Доно етакчи ўлмасидан **олдин** ўринбосарига ўз жойини бўшатиб беради! Бундай ҳолатда янги етакчи зарур вақтда тажрибали етакчидан маслаҳату насиҳатларни олиб туради. Олдинги етакчи янгисига жойини бўшатиб берганидан кейин, ўз ўрнини билиши ва сидқидилдан янги етакчини қўллаб-қувватлаши керак, шундагина бу иш беради. Жамоат ҳам эски етакчини қай тарзда қўллаб-қувватлаган бўлса, янги етакчини ҳам шундай қўллаб-қувватлаши керак бўлади.

Жамоат етакчилари қўли остидаги одамларни, жамоат йўқ жойларда жамоат бошлашга ундашлари ва уларни бу вазифа учун тайёрлашлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Жамоат етакчиларига қандай муносабатда бўлиш ҳақида эслатма

Жамоат аъзолари етакчиларга қилган муносабатида одатда иккита хатога йўл қўйишади:

1. Одатда биз етакчиларни мукамал деб биламиз ва улар бизнинг ҳамма муаммоларимизни ечиб бера олишига ишонамиз.

Бироқ биз қуйидагиларни эсда тутишимиз керак:

- Етакчилар ҳам шунчаки инсонлар, улар ҳам хатоларга йўл қўйишади.
- Ҳаттоки Мусо ҳам хато қилган.

- Фақатгина Исо Масих мукаммал инсон бўлган. Фақатгина У бизга муаммоларимизни ечишга ёрдам бера олади.

2. Биз етакчиларимизни ҳурмат қилмаймиз.

- Янги Аҳд бизга жамоатдаги етакчиларимизни ҳурмат қилишимиз, уларга итоат қилишимиз кераклигини очиқ-равшан ўргатади (1Салоникаликларга 5:12–13, Ибронийларга 13:17).
- Биз жамоатимиздаги етакчиларни ҳурмат қилмасак ва уларга итоат қилмасак, жамоатдаги бирлик йўқолади ва жамоат хизмати самарасиз бўлади.

Жамоат аъзолари етакчиларига нисбатан қандай иккита хатога йўл қўйишади? [15]

2-Чақириқ

Биз жамоатда етакчилик қиламизми ёки йўқми, ҳаммамиз Муқаддас Китобни ўқиб ўрганишимиз керак. Сиз ўзингиз Худонинг Ёшуага 1:8 да айтган кўрсатмасига риоя қиляпсизми?



Сиз Муқаддас Китобни кўпроқ ўқишингиз ва у ҳақда мулоҳаза қилишингиз учун ўз кун тартибингизга қандай ўзгартиришлар киритишингиз керак?

Бирлик ва янги етакчилар мавзусини бир-биридан ажратиб бўлмайди:

- Зеро, жамоатда бирлик бўлса, етакчилар ўз вазифасини осонлик билан бажарадилар. Бирлик йўқ жойда эса, етакчилик машаққатли меҳнатга айланади.
- Яхши етакчилик бўлса, бирликка эришиш анча осон бўлади. Ёмон етакчилик эса бирликка путур етказди.

Ҳар бир жамоат севги ва муқаддасликка эришишга ҳаракат қилади. Бироқ бу фоний дунёда ҳеч бир жамоат мукаммал эмас! Шунга қармай, биз қўлимиздан келганча, севги ва муқаддасликда ўсиш учун жон куйдиришимиз керак!

Шундай экан, доим жамоатингиз учун ибодат қилинг:

- Етакчиларингиз сурувни яхши бошқаришсин.
- Жамоатингиз аъзолари Масихга ва бир-бирларига бўлган самимий севгида ўсиб боришсин.

Бу дарс давомида Худо сизга қандай чақириқ берди?

Уйга вазифа

Навбатдаги дарсга тайёргарлик сифатида **Қонунлар 4-бобни** ўқинг.

Жавоблар

- 1 – Улар Мусодан Иордан дарёсининг шарқ томонида жойлашиб олишга изн сўрадилар. Улар Иордан дарёсининг ғарбий томонида яшашни истамадилар. Худо эса Исроил халқига Иордан дарёсининг ғарб томонини ваъда қилган эди.
- 2 – Рубен ва Гад қабилаларининг сипоҳлари Исроил лашкарининг олд сафларида бориб, Иордан дарёсининг ғарб томонида улар учун жанг қилишга ваъда бердилар. Ғалаба қозонганларидан кейингина, улар дарёнинг шарқ томонига, хотин, бола-чақаларининг олдида қайтишларини айтдилар.
- 3 – Манаше қабиласининг ярми.
- 4 – Мусо Худодан Иордан дарёсидан ўтишга ва ваъда қилинган юртни кўришга изн сўраяпти.
- 5 – Мусо Худонинг кўрсатмаларига айнан риоя қилмай, Унга ҳурматсизлигини кўрсатди: у қояга буйруқ беришнинг ўрнига, унга икки марта таёғи билан урди.
- 6 – Ёшуа.
- 7 – Мусо Ёшуага шундай деди: «Эганг Худо Иорданнинг шарқидаги иккала шоҳни нима қилганини ўз кўзинг билан кўрдинг. Сен босиб ўтадиган барча шоҳликларни ҳам Эгамиз худди шундай аҳволга солади. Улардан кўркма. Сизлар учун жанг қиладиган Эганг Худодир.»
- 8 – Мусо Ёшуага далда бериб, уни руҳлантириши керак эди.
- 9 – Мусо Ёшуага Худонинг қилган мўъжизаларини эслатиб, Тавротни ўқишни тавсия қилган бўларди.
- 10 – Таврот китобида ёзилганларни ўқигин, уларни битта қолдирмай бажаришинг учун кечаю кундуз улар ҳақида фикр юритгин. Шунда ишларинг юришиб, ўнгидан келади.
- 11 – Исо Масих шогирдлари учун ибодат қилиб, улар бир бўлишсин, деб Худодан сўраган.
- 12 – Мисол учун,
 - биз эътиборимизни Исо Масихга эмас, жамоат етакчиларига қаратамиз.
 - Мағрурланиб кетамиз.
 - Биз Масихнинг танаси бўлмиш жамоатнинг эҳтиёжларига эътибор бермай, фақат ўз эҳтиёжларимизни қондириш билан банд бўламиз.
 - Миш-мишлар тарқатамиз.
 - Бошқаларни ҳукм қиламиз.
 - Қўрс жавоб берамиз.
 - Ўзимизни баланд тутамиз.
 - Кимдандир хафа бўлиб, жамоатга бормай қўямиз.
- 13 – Мисол учун,
 - Биз эътиборимизни жамоат етакчиларига эмас, Исо Масихнинг Ўзига қаратамиз.
 - Ўзимизни камтарин тутиб, билмаган нарсаларни ўрганамиз.
 - Ўз эҳтиёжларимиз учун эмас, биринчи навбатда жамоатнинг эҳтиёжлари ҳақида ғам чекамиз.
 - Миш-мишларга ва ғийбатларга қулоқ тутмаймиз.
 - Бошқалар ҳақида яхши фикрда бўламиз.
 - Ўзимизни улардан устун қўймаймиз.
 - Биз чарчаган бўлсак ҳам, кимдандир хафа бўлсак ҳам, барибир жамоат йиғилишларига бораверамиз.
- 14 – Бу таълимотни бошқаларга ҳам ўргатишга қобилияти бор, ишончли одамларга топширгин.
- 15 – Биринчи хато: одатда одамлар жамоат етакчиларини мукамал деб билишади ва уларнинг ҳамма муаммоларини ечиб бера олишларига ишонишади. Иккинчи хато: улар жамоат етакчиларини ҳурмат қилишмайди.

Қонунлар, 4-дарс:

Ҳаётни танланг!



4-боб, 1–40-оятлар (биринчи қисм)

Ушбу дарсда биз итоаткорлик ҳаёт-мамот масаласи эканини кўриб чиқамиз.

Мазкур парча Мусо пайғамбар Исроил халқига айтган гўзал бир нутқ. Худо Исроил халқини Мисрдаги қулликдан олиб чиқиб, уларни Ўзи учун танлаб олган халқ қилди. Ваъзни ўрганишга киришишдан олдин, келинг, унинг асосий уч мавзусига эътиборимизни қаратайлик.

Ваъзни беш қисмга бўлишимиз мумкин. Биринчи ва охириги қисмлар бир хил мавзуда. Иккинчи ва тўртинчи қисмларда ҳам бир хил нарсга ҳақида сўз юритилади. Қўплаб Ибронийча шеърлар ва ваъзлар шу услубда бўлиб, энг муҳим мавзу ўртада келади.

- 1–4-оятлар: **Итоаткорлик** — Исроил халқи Худодан барака олиши учун Унга итоат қилиши керак эди.
- 5–20-оятлар: **Исроил ўзгача** — Исроил халқи атрофдаги ҳамма халқлардан ажралиб туради, чунки уларнинг Худоси бошқа худоларга ўхшаган эмас.
- 21–31-оятлар: **Ҳукм ва меҳр-шафқат** — Худо ҳукм қиладиган Худо, лекин шу билан бирга ўта раҳм-шафқатлидир.
- 32–38-оятлар: (такрор) **Исроил ўзгача**.
- 39–40-оятлар: (такрор) **Итоаткорлик**.

Ваъздаги энг муҳим қисм қайси бири? (Ваъзнинг ўрта қисми қайси мавзунини ёритган?) [1]

Биз Муқаддас Китобнинг ҳар бир саҳифасида Худонинг ҳукми ва раҳм-шафқатига гувоҳ бўламиз. Биз Худонинг тушунмоқчи бўлсак, Унинг шу томонларини тушуниб олишимиз шарт. У муқаддас ва пок бўлгани учун гуноҳни жазосиз қолдира олмайди. Бирок, У ҳукм қилганда ҳам ўта раҳмдил ва меҳрибондир.

Одамларда Худо ҳақида иккита нотўғри фикр бор:

- Баъзи одамлар, Худо гуноҳларимизга асло эътибор бермайди, деб ўйлашса,
- Бошқалар, Худо гуноҳларимизни кечирмайди, биз учун умид йўқ, деб айтишади.

Нима сабабдан Худо ҳукм ва раҳм-шафқатга кўп урғу берган? [2]

Худо Исроил халқини қутқаргани учун энди улар, ўзимиз истагандай яшаймиз, деб ўйлашлари мумкин эди. Лекин Худо уларга Ўзининг мукаммал қонунини берди. Улар бу қонунга риоя қилиб яшашлари шарт эди!

Бугунги дарсимиз давомида биз Мусо ваъзининг биринчи қисмини кўриб чиқамиз. Халқ Худонинг баракаларига эга бўлиши учун Унга итоат қилиши керак эди. Навбатдаги иккита мавзунини биз кейинги дарсда ўтамоқчимиз.

Итоаткорлик

Қонунлар 4:1–4ни ўқинг.

Ушбу оятларни ўқир эканмиз, у ерда бир-бирига зид бўлган икки фикр берилганини кўрамиз:

- Худо Исроил халқига юртни берган.
- Халқ бу юртга эгалик қила олиши учун Худога итоат қилиши керак.

1-оятга кўра, Худо Исроил халқига нима бермоқчи? [3]

Қандай қилиб Исроил халқи ваъда қилинган юртни қўлга кирита олади (1-оят)? [4]

Демак, ваъда қилинган юрт совғами? Ёки уни итоаткорлик орқали қўлга киритиш керакми?

Муқаддас Китоб саҳифаларида биз бир-бирига зид бўлган бу иккита фикрни кўп учратамиз: Қулликдан озод бўлиш ва ваъда қилинган юрт — **совға**, лекин халқ Худога **итоат қилиш** орқалигина буларга эгалик қила оларди.

Худо Исроил халқини Мисрдан олиб чиқишидан олдин, уларни ўлим фариштасидан — Азроилдан халос қилди. Исроил халқи Азроилдан омон қолиши учун нима қилиши керак эди? **Чиқиш 12:21–23**ни ўқинг. [5]

Худога итоат қилмаганларнинг ҳаммаси ҳалок бўлдилар.

Янги Аҳд

Янги Аҳдда Худо нажотни совға ва иноят қилиб беради, лекин биз Худонинг қонунига итоат қилиб яшашимиз керак. Биз Худо ваъда қилган абадий масканга — Янги Қуддусга борганимизда Худонинг қонунини асосида яшаймиз!

Римликларга 6:17–18ни ўқинг. Римликлар нимага қул эдилар? [6]

Энди эса улар кимга қул бўлдилар? [7]

Римликлар илгарилари гуноҳга қул эдилар, улар гуноҳ қилмай яшай олмасдилар. Лекин Исо Масих уларни гуноҳ чангалидан озод қилди. Уларни поклаб, Муқаддас Рухга тўлдирди. Энди улар Масихга эргашиб, пок, солиҳона ҳаёт кечира оладилар.

Чақириқ

Сиз солиҳликка қул эканингизни атрофингиздаги одамлар кўряптиларми? Ёки улар сизни ўзлари каби, гуноҳга қул деб биладиларми?

Сизнинг ҳаётингиз бошқа гуноҳкор одамларнинг ҳаётидан нимаси билан фарқ қилади?

Ҳаёт

Қонунлар 4:1га кўра, агар Исроил халқи Худонинг фармонлари ва қонун-қоидаларига риоя қилса, бунинг натижаси нима бўлади? [8]

40-оятга қаранг. Агар Исроил халқи Худонинг амрларига риоя қилса, бунинг эвазига Худо уларга нимани ваъда қиляпти? [9]



Қонунлар 8:7–9ни ўқинг. Худо Ўз халқига қандай юртни беряпти? [10]

Худо уларга Ўзи ваъда қилган юртда мўл-кўл, фаровон ҳаёт бермоқчи. Лекин улар Худога итоат қилмасалар, ҳаммасидан маҳрум бўладилар.

Қонунлар 4:3ни ўқинг.

Пиёрдаги бут Баал Мўаб халқи сиғинадиган ҳосилдорлик худоси эди. Канъонликлар ўтакетган ахлоқсизликлар қилиб, бу худога сажда қилишарди. Пиёрдаги Баалга сажда қилган одамларни Худо нима қилди? [11]

Қонунлар китобининг охирида Мусо Исроил халқига мурожаат қилиб, тўғри қарор чиқаринглар, деб ўтиниб сўрайди.

Қонунлар 30:15–20ни ўқинг. Мусо одамларга нималар орасида танлов қилишни сўраяпти? [12]

Худого итоат қилиш қарори шунчаки муҳим қарор эмас, бу — ҳаёт-мамот қароридир! Қонунлар китобида, Худо Ўз халқини ҳаётни танлашга чақиради.

Янги Аҳд

1Юҳанно 5:11–12ни ўқинг. Худо бизга нимани берди? [13]

Кимда абадий ҳаёт бор? [14]

Ҳаёт

Қонунлар китобида «ҳаёт» сўзи муҳим ўрин тутгани каби Юҳанно Хушхабариди ҳам бу сўз муҳим ўрин тутган. Мисол учун:

*Зеро, Худо оламни шунчалик севдики, Ўзининг ягона Ўғлини берди. Токи Унга ишонганлардан биронтаси ҳалок бўлмасин, балки абадий **ҳаётга** эга бўлсин (Юҳанно 3:16).*

*Исо деди: «Мен **ҳаёт** нониман» (Юҳанно 6:35).*

*Исо унга деди: «Мен йўл, ҳақиқат ва **ҳаётдирман**. Отанинг олдида олиб борадиган Мендан бошқа йўл йўқ» (Юҳанно 14:6).*

Абадий ҳаётни бизга Исо Масиҳдан бошқа ҳеч ким бера олмайди!

Янги Аҳдда Худо Ўз халқига абадий ҳаётни барака қилиб беради. Бу барака Эски Аҳдда Исроил халқига итоаткорлик эвазига берилган моддий баракалардан анча устундир. Биз бу ҳақда 12-дарсда батафсилроқ гаплашамиз.

11-дарсда эса биз бугунги кунда қайси қонун-қоидаларга риоя қилишимиз кераклиги ҳақида гаплашамиз. Биз ҳаммамиз бутун қалбимиз, жону дилимиз, бутун онгимиз билан Худони севишимиз ва ўзгани ўзимизни севгандай яхши кўришимиз даркор (Матто 22:37–39).

1-Огоҳлантириш: Худонинг Сўзини ўзгартирманг!

Қонунлар 4:2га кўра, биз Худонинг Сўзига қандай муносабатда бўлишимиз керак? [15]

Баъзи одамлар Худонинг Сўзини ўзгартирмоқчи бўладилар. Унга риоя қилишни осонлаштириш учун, Худонинг амрларини соддалаштиришга уринадилар. Худони ўзлари сажда қилмоқчи бўлган бут тасвирига соладилар. Лекин биз Худонинг ўзимиз ёқтирган амрларига риоя қилиб, ёқтирмаганларни эътибордан четда қолдира олмаймиз-ку!

Худонинг Каломи мукамал ва тўлиқдир. Биз унга ҳеч нарса қўша олмаймиз ва ундан ҳеч нарса олиб ташлай олмаймиз. Муқаддас Китобда Худо ҳақида биз заминий ҳаётимиз давомида ва абадиёт давомида билишимиз керак бўлган барча маълумотлар бор!

Ваҳий 22:18–19ни ўқинг. Худонинг сўзларига бирон нарса қўшмоқчи бўлган ёки улардан бирон нарса чиқариб ташламоқчи бўлган одамларни Худо нима деб огоҳлантирмоқда? [16]

Муҳокама қилинг: Муқаддас Китобдаги қайси амрларга риоя қилиш энг кўп қийинчилик туғдиради?

2-Огоҳлантириш: Янги ваҳийларни қабул қилманг!

- Асрлар давомида сохта дин ўқитувчилари кўп бўлган, улар халққа янги китобларни тақдим қилишарди. Муқаддас Китоб Худонинг мукаммал Каломидир. У ерда Худо билан ярашишимиз, нажот топишимиз ва абадий ҳаётга эга бўлишимиз учун керакли барча маълумотлар берилган.
- Тарихда яна шундай одамлар бўлганки, улар Муқаддас Китоб хабарини ўзларининг ғояларига мослаштириб ўзгартиришган. Сиздаги Муқаддас Китоб эса қадимий қўлёзмаларга асосланган тўғри таржимадир.



Агар кимдир сизга Худо янги ваҳий берди, деб айтса ишонманг. Одамлар бизга ўргатаётган ҳар қандай таълимотни биз Муқаддас Китоб ҳақиқати билан **солиштиришимиз** даркор.

Шу билан бирга биз **бутун Муқаддас Китобни билишимиз керак**. Асрлар давомида баъзи жамоатлар Муқаддас Китобнинг фақат битта (ёки бир нечта) оятига эътибор қаратиб, ўша оятдан қоида ясаб олганлар. Улар ўзларининг янги қоидаси Муқаддас Китоб амрларига тўғри келиши ёки келмаслигини текширмаганлар.

Муҳокама қилинг: Шундай оқимлар ва одамлар борки, улар ўзларининг китобини муқаддас деб атайдилар, лекин уларнинг китоби Муқаддас Китобга асло тўғри келмайди. Сиз шундай одамларни танийсизми?

Сиз бу дарс давомида Худонинг Каломи ҳақида нималарни ўрганиб олдингиз?

Ўзини масиҳий деб атаган, аммо Худонинг амрларига риоя қилмаган одамга сиз нима деб айтган бўлардингиз?

Келинлар, ҳаммамиз ҳаётни танлайлик ва бир-биримиз учун ибодат қилайлик!

Уйга вазифа

Қонунлар 4:1–40ни ўқинг. Биз бу парча ҳақида кейинги дарсда гаплашамиз.

Жавоблар

- 1 – Худо ҳукм қиладиган, лекин шу билан бирга раҳм-шафқатли Худо.
- 2 – Худо бу мавзуга атайин урғу бермоқда, чунки айрим одамлар:
 - Худо гуноҳларимизга эътибор бермайди, дейишади.
 - Бошқалар эса, Худо гуноҳларимизни кечирмайди, биз учун умид йўқ, дейишади.
- 3 – Худо Исроил халқига ваъда қилган юртни беряпти.
- 4 – Исроил халқи Худонинг фармонлари ва қонун-қоидаларига риоя қилиш орқали ваъда қилинган юртни мулк қилиб олади.
- 5 – Исроил хонадонлари қўзичоқ ёки улоқчани қурбонлик қилиб, қонидан эшикнинг кесакиларига суртишлари, сўнг қўзичоқнинг гўштини пишириб, уйларида ейишлари керак эди.
- 6 – Улар гуноҳга қул эдилар.
- 7 – Энди эса улар солиҳликнинг қули бўлдилар.
- 8 – Улар яшайдилар ва ота-боболарининг Худоси — Эгамиз бераётган ерни мулк қилиб оладилар.
- 9 – Худо уларга абадий қилиб бераётган ўша юртда узоқ яшашларини ваъда қиляпти.
- 10 – Худо халқига ҳосилдор, ирмоқ ва булоқларга бой, темир ва мис қазиб олса бўладиган фаровон юртни беряпти.
- 11 – Худо уларнинг ҳаммасини йўқ қилган эди.
- 12 – Ҳаёт билан фаровонлик ёки ўлим билан кулфат орасида танлаш имкониятини беряпти.
- 13 – Худо бизга абадий ҳаётни берди.
- 14 – Ким Худонинг Ўғлига эга бўлса, ҳаётга эгадир.
- 15 – Улар Худонинг сўзларига ҳеч нарса қўшмаслиги ва улардан ҳеч нарса чиқариб ташламаслиги керак.
- 16 – Худо уларни жазолайди ва Янги Қуддусда яшашдан бенасиб қилади.

Қонунлар, 5-дарс:

Ҳукм ва раҳм-шафқат



Қонунлар 4:1–10 (иккинчи қисм)

Мазкур дарсда биз Худонинг халқи ҳақида сўз юритамиз. Худонинг халқи бошқа халқлардан нимаси билан фарқ қилишини ўрганамиз. Бундан ташқари биз Худонинг солиҳ ҳукми ва ақл бовар қилмас раҳм-шафқати ҳақидаги мавзулар билан танишамиз.

Олдинги дарсда биз итоаткорлик мавзусини кўриб чиқдик; Исроил халқи Худодан барака олиши учун Унга итоат қилиши кераклигини билдик. Худо Исроил халқини қулликдан озод қилди. Уларга ваъда қилинган юртни бериш арафасида эди. Лекин Исроил халқи ваъда қилинган юртга кириб, у ерда яшай олиши учун Худонинг фармонлари ва қонун-қоидаларига бекаму кўст риоя қилиши шарт эди.

Қўшимча маълумот: такрорлаш

Қонунлар 4:1–40 бешта мавзудан иборат эканлигини кўрдик. Биринчи ва охирги мавзулар, шунингдек иккинчи ва тўртинчи мавзулар бир хил мазмунда. Ибронийча шеърлар ва ваъзлар айнан шу услубда ёзилади, матнинг энг муҳим, яъни кульминацион қисми ўртадан жой олади.

- 1–4-оятлар: **Итоаткорлик** — Исроил халқи Худодан барака олиши учун Унга итоат қилиши керак эди.
- 5–20-оятлар: **Исроил ўзгача** — Исроил халқи атрофдаги ҳамма халқлардан ажралиб туради, чунки уларнинг Худоси бошқа худоларга ўхшаган эмас.
- 21–31-оятлар: **Ҳукм ва раҳм-шафқат** — Худо ҳукм қиладиган Худо, лекин шу билан бирга ўта раҳм-шафқатлидир.
- 32–38-оятлар: (такрор) **Исроил ўзгача**.
- 39–40-оятлар: (такрор) **Итоаткорлик**.

Ваъздаги энг муҳим қисм қайси бири? (Ваъзнинг ўрта қисми қайси мавзунини ёритган?) [1]

Нима сабабдан Худо ҳукм ва раҳм-шафқатга кўп урғу берган? [2]

Худо Исроил халқини қутқаргани учун энди улар, ўзимиз истагандай яшаймиз, деб ўйлашлари мумкин эди. Лекин Худо уларга Ўзининг мукаммал қонунларини берди. Улар бу қонунларга риоя қилиб яшашлари шарт эди!

Мусо ваъзида Исроил халқига учта нарсани ўргатди, улар нима? [3]

Ушбу дарсимизда биз Мусо ваъзининг иккинчи ва учинчи мавзуларини кўриб чиқамиз.

Исроил ўзгача

Қонунлар 4:5–20ни ўқинг.

Исроил халқи атрофидаги бошқа барча халқлардан ажралиб турар эди, чунки улар сиғинадиган Худони бошқа халқларнинг худолари билан қиёслаб ҳам бўлмасди.

Ҳақ Худо бошқа халқлар сиғинадиган сохта худолардан нимаси билан ажралиб турарди (7, 8, 12, 20-оятлар)? [4]

7-оят:

8-оят:

12-оят:

20-оят:

Агар халқ Худонинг қонун-қоидаларига риоя қилса, бунинг натижаси нима бўлади (6–7-оятлар)? [5]

Худо Исроил халқининг саждалари билан чекланиб қолмади. У Исроил халқини дунёдаги бошқа халқлар учун намуна қилмоқчи эди, бу халқ орқали бошқаларни Ўзига жалб қилмоқчи бўлди!

Худонинг азалдаги режаси айнан шу эди. Худо Ўзининг ажойиб ваъдаларини Иброҳим пайғамбарга берганда, унга шундай деганди: *«Эй Иброҳим, сен орқали барака топарлар ер юзидаги жамики халқлар!»* (Ибтидо 12:3)

Шу тариқа, бизнинг Худога бўлган севгимиз атрофимиздаги одамлар учун кучли намуна бўлади. Улар биздаги Масихни кўриб, Унга эргашишни истаб қолишади!

1-Чақириқ

Кўп одамлар масихийларнинг ҳаётида қуйидаги томонларни кўрганларидан кейингина, Исо Масихга келишади:

- Масихийлар орасидаги севги
- Ижобат бўлган ибодатлари



Борди-ю, одамлар масиҳийларда қуйидагича иллатларни кўришса, Масихдан қочишади:

- Масиҳийлар орасидаги адоват
- Хасад ва бошқаларнинг нарсаларига кўз олайтириш
- Ғийбат
- Ибодатнинг йўқлиги

Бундай одамлар абадий ҳаётдан **бенасиб** қоладилар.

Биз Худонинг амрларига амал қилганимизда, бу атрофимиздаги одамларга қандай таъсир кўрсатади? [6]

Биз Худонинг амрларига риоя қилмаганимизда, бу атрофимиздаги одамларга қандай таъсир қилади? [7]

Қонунлар 4:10–14да Худо Ўз халқига Ўнта амр бергани ҳақидаги воқеа эсга олинади, бу воқеа 40 йил олдин юз берган эди. Қонунлар 5-бобда Мусо пайғамбар Исроил халқига Ўнта амрни батафсил таништиради. Инсоният тарихида шу пайтгача биронта халқда бу каби адолатли қонунлар бўлмаган. Ўша пайтдан бери ҳам ҳеч бир инсон бу қонунлардан аълороғини ўйлаб топмаган.

Худонинг халқига нима қатъиян ман этилганди (15–19-оятлар)? [8]

Худо бутлардан нимаси билан фарқ қилади? Худо қиладиган қандай нарсаларни бутлар қила олмайди? [9]

Худо Ўз халқини бутпараст Мисрликлар орасидан олиб чиқди. Энди эса уларга бошқа бутпараст халқларнинг юртларини мулк қилиб бермоқда. Шу сабабдан Исроил халқи бутпараст халқларнинг одатларига тақлид қилмаслиги ва бутларга сиғинмаслиги керак эди.

2-Чақириқ

Ҳаётимиздаги қандай нарсалар биз учун бутларга айланиши мумкин? Нималарни биз Худодан устун қўямиз? [10]

Худо билан муносабат сиз учун қуйидагилардан муҳироқми:

- Оилангиздан?
- Уйингиздан?
- Ишингиздан?
- Пулдан?
- Телефонингиздан?
- Кийим-кечакдан?
- Имтиҳон натижасидан?
- Обрў-эътибордан?

Биз «сажда» қиладиган нарсалар кундалик ҳаётимизда қандай ўрин тутган? [11]

Худо-ҳукм ва раҳм-шафқат Худоси

Қонунлар 4:21–31ни ўқинг. Бу парча Мусо ваъзининг энг муҳим жойи.

21–24-оятларда Худо Мусони гуноҳи учун жазолаши ҳақида ёзилган. Агар Мусо қилган гуноҳи учун жазо олаётган бўлса, демак Исроил халқи ҳам гуноҳ қилса, жазодан қочиб қутула олмайди.

25–30-оятларда Мусо Исроил халқига башорат сўзларини айтмоқда. Исроил халқи келажакда Худога қарши бош кўтаради, бунинг учун азоб тортади, бегона халқларнинг орасига тарқалиб кетади, лекин Худо уларни ўз юртига қайтариб олиб келади. Мусонинг бу башорати кейинчалик Исроил халқи тарихида юз берди.

25-оятда Мусо Исроил халқини қандай гуноҳлар ҳақида огоҳлантирмоқда? [12]

Агар одамлар бу гуноҳларга қўл урсалар, Худо уларни қандай жазолайди (26–28-оятлар)? [13]

Худо Ўз халқига қандай ваъда бермоқда (29–31-оятлар)? [14]

Сиз бу воқеалар ҳақида Эски Аҳднинг тарихий китобларида ўқишингиз мумкин (Ёшуа, Ҳакамлар, 1–4 Шоҳлар, 1–2 Солномалар, Эзра ва Нахимийе китобларида).

Исроил халқи гуноҳга қўл уришини Худо олдиндан биларди. Худо уларнинг гуноҳ қилишларини била туриб, уларга раҳмдил эди. Улар гуноҳларидан тавба қилганларида уларни кечиришга доим тайёр эди. Зотан, Худо меҳр-шафқатли, раҳмдил Худодир.

Муқаддас ва пок бўлган Худо Ўз халқига нисбатан кечиримли, содиқ ва раҳмдил эканлиги эътиборга молик бир далилдир!

Исроил халқи узоқ йиллар давомида сургунда яшаган бўлса-да, гуноҳ қилишда давом этди. Улар Худонинг мукаммал қонунларига тўлиқ риоя қилмас эдилар.

Эски Аҳд даврида Исроил халқи доим нажот ва ёрдамга муҳтож эди, уларга нафақат Мисрдаги қулликдан, душманлардан, сургундан, балки гуноҳ қуллигидан ҳам нажот керак эди.

Янги Аҳд


Янги Аҳд даврида Худо Исроил халқига шундай Нажоткорни юборди!

Матто 1:20–21ни ўқинг. Фаришта Юсуфга зоҳир бўлганида Марямнинг Ўғли қандай вазифа бажаришини айтди? [15]

Қўшимча маълумот: Исо Масиҳ-бизга нажот бера оладиган ягона Зот!

Исо Масиҳ Худонинг Ўғли! Биз буни биламиз, чунки:

- У Муқаддас Рух орқали пайдо бўлган, Унинг заминий отаси йўқ эди;
- У ҳеч қачон гуноҳ қилмаган;
- У кўп мўъжизаларни қилган, бунга кўп одамлар гувоҳ бўлган;
- Уни хочга михлаб, ўлдиришганидан кейин, учинчи куни У тирилди.



Биз Исо Масиҳнинг хочда жон берганини кўрганимизда Худонинг ҳукми ва раҳм-шафқатини кўрамиз. Исо бизнинг гуноҳларимиз учун жазоланди. Масиҳ гуноҳларимиз бадалини тўлади, шунинг учун Худо бизга раҳм-шафқат қилди!

Исо Масиҳнинг ўликдан тирилгани — У бизни гуноҳларимиздан, ўлим ва шайтондан озод қилганидан далолат беради!

Исо тирилганидан кейин қирқ кун ўтгач, осмонга кўтарилиб, Худонинг ўнг томонига ўтирди. У бизга кечирим ва меҳр-шафқат эшигини очди, бироқ вақт жуда қисқа! Кўп ўтмай, У яна қайтиб келади ва бутун дунёни ҳукм қилади!

Исо Масиҳ осмонга кўтарилиб кетмасидан олдин, Ўз шогирдларига Қонунлар 4-бобдаги сўзларни иқтибос қилиб, охириги кўрсатмаларни берган. Исо шогирдларига Худонинг Ўғли эканини таъкидлаб айтган!

Қонунлар 4:39–40ни ўқинг. Еру самодаги барча ҳокимият Кимга берилган? [16]

Исроил халқи нима қилиши керак эди (40-оят)? [17]

Улар итоат қилишлари шарт эди!

Матто 28:18–20ни ўқинг. Еру осмондаги барча ҳокимият Кимга берилган? [18]

Бугунги кунда Раббимизнинг издошлари нима қилишлари керак (20-оят)? [19]

3-Чақириқ

Биз одамларга Масиҳга итоат қилишни ўргатишимиз керак. Зеро, еру осмондаги бутун ҳокимият Унга берилган! У қайтиб келганида бутун дунёни ҳукм қилади!

Бутун борлиқни ҳукм қиладиган Қозига итоат қилишни сиз бошқаларга қандай ўргатыпсиз?

Ўтган ҳафта давомида сиз кимга Исо Масиҳ ҳақида айтдингиз?

Мазкур дарсдаги учта чақириқдан қайси бирини бажариш учун сизга Худодан ёрдам керак?

Уйга вазифа

Навбатдаги дарсга тайёргарлик тариқасида **Қонунлар 5:1–15**ни ўқинг.

Жавоблар

- 1 – Худо ҳукм қиладиган, лекин шу билан бирга раҳм-шафқатли Худодир.
- 2 – Худо бу мавзуга атайин урғу бермоқда, чунки айрим одамлар:
 - Худо гуноҳларимизга эътибор бермайди, дейишади.
 - Бошқалар эса, Худо гуноҳларимизни кечирмайди, биз учун умид йўқ, дейишади.
- 3 – **Итоаткорлик** — Исроил халқи Худодан барака олиши учун Унга итоат қилиши шарт эди.
Исроил ўзгача — Исроил халқи атрофидаги бошқа барча халқлардан ажралиб турар эди, чунки улар сиғинадиган Худо бошқа халқларнинг бутларидан бошқача эди.
Ҳукм ва раҳм-шафқат — Худо ҳукм қиладиган, лекин шу билан бирга раҳм-шафқатли Худодир.
- 4 – Худо бизга яқин ва У ибодатларимизни эшитади (7-оят).
 Худо Ўз халқига адолатли қонун-қоидаларни берган (8, 13-оятлар).
 Худо Ўз халқига гапиради, лекин улар Худонинг қиёфасини кўрмайдилар (12-оят).
 Худо Ўз халқини дахшатли қулликдан озод қилган (20-оят).
- 5 – Исроил халқи доно ва ақл-идрокли бўлади.
 Бошқа халқлар Худодан ва Исроил халқидан ҳайратда қолишади.
 Улар Худонинг Исроил халқига яқин эканини кўришади.
- 6 – Биз Худонинг амрларига итоат қилганимизда атрофимиздаги имонсиз одамлар Масихга интиладилар ва абадий ҳаётдан баҳраманд бўладилар.
- 7 – Биз Худонинг амрларига итоат қилмасак, атрофимиздаги имонсиз одамлар ўзларини Масихдан олиб қочадилар ва оқибатда абадий ҳаётдан бебаҳра қоладилар.
- 8 – Исроил халқига бутлар яшаш ва уларга сажда қилиш қатъиян ман қилинган эди.
- 9 – Бутлардан фарқли ўлароқ Худо кўради, эшитади, гапиради, ҳаракат қилади, нажот беради, Ўзига умид боғлаган одамларнинг ҳаётини ўзгартиради, уларнинг ибодатларига жавоб беради.
- 10 – Мисол учун, биз қуйидагиларни Худодан устун қўйишимиз мумкин:
 - Фарзандларимизни;
 - Муҳим, машҳур юлдузларни;
 - Футбол жамоаларини;
 - Дунёдан кўз юмган яқинларимизни;
 - Телефонни;
 - Уй-жойни;
 - Обрўимизни (интернетда олган лайкларимиз ҳам шу жумлага киради).

- 11 – Биз кун давомида шу ҳақда ўйлаймиз, доим шулар ҳақида гапирамиз, уларни мақтаймиз, уларга қўп вақтимизни сарфлаймиз, вақтимиз етмаса жаҳл қиламиз.
- 12 – Исроил халқи йўлдан озиши, Эгамиз олдида қабиҳликлар қилиши ва ўзига бутлар ясаб олиши мумкин.
- 13 – Агар халқ бу гуноҳларга қўл урса, улар қирилиб кетади, Худо берган юртда узоқ яшамайдилар; Худо уларни бошқа халқлар орасига тарқатиб юборади; у ерда ёрдам беришга ожиз бўлган тош ва ёғоч худоларга сажда қиладилар.
- 14 – Агар улар Худога юз бурсалар, Уни бутун қалби билан, жону дили билан изласалар, топадилар. Агар Худога қайтсалар, Худо уларни тарқ этмайди, йўқ қилмайди, ота-боболари билан қилган аҳдини унутмайди (Ибтидо 12:1–3; 26:3–4; 28:14–15; 50:24).
- 15 – У Ўз халқини гуноҳлардан қутқаради.
- 16 – Еру самодаги барча ҳокимият Эгамиз Худоникидир.
- 17 – Улар Эгамизнинг фармонлари ва амрларига риоя қилишлари керак эди.
- 18 – Исо Масих.
- 19 – Раббимиз буюрган ҳамма нарсага амал қилишни биз барча халқларга ўргатишимиз керак.

Қонунлар, 6-дарс:

Ўнта амр (1-қисм)



Мазкур дарсда биз Худони қандай севишимиз кераклиги ҳақида мулоҳаза қиламиз.

Нега биз итоат қиламиз?

Қонунлар 5:1–15ни ўқинг.

Исроил халқи фиръавннинг қўли остида ожиз қуллар эдилар. Улар ўзларини қутқара олмас эдилар. Нажотга арзигулик бирон нарса қилмаган эдилар. Бироқ Худо уларга нажот беришни лозим топди ва уларга юртни мулк қилиб беришни истади.

Худо Исроил халқини Ўзи учун танлаб олди, уларни қулликдан озод қилиб, амрлар берди. Энди улар Худога итоат қилишга мажбур эдилар, чунки Худо уларнинг Эгаси ва Шоҳи бўлди!

Худо Ўз халқига амрлар беришдан олдин, уларга нима деди (6-оят)? [1]

Нега Худо бу гапларни айтди? [2]

Чунки Худо энди уларнинг Эгаси ва Шоҳи бўлди!

Янги Аҳд

Биз ҳам Исроил халқи сингари нажот топишга арзигулик бирон нарса қилганимиз йўқ. Биз иблис чангалида қолган ожиз гуноҳкорлар эдик. Ўзимизни озод қилишга кучимиз ҳам, мадоримиз ҳам йўқ эди. Бироқ Исо Масих бизга нажот беришни лозим кўрди, У бизни гуноҳ тузоғидан қутқариб, бизга абадий ҳаётни инъом этди! Энди бизнинг Эгамиз ва Шоҳимиз бор!

Қайси жаҳатдан бизнинг вазиятимиз Исроил халқининг вазиятига ўхшайди? [3]

Матто 22:37–40ни ўқинг.

Раббимиз ва Хўжайинимиз Исо Масих бизга қайси иккита энг буюк амрга амал қилишимизни буюрди? [4]

Яхши хабар шундан иборатки, Раббимиз Исо бизга Муқаддас Рухини берди! Муқаддас Рухнинг мадади билан биз Унинг ҳамма амрларига риоя қила оламиз!

Ушбу дарсимизда биз Худонинг Мусо пайғамбарга берган ўнта амри билан танишамиз. Бу амрларнинг ҳаммаси Худони ва одамларни яхши кўришимизга қаратилган. Шундай экан, барча масиҳийлар бу амларга бекаму кўст риоя қилишлари керак, зотан бу амрлар ўз долзарблигини йўқотгани йўқ.

Дастлабки тўртта амр

Дастлабки тўртта амрда Худони қандай севишимиз кераклиги ёзилган.

Биринчи амр нима деб ёзилган (Қонунлар 5:7)? [5]

Биз тўлиқлигимизча Худога бағишланишимиз керак, У бунга лойиқдир.

Агар ҳаётимиздаги бирон нарса ёки бирон кимса биз учун Худодан муҳимроқ ўрин тутса, ўша нарса ёки кимса биз учун бутга айланади.

Қандай қилиб биз Худонинг биринчи амрини бузишимиз мумкин?

1-Чақириқ

Ўзингизни синаб кўринг, сиз учун телефонингиз муҳимми ёки Худоми: Сиз ибодат қилаётганингизда ёки жамоат йиғилишида бўлганингизда, кимдир сизга телефон қилиб қолса, телефонга жавоб берасизми? Янги келган хабарларни ўқийсизми? Агар телефонга ёки хабарларга жавоб берсангиз, демак, сизнинг ўша одамлар билан бўлган муносабатингиз Худо билан бўлган муносабатдан анча устун экан. Телефонингиз Худо билан ўтказган вақтингизга халақит бермасин! Уни ўчириб қўйинг — у нафақат сизнинг, балки атрофингиздаги одамларнинг ҳам эътиборини чалғитади.

Бошқа худоларга сажда қилманг. Бошқа ҳамма худолар сохта худолар, улар гунг бутлардир.

Сохта худолар

- Сохта худони **шахсан таниб бўлмайди**. Ҳақ Худо эса яхши отага ўхшайди, яхши ота ўз фарзандлари билан вақт ўтказади. Шу сингари Худо ҳам биз билан вақт ўтказади. Биз Худони Муқаддас Китоб ва Муқаддас Рух орқали таниб биламиз.
- Сохта худонинг илтифотини **пулга сотиб олса бўлади**. Баъзи одамлар шундай деб ўйлашади: «Агар мен Худо учун бирон нарса қилсам, демак Худо ҳам мен учун бирон нарса қилиши керак.» Муқаддас Китобда ёзилишича, Худо бизни мукаммал тарзда севади, Унинг севгиси энг меҳрибон заминий отанинг севгисидан ҳам аълороқдир.

Баъзи одамлар жамоатга пул бериб, бунинг эвазига Худодан илтифот кутишади: энди Худо ибодатларимизга жавоб беради ёки берганимиздан ҳам кўпроқ пулни бизга қайтаради, деб ўйлашади.

Агар биз Худонинг баракасини пулга сотиб олмоқчи бўлсак, демак, Раббимиз биз учун қилган мўъжизани тушунмаган бўламиз. Демак, биз ҳақиқий Худога эмас, сохта худога сиғиняпмиз.



Агар биз ҳақ Худога сиғинаётган бўлсак, унинг хизматига сахийлик билан пул ажратамиз. Биз Худони севамиз, чунки У бизга энг аъло совғани берган, бу совға: Раббимиз Исо Масихдаги абадий ҳаётдир!

Биз қўлимиздан келганча, Худони таниб билишга ҳаракат қилишимиз керак! Шунда биз сохта худога эмас, Ҳақ Худога сажда қиламиз!

Худо Мусога берган **иккинчи амр** нима (Қонунлар 5:8–10)? [6]

- Атрофимизда **инсон ўз қўли билан ясаган** худолар жуда кўп. Биз Худонинг суратини чизишимиз ёки Унинг қиёфасидаги бирон бутни ясашимиз керак эмас. Ҳайкал улуғвор Худойимизни тўлиқлигича акс эттира олмайди. Биз Худони қандайдир шаклга солганимизда Худо бундан ранжийди. Бундай қилиш нотўғридир.

Нима сабабдан инсон қўли билан ясалган бутларга сажда қилиш нотўғри? [7]

- Бу дунёда Худонинг суратида яратилган қандай мавжудот бор (**Ибтидо 1:26**)? [8]

Биз **одамга** сажда қилишимиз керак эмас. У президент бўладими, хонанда бўладими, Ҳажга бориб келган ҳожи ота ёки ҳожи она бўладими, авлиё бўладими, ўтиб кетганларнинг руҳи бўладими, фарқи йўқ.

2-Чақириқ

Бизнинг бутларимиз борми? Кўзмунчоқ, қалампирмунчоқ ёки тумор тақиб юрамизми? Бу нарсалар бутлардир. Чунки фақат Худо бизни ҳимоя қила олади. Бундай нарсаларни тақиб, Худога шак келтирманг!

Қандай қилиб биз иккинчи амрни бузишимиз мумкин? [9]

Қўшимча маълумот: Болаларнинг бошига тушадиган оқибатлар



Қонунлар 5:9–10ни ўқинг. Худо гуноҳларимизнинг оқибатини фарзандларимиз, набираларимиз, эвара-чевараларимиз бошига тўртинчи авлодгача солади, буни эшитиш нақадар даҳшатли! Ўша даврларда бу авлодлар бир уйда яшашарди, ҳозирги кунда ҳам бу удум кўп давлатларда сақланиб қолган. Худо ота-оналарнинг гуноҳи оқибатини фарзандларининг бошига солади. Шу боис, гуноҳ балоси бир авлоддан, кейинги авлодга кўчиб ўтаверади. Фарзандлар ота-онаси қилган гуноҳга қўл уришади!

Бизнинг гуноҳларимиз нафақат бизнинг ҳаётимизни, балки фарзандларимиз ва набираларимиз ҳаётини заққумга айлантиради. Бунга биронта мисол келтира оласизми?

Бироқ, Худонинг содиқ севгиси нечанчи авлодгача давом этади? [10]

Худо Ўзини севган одамларнинг минг-минг авлодларига содиқ севгисини кўрсатади. Бу дегани, Унинг содиқ севгиси абадийдир, у асло адо бўлмас, зеро минглаб авлодларни санаб бўлмас!

Учинчи амр нима (Қонунлар 5:11)? [11]

Мусо пайғамбар Худодан «Сенинг номинг нима?» деб сўраганида, Худо унга нима деб жавоб берди (Чиқиш 3:13–14)? [12]

Ибронийчада, Худонинг номи *Яхвеҳ*. Эски Аҳдда бу ном Эгамиз, деб таржима қилинган.

Худо Мусога Ўз исмини аён қилгани Мусо учун катта шараф эди. Инсоннинг исми ва шахсияти ҳаётда жуда муҳим ўрин тутadi. Бировнинг исми ёки шахсиятига тил теккизилса ёки ҳақорат қилинса, бу жуда ёмон оқибатларга олиб келади.

Худонинг исми ҳам ўта муқаддас ва шарафлидир! Исроил халқи Худога иззат-ҳурмат юзасидан Унинг исмини айтишмасди.

Биз учинчи амрни бир нечта йўл билан бузишимиз мумкин:

- Канъон халқлари ўз худоларининг номларини лаънат, қарғишларда ва фол очишларда кўп ишлатишарди. Худо эса Исроил халқига Ўз исмини бундай вазиятларда қўллашни қатъиян ман этган. Бундай жирканч одатлардан улар нафратланишлари керак эди (Қонунлар 18:9–13).
- **Биз айтган гапимиз ва қилган ишимиз** билан учинчи амрни бузишимиз мумкин. Хаворий Павлус шундай ёзганди: «Қонунни биламан, деб мақтанасан-у, лекин қонунни бузиб, Худонинг номига доғ туширасанми?! Ахир, Муқаддас битикларда шундай ёзилган-ку: «Сизларни деб, халқлар орасида Худонинг номи ҳақорат қилинмоқда» (Римликлар 2:23–24). Агар биз ўзимизни Худонинг халқи деб атасак, биз буни Худога ва бошқаларга бўлган севгимиз орқали намоён қилишимиз керак. Айтган гапимиз билан қилган ишимиз бир-бирига мос келиши шарт.

Одамларнинг иши юришмаганда, улар яна қандай қилиб Худонинг исмини суиистеъмол қилишлари мумкин? [13]

Одамларнинг иши юришганда, улар одатда Худони улугламайдилар.

Қайси вазиятларда биз Худонинг исмини суиистеъмол қилмаслигимиз керак? [14]

Қўшимча маълумот: Қасам

Эски Аҳд даврида қозихоналарда иш кўриб чиқиладиганда одамлар ҳақиқатни айтаётганини тасдиқлаш мақсадида, ўз худоларининг номи билан қасам ичишарди. Канъонликлар кўпинча ўз худоларининг номи билан қасам ичиб, ёлгон гапиришарди.

Лекин Худо Исроил халқига фақат ҳақиқатни гапиришни ва фақат Унинг исми билан онт ичишни амр қилган эди (Қонунлар 6:13, 5:20).

Янги Аҳдда эса Исо Масих «умуман қасам ичманглар» деб айтади: *«Сизларнинг сўзингиз фақат «ҳа» ёки «йўқ» бўлсин. Бундан ортиги эса ёвуз шайтондандир»* (Матто 5:37). Исо ҳар кунги ҳаётда қасам ичмасликни назарда тутган. Одамлар билан муносабатда биз фақат «ҳа, қиламан» ёки «йўқ, қилмайман» деб айтсак кифоя (Матто 5:37). Бироқ суд маҳкамасида ёки ҳарбий хизматда қасамёд қилишимиз мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин, чунки қасамёд орқали биз ҳақиқатни айтишга ёки чин дилдан ватанга хизмат қилишга ваъда берган бўламиз. Бундай вазиятларда ватанингизга ёки ҳукуматингизга қасамёд қилиш гуноҳ бўлмайди. Хаворий Павлус шундай деб ёзган: *«Ҳар бир инсон ўзининг устидан ҳукмрон бўлган ҳокимиятга бўйсунсин. Чунки Худо буюрмаган ҳокимият йўқ, мавжуд бўлган ҳар бир ҳокимиятни эса Худо тайин этган»* (Римликларга 13:1).

Тўртинчи амр нима (Қонунлар 5:12–15)? [15]

Халқ нимани ёдда тутиши керак эди (15-оят)? [16]

Куллар тинмай меҳнат қилишлари керак эди. Лекин Худо Ўз халқини қуликдан ОЗОД қилди, энди улар қул эмас! Энди улар дам олиш ҳуқуқига ҳам эгалар. Ҳар ҳафта улар озодлигини байрам қилиб, бир тўлиқ кун дам олишлари керак эди.

Биз ҳам ҳафта давомида дам олганимизда, ўз кучимизга эмас, Худонинг кучига таянганимизни кўрсатган бўламиз. Агар биз тинмай, ҳафтада етти кун ишласак, биз Худога эмас, ўз кучимизга таянган бўламиз. Лекин биз барча эҳтиёжларимизни Худонинг қўлларига топширишимиз керак, ўз кучимизга таянмаслигимиз даркор!

Дам олиш кунини биз мароқли ўтказишимиз мумкин. Бу кунни биз имондаги биродарларимиз, дўсту жўраларимиз, қариндош-уруғимиз билан ўтказишимиз мумкин.

Жамоат етакчилари ҳам ҳар ҳафта бир кун дам олишлари жоиз. Улар якшанба куни кўп ишлайдилар, шу боис ҳафтанинг бошқа куни дам олишлари даркор. Жамоатдагилар ва бошқа дўст-биродарлар, агар

шошилиш масала бўлмаса, чўпонни бу куни безовта қилмасликлари шарт. Агар чўпон шундай йўл тутса, ўзини ҳолдан тойишдан ва тушкунликдан асраб қолади. Чўпон ҳар ҳафта бир кун дам олса, самарали хизмат қила олади.

Бизнинг Худо ва яқинларимиз билан бўлган муносабатимиз ишимиздан анча муҳим!

Агар биз Шаббат кунига риоя қилсак, уни муқаддас деб билсак, Худони янада кўпроқ сева оламизми? [17]

3-Чақириқ

Сиз ҳар ҳафта бир кун ишингиздан дам оласизми? Агар дам олсангиз, ўша куни сиз Худо билан вақт ўтказасизми? У билан муносабатингизни янада мустаҳкам қиласизми?

Ушбу тўртта амрдан қайси бирига амал қилиш масиҳийлар учун энг қийин?

Учта чақириқдан қайси бирини бажариш учун сизга Худонинг ёрдами керак?

Худо сизга қайси гуноҳингизни кўрсатди? Сиз ундан тавба қилишга тайёرمىсиз?

Худого шукурки, гуноҳларини эътироф этиб, тавба қилган ҳар бир инсонни Худо кечиришга доим тайёрдир! (1Юҳанно 1:8–9)

*Эгангиз Худони **бутун** қалбингиз билан, **жону дилингиз** билан, **бутун** вужудингиз билан севишингиз* учун, биргаликда ибодат қилинг (Қонунлар 6:5).

Уйга вазифа

Навбатдаги дарс учун **Қонунлар 5:16–21**ни ўқинг.

Жавоблар

- 1 – Худо уларга шундай деди: *«Мен сизларни Мисрдаги қулликдан олиб чиққан Эгангиз Худоман.»*
- 2 – Исроил халқи Худога итоат қилишга мажбур эди, чунки улар Худога тегишли эди ва Худо уларни Мисрдаги қулликдан озод қилди.
- 3 – Биз ҳам Исроил халқи сингари нажот топишга арзигулик бирон нарса қилганимиз йўқ. Биз иблис чангалида қолган ожиз гуноҳкорлар эдик. Ўзимизни озод қилишга кучимиз ҳам, мадоримиз ҳам йўқ эди. Бироқ Исо Масих бизга нажот беришни лозим кўрди, У бизни гуноҳ тузоғидан қутқариб, бизга абадий ҳаётни инъом этди! Энди бизнинг Эгамиз ва Шоҳимиз бор!
- 4 – Исо деди: *«Эгангиз Худони бутун қалбингиз билан, жону дилингиз билан, бутун онгингиз билан севинг,»* ва *«Ўзгани ўзингизни севгандай севинг.»*
- 5 – *Мендан бошқа худоларга сажда қилманг.*
- 6 – Ўзингиз учун бут ясаманг, унга сажда қилманг.
- 7 – Ҳайкал улуғвор Худойимизни тўлиқлигича акс эттира олмайди. Биз Худони қандайдир шаклга солганимизда Худо бундан ранжийди. Бундай қилиш нотўғридир.
- 8 – Инсон зоти Худонинг суратида яратилган.
- 9 – Биз инсон яратган ҳайкалларга, бутларга сиғинганимизда, тирик ёки ўлик одамларга сажда қилганимизда, бизни ҳимоя қилади деб, турли хил тумор ва кўзмунчоқларни таққанимизда иккинчи амрни бузган бўламиз.
- 10 – Минг минг авлодларгача.
- 11 – *Мен, Эгангиз Худонинг исмини суиистеъмол қилманг.*
- 12 – Худонинг номи *«Мен Борман»*.
- 13 – Одамларнинг иши юришмаганда, улар одатда буни Худодан кўрадилар.
- 14 – Биз Худонинг исмини қарғиш ва лаънатларда, фолларда ишлатмаслигимиз керак. Гуноҳ қилиб Худони бадном қилмаслигимиз керак. Ҳақоратларда ва қасам ичганда Худонинг исмини тилга олмаслигимиз керак.
- 15 – Шаббат кунини муқаддас деб билинг, бу кунга риоя қилиб юринг.
- 16 – Худо Исроил халқига Мисрда қул бўлишганини ва Худо уларни у ердан озод қилганини эсда тутишларини буюрди.
- 17 – Биз Худо билан ва имонли биродарларимиз билан вақт ўтказишимиз мумкин.

Қонунлар, 7-дарс:

Ўнта амр (2-қисм)



Ушбу дарсни эркак ва аёллар алоҳида-алоҳида гуруҳларда ўтишлари керак.

Олдинги дарсда биз Худони севишни ўргатадиган ўнта амрнинг тўрттасини кўриб чиқдик. Бу дарсда эса кейинги олтита амр билан танишамиз. Ушбу амрлар одамларга қаратилган бўлиб, уларни севишни ўргатади.

Агар биз Худони севмасак (биринчи тўртта амр), ёнимиздаги одамларни ҳам яхши кўра олмаймиз (навбатдаги олтита амр).

Қонунлар 5:16–21ни ўқинг.

Кетма-кетликнинг муҳимлиги

Ўнта амрнинг кетма-кетлиги муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бизга Худонинг қадриятларини ошкор қилади:



- Худо учун биринчи навбатда бизнинг У билан муносабатимиз муҳим.
- Бундан кейин одамлар билан ўзаро муносабатларимиз муҳим ўрин тутди.
- Шундан кейингина мулк ва бошқа моддий нарсалар ўрин олган.

Афсуски, кўпинча бизда бу қадриятларнинг ўрни **алмашиб** қолади:

- Бизнинг мол-мулкимиз ва нарсаларимиз ҳаммасидан устун бўлади.
- Сўнг бизни одамларнинг фикри ва улар билан бўлган муносабат қизиқтиради.
- Худо билан муносабат тўғрисида эса биз деярли ўйламаймиз ҳам.

Агар биз Худонинг қадриятлари бўйича яшасак, қалбимизда тинчлик ва хурсандчилик ҳукм суради. Борди-ю, илоҳий қадриятлар ҳаётимизда остин-устун бўлса, биз тинчлик ва хурсандчилик нималигини билмаймиз.

Демак, илоҳий қадриятлар ҳаётимизда қандай кетма-кетликда бўлиши керак? [1]

Қонунлар 5:16ни ўқинг. Бешинчи амр нима? [2]

Фарзандлар ота-онасига итоат қилишлари керак (Эфесликлар 6:1). Вояга етган фарзандлар ота-онасини ҳурмат қилишлари шарт (Қонунлар 5:16) ва уларнинг барча эҳтиёжларини қондиришлари лозим (1Тимўтий 5:8).

Фарзандлар отасига ҳам, онасига ҳам ёшликдан қулоқ солишни ўрганишлари мақсадга мувофиқдир. Буни уларга ўргатиш ота-онанинг бурчи. Тарбияни бола туғилиши биланоқ бошлаш лозим, ўғил болага ҳам, қиз болага ҳам гўдаклигидан тарбия бериш даркор.

Меҳрибон ота-она фарзандларига яхшиликни раво кўради, улар фарзандларининг манфаатини кўзлашади. Яхши ота-она бўлиш учун, улар бир-бирини севишлари ва ҳурмат қилишлари керак. Агар ота доим онага бақирса, унга ҳурматсизлик қилса, болалар ҳам отасидан ўрناк олишади. Агар она отаси ҳақида доим ёмон гапирса, уни танқид қилса, менсимаса, болалар ҳам худди шундай қилишади.

Мукамал ота-она йўқ, буни ҳаммамиз жуда яхши биламиз. Аммо минг афсуски, шундай ота-оналар ҳам борки, улар болаларига ёмон ишлар қилишни ўргатишади. Бундай вазиятда Ҳаворийлар 4:19 бизга нимани ўргатади? [3]

Муҳокама учун

Имонли биродарлар ота-оналарига қандай муносабатда бўлишлари керак?

1. Пул масаласида

- Агар ота-онамиз бизга, кўпроқ пул ишлашинг учун ҳафтасига 7 кун ишла, деб айтишса нима қилишимиз керак?
- Агар ота-онамиз кўпроқ пул ишлашимиз ва уларга юбориб туришимиз учун, Россияга бориб ишлашимизни талаб қилса, биз нима қилишимиз керак?
- Агар ота-онамиз ўзимиз учун муҳим бўлмаган нарсалар учун кўпроқ пул топишимизни хоҳлашса, биз нима қилишимиз керак?

Бундай ҳолларда биз ота-онамиз билан очикчасига гаплашишимиз, ўз фикримизни уларга айтишимиз керак. Мисол учун, ота, она, мен сизларни жуда яхши кўраман, лекин кўпроқ пул ишлаш учун узоқ юртга боришни хоҳламайман. Мен учун хотиним ва фарзандларимнинг ёнида бўлишим муҳимроқ.

Қандай қилиб сиз ота-онангизга моддий томондан ёрдам бера оласиз?

Қуйдаги мисолларни кўринг:

- Балки ота-онангизнинг уйи олдида кичкинагина дўкон қуриб бериб, уни ижарага берарсиз?
- Ёки бирон одамни ишга олиб, ўша дўконни ўзингиз юргизарсиз?

- Балки ота-онангиз бошқаларга бирор фандан репетиторлик қила олишар?
- Сизда яна қандай фикрлар бор?

2. Оилада зўравонлик ҳолатлари бўлса...

- Агар оиламизда бир одам бошқасига зўравонлик қилса, биз нима қилишимиз керак?

Яхши хонадон ҳар бир оила аъзоси учун хавфсиз жой бўлиши даркор. Сиз ўзингизни ва оилангизнинг бошқа аъзоларини хавфли вазиятларда ҳимоя қилишингиз лозим.

Агар жамоат аъзоси ўз оиласида хавфсиз бўлмаса, жамоат бундай одам учун хавфсизликни таъминлаш вазифасини ўз бўйнига олиши ва буни муҳокама қилиши шарт.

Қонунлар 5:17ни ўқинг. Олтинчи амр нима? [4]

Балки сиз «Мен ҳеч қачон бу амрни бузмаганман», деб ўйлашингиз мумкин, аммо...

Матто 5:21–22ни ўқинг. Бу оятларда ғазаб ҳақида нима ёзилган? [5]

1-Чақириқ

Сиз биронта одамдан ғазабдамисиз? Худога ёлворинг, ўша одамни кечира олишингиз учун Худо сизга ёрдам берсин. Шунда сиз юрагингизни асир қилган ғазаб занжиридан озод бўласиз.

Аборт ҳам, ҳар қандай вазиятда қотиллик ҳисобланади. Мисол учун, бир қизнинг номусига тегишди. Дейлик, бунинг оқибатида қиз ҳомиладор бўлиб қолди, бундай болани олиб ташлаш гуноҳ. Агар она қорнидаги бола нуқсонли бўлса, уни олиб ташлаш ҳам гуноҳ. Зеро, фарзандлар Худодан совғадир. Худо бизга қандай фарзанд бермасин, бу фарзандга ғамхўрлик қилиш, уни вояга етказиш, бизнинг бурчимиздир.

Бордию, турмуш ўртоғимиз ёки ўзимиз ҳомилани аборт қилган бўлсак, қуйидагиларни билишимиз шарт:

- Худо бизни барибир севади ва бизни кечиришга тайёр.
- Биз аборт қилган фарзандимизни Худо севади ва ўша фарзандимиз бизни самовий масканда кутмоқда.
- Худо бизни ўтмишдаги гуноҳларимиз ва айбларимиздан халос қилмоқчи.

Фарзандингизни аборт қилган бўлсангиз, умр бўйи хафалик ва айбдорлик ҳисси билан яшаманг.

Келинлар, бир муддат жим бўлиб, қилган қилмишларимиз учун Худодан кечирим сўрайлик:

- Қалбимизда кимнидир кечири олмаган бўлсак ёки кимгадир нисбатан гина-кудурат сақлаган бўлсак.
- Агар фарзандимизни аборт қилиб, олиб ташлаган бўлсак.

Ибодат қилиб, Худодан кечирим сўрайлик, Худонинг кечирими ва севгисидан баҳраманд бўлайлик.



Қонунлар 5:18ни ўқинг. Еттинчи амр нима? [6]

Никохдан ташқарида бўлган ҳар қандай жинсий алоқа гуноҳдир!

Ёшлар турмуш қурмасларидан олдин ўпишишлари ёки бир-бирига суйкалишлари мумкин эмас. Павлус бу борада шундай ёзган эди: *«Сизларнинг орангизда фаҳш, зинокорлик, ифлослик ёки хасислигу очкўзлик ҳатто тилга ҳам олинмасин. Булар Худонинг азизларига муносиб эмас»* (Эфесликлар 5:3).

Йигит фоҳишанинг олдига бориб, эркак бўлишни ўрганмаслиги керак. Эрнинг энг муҳим фазилати бу хотинига содиқ қолишдир. Фоҳишанинг олдига борган йигит аслида, яхши эр бўлиш имкониятидан воз кечган бўлади. Бу дегани, у хотинига тўй куни энг катта совғани, яъни покизалигини инъом қила олмайди. У ҳаттоки ўз хотинини фоҳиша билан солиштириши ҳам мумкин. Бундан ташқари, фоҳишадан ёмон касаллик орттириб олиши ҳам мумкин.

Эр ўз хотини билан жинсий алоқа қила олмаган кунлари фоҳишанинг олдига бормаслиги керак. Мисол учун, хотин фарзанд туққанидан кейин, чилла сақлаган пайтида ёки ҳайз кўрганида, бетоб бўлганида ёки эр ёхуд хотин сафарга кетганда, эркак ўзини тийиб юриши керак. Муқаддас Рух бизга эҳтиросларимизни жиловлашимизга ёрдам беради (Галатияликларга 5:22–23). Эр ва хотин узоқ вақтга бир-биридан ажралмасликлари керак (1Коринфликларга 7:5). Кўп оилалар мана шу сабабдан бузилиб кетганлар. Эр ва хотин орасидаги вафодорлик бахтли оиланинг асоси ҳисобланади. Ҳаворий Павлус шундай деб ёзган: *«Билмайсизларми, ахир?! Аъзойи баданингиз Масиҳ танасининг аъзоси-ку! Шундай экан, мен Масиҳ танасининг аъзоларини олиб, фоҳиша танасининг аъзолари қилиб қўйармиканман? Йўқ, асло! Фоҳиша билан қовушган у билан бир тан бўлишини билмайсизларми?! Муқаддас битикларда: «Иккаласи бир тан бўладилар», деб ёзилган-ку!»* (1Коринфликларга 6:15–16)

Фоҳишанинг олдига бориш қандай муаммони келтириб чиқаради? [7]

Худо учун нафақат бизнинг ишларимиз, балки ўй-фикрларимиз ҳам муҳим.

Матто 5:27–30ни ўқинг. Бу оятларда бизнинг ўй-фикрларимиз ва хаёлларимиз ҳақида нималар ёзилган? [8]

2-Чақириқ

Сиз қандай кино ва видеоларни томоша қиласиз?

Эротик киноларни томоша қилиш қўйидаги муаммоларни келтириб чиқаради:

- Улар ўй-хаёлларимизни нопокликка тўлдиради.
- Биз кўрган сахналар то абад миямизда муҳрланиб қолади.
- Бизни ахлоқсиз ишлар қилишга ундайди.
- Турмуш ўртоғимиздан қониқмаслик ҳиссини пайдо қилади.
- Агар йигит турмуш қуришдан олдин бундай киноларни томоша қилса, у оилавий муносабатларни олдиндан хавф остига қўяди, чунки қониқиш ҳиссидан маҳрум бўлади.
- Бундай кино ва видеоларни кўрганимизда мастурбация иллатига қўл бўламиз, чунки ўзимизни ўзимиз қондиришга ҳаракат қиламиз. Жинсий алоқа бу фақат эр-хотин орасида ишлатилиши керак бўлган илоҳий совғадир. Худо бизни худбин истакларимизга эрк бермасликка чақиради (Галатияликларга 5:13).



Сиз қайси кино ва видеолардан воз кечишингиз керак?



Келинлар, бир муддатга тўхтаб, ичимизда ибодат қилайлик. Қилган ҳар қандай ахлоқсизлик учун тавба қилайлик.

Порнографик видеолар кўрганимиз учун тавба қилайлик, чунки ўша видеолар туфайли онгимиз ва ўй-хаёлларимиз булганган. Худодан ўй-хаёлларимизни ва юрагимизни поклашини сўрайлик.

Ҳаммамиз Худонинг кечирими ва севгисидан баҳраманд бўла олишимиз учун ибодат қилинг!

Муқаддас Рухнинг мадади билан биз бундай ифлос кино ва видеоларни бошқа кўрмайлик.

Қонунлар 5:19ни ўқинг. Саккизинчи амр нима? [9]

Биз бу амрга қачон итоат қилмаймиз?

Биз ўз ишимизни пухта бажармай туриб, бунинг учун ойлик олсак, бу ўғриликдир. Агар бошлигингиз сизга бирон бир ишни буюрган бўлса, сиз уни яхши бажаришингиз керак, хўжакўрсинга эмас, чин юракдан қилишингиз керак (Эфесликларга 6:5–8).

Биз бировдан бирор нарсани (китоб, идиш-товоқ, ўйинчоқ ва ҳоказоларни) олганимизда, уларни албатта қайтариб беришимиз керак. Улар бизга совға қилиб берилган бўлсагина, уларни ўзимизда олиб қолишимиз мумкин. Биз бировнинг нарсасини қайтариб бермасак, уни ўғирлаган бўламиз.

Агар биз кимдандир пул олган бўлсак, уни албатта қайтаришимиз керак. Борди-ю, биз айрим сабабларга кўра, пулни қайтара олмайётган бўлсак, биз пулни берган одам билан очикчасига гаплашиб, қарзимизни

қай тарзда қайтаришимиз ҳақида келишиб олишимиз шарт. Қўпинча биз пулни жамоатдаги биродаримизга қарз қилиб берсак, қарз олган одам қарзини тўлай олмагани учун жамоатга келмай қўяди.

Келинлар, қуйидаги ҳолатлар учун ибодат қилиб, тавба қилайлик:

- Агар сифатли иш қилмай бошлиғимизни алдаб юрган бўлсак.
- Бировнинг нарсасини ўғирлаган бўлсак.
- Қарзимизни қайтариб бермаган бўлсак.



Ибодат қилиб, Худодан буни ҳал қилишга ёрдам беришини сўрайлик.

Қарз туфайли бузилган ҳар қандай муносабат тикланиши учун ибодат қилайлик.

Ҳаммамиз Худонинг кечирими ва севгисидан баҳраманд бўлайлик.

Қонунлар 5:20ни ўқинг. Тўққизинчи амр нима? [10]

Биз бошқа одамлар ҳақида ёмон гаплар айтганимизда, улар ҳақида ғийбат қилганимизда уларнинг ҳаётларини барбод қилган бўламиз. Агар жамоатда ғийбат авж олса, одамлар бундай жамоатга бормай қўйишади.



Келинлар, ибодат қилиб, ғийбат қилганимиз учун, бошқа одамлар ҳақида ёмон гаплар айтганимиз учун тавба қилайлик.

Ғийбат туфайли жамоатга келмай қолган биродарларимиз ва опасингилларимиз учун ибодат қилайлик.

Муқаддас Рухдан ёрдам сўрайлик, У бизга ўзгаришимизга ёрдам берсин.

Худонинг кечирими ва севгисидан баҳраманд бўла олайлик!

Қонунлар 5:21ни ўқинг. Ўнинчи амр нима? [11]

Кўз олайтириш нимани билдиради? [12]

Ибронийларга 13:5 бизга нимани ўргатяпти? Биз пулга қандай муносабатда бўлишимиз керак? [13]

Агар биз бори билан қаноатлансак:

- Худо бизга берган нарсалардан мамнун бўламиз.
- Ўзимизда йўқ нарсани деб, Худога шикоят қилмаймиз.
- Бировнинг нарсасига кўз олайтирмаймиз, ҳасад қилмаймиз.

Одамлар ҳеч бойликка тўядими? [14]

Кўп одамлар болалари билан деярли вақт ўтказишмайди, чунки жуда кўп вақт ишлашади.

Айрим одамлар пул ишлаш учун оилаларини ташлаб, бошқа юртга кетишади. Улар йиллар давомида оиласини кўришмайди.

Агар сиз пул ишлаш учун бегона юртга кетган бўлсангиз, Худодан донолик сўранг, қанча вақт қолиб ишлашингизни Худо сизга айтсин.

Бирон нарсани харид қилиш учун ёки қарзларни ёпиш учун кетиб ишлаш осон. Лекин фарзандларингиз учун энг қимматбаҳо нарса, бу — ота-онанинг бағрида ўсиш. Ота-оналар фарзандларига меҳр беришлари ва Худога итоат қилишни ўргатишлари даркор.



Худого ибодат қилинг, У кимга ҳасад қилаётганингизни, нимага кўз олайтирганингизни кўрсатсин.

Ҳасад ва кўз олайтириш, сизнинг истак-хоҳишларингизга қандай таъсир қиляпти? Ичингиздаги ҳасад кимга салбий таъсир кўрсатяпти?

Бу орқали Худо сизга нима айтмоқчи?

Қандай қилиб кечирим олиш мумкин?

Июҳанно 1:8–9ни ўқинг.

Агар гуноҳимиз йўқ десак, ҳақиқатни айтган бўламизми (8-оят)? [15]

Худодан кечирим олиш учун нима қилишимиз керак (9-оят)? [16]

Албатта, сиз гуноҳларингизни Худонинг Ўзига айтиб, эътироф қилишингиз мумкин. Лекин ўзингиз ишонган дўстингиз бўлса, гуноҳингизни унинг олдида эътироф қилинг, бу кучли қуролдир, у ҳаётингиздаги гуноҳни енгишга ёрдам беради.

Сиз гуноҳни гуруҳингизга эътироф қилишингиз мумкин. Лекин гуруҳда айтилган нарсалар гуруҳнинг ичида қолсин, **уни ташқарига чиқарманг**. Бошқаларнинг ишончини суиистеъмол қилмайлик!

Муҳокама учун

Жамоатингиздаги одамлар учун бажариладиган энг қийин амр нима?

Сиз учун энг қийин амр қайси бири?

Худого ҳамду санолар бўлсин, У бизга Муқаддас Руҳини берди! Муқаддас Руҳнинг мадади билан биз Худого манзур ҳаёт кечира оламиз.

Бир-бирингиз учун ибодат қилинг, Худо бугун сизларни Муқаддас Руҳга тўлдиришини сўранг.

Уйга вазифа

Навбатдаги дарсга тайёргарлик кўриб, **Қонунлар 6-бобни** ўқинг.

Жавоблар

- 1 – Худо учун биринчи навбатда бизнинг У билан муносабатимиз муҳим, кейин одамлар билан муносабатимиз. Ундан кейингина бизни мол-мулк ва бошқа нарсалар қизиқтириши керак.
- 2 – Ота-онангизни ҳурмат қилинг.
- 3 – Одамларга эмас, Худого итоат қилишни ўргатади.
- 4 – Олтинчи амр «Қотиллик қилманг».
- 5 – У ерда шундай ёзилган: *...ўз яқинидан ҳатто ғазабланган одам ҳам ҳукм қилинади. Яқинини ҳақоратлаган одам олий маҳкамада жавоб беради. Яқинига: «Аҳмоқсан» деган одам эса, дўзах оловига ташланади.* Демак, ғазаб қотиллик билан баробар экан.
- 6 – Еттинчи амр «Зино қилманг».
- 7 – Фоҳишанинг олдига борган одам оиласини барбод қилади, ўй-хаёллари ва танасини булғайди, тузалмас хасталикка дучор бўлади.
- 8 – Хаёлда қилинган иш, амалда қилинган иш билан баробардир.
- 9 – Саккизинчи амр «Ўғрилик қилманг».
- 10 – Тўққизинчи амр: «Қўшнингизга қарши ёлғон гувоҳлик берманг».
- 11 – Ўнинчи амр: «Бировнинг нарсасига кўз олайтирманг».
- 12 – Кўз олайтириш — ўзимизга тегишли бўлмаган нарсани кучли ишташ деганидир.
- 13 – Биз пулга кўнгил боғламаслигимиз ва бори билан қаноатланишимиз керак.
- 14 – Ҳеч қачон! Кўпинча одамлар янада кўпроқ бойликка эга бўлишни хоҳлашади.
- 15 – Йўқ! Ўзимизни алдаган бўламиз.
- 16 – Гуноҳларимизни эътироф қилишимиз керак.

Қонунлар, 8-дарс:

Эгангиз Худони севинг



Ушбу дарс давомида бизнинг Худога бўлган севгимиз ўз ҳаётимизда қандай ўз аксини топишини ўрганамиз.

Қонунлар 6-бобни ўқинг.

Танҳо Худо

4-оятда Худо ҳақида нима ёзилган? [1]

Иброний тилидан сўзма-сўз таржимада мазкур оятда шундай деб ёзилган: *ЯХВЕХ бизнинг Худо танҳо ЯХВЕХдир.*

Иброний тилида «танҳо» сўзи — ehad. Бу сўзнинг маъноси «бирлик». Ehad сўзи яна қуйидаги оятларда ишлатилган:

- Худо Мусога Учрашув чодирининг чойшаби ҳақида шундай кўрсатмалар берган эди: *Кейин олтиндан элликта илгак ясаттир, иккала чойшабнинг ҳалқаларини илгаклар билан бирига улат. Шунда Чодирнинг ички қавати бир бутун бўлади* (Чиқиш 26:6).
- Худо Ҳизқиёл пайғамбарга Исроил ва Яхудо халқларини бирлаштириши ҳақида шундай деганди: *«Эгамиз Раббий демоқда: Мен Исроил шоҳлигини билдирувчи таёқни оламан. Уни Яхудо шоҳлигининг таёғи билан бирлаштираман. Иккала таёқни битта қилиб, қўлимда ушлайман»* (Ҳизқиёл 37:19).

Айрим одамлар масиҳийлар учта Худога сиғинади, деб айтишади. Бизнинг Худойимиз танҳо, ягона Худодир. ЯХВЕХ ягона, барҳаёт, ҳақ Худодир. У ягона, «танҳо» Худо. Худо одамларнинг бошқа худоларга сиғинишларини истамайди. Аёл кишининг фақат битта эри бўлиши мумкин, шу сингари бизнинг ҳам биттагина Эгамиз Худо бор. Бошқа илоҳларга сиғиниш ўтакетган бевафоликдир. Шунинг учун Қонунлар 6-бобда шундай ёзилган: *Эгангиз Худони бутун қалбингиз билан, жону дилингиз билан, бутун вужудингиз билан севинглар* (5-оят).

Нега биз фақат Худога сажда қилишимиз керак? [2]

Бизнинг Худойимиз учта шахсдан иборат

Эски Аҳдда ҳам, Янги Аҳдда ҳам Худонинг Учбирлик табиатини кўришимиз мумкин. Мисол учун,

- **Ибтидо 1:26:** Бу оятда Худо Ўзига нисбатан «биз» деб айтади, «мен» эмас. Бу ерда ҳам Худонинг учбирлик табиатини кўришимиз мумкин.
- **Ибтидо 18:22:** Эгамиз Худо ҳам осмонда, ҳам ердадир! Албатта, Отамиз Худо осмонда, шунга қарамай Худо ер юзида Иброҳимга инсон қиёфасида кўриниб, у билан юзма-юз гаплашди. Биз Худонинг танҳо эканлигини тушунсак, лекин У бизга турли тарзда аён бўлишини англасак, Худонинг учбирлик табиати бизга тушунарлироқ бўлади. Худо Иброҳимнинг олдида фаришта ёки инсон қиёфасида келганда, шундай деганди: «*Эгамиз: «Мен қилмоқчи бўлган ишларимни Иброҳимдан сир тутмайман», деди Ўзига*» (Ибтидо 18:17). Исо Масих бу дунёда чақалок бўлиб туғилмасидан олдин, Эски Аҳдда бир неча бор инсон қиёфасида одамларга зоҳир бўлган (Ибтидо 32:22–31; Дониёр 3:24–25).
- **Чиқиш 24:9–11:** Худонинг юзини ҳеч ким кўра олмайди, чунки Унинг юзини кўрган одам тирик қолмайди (Чиқиш 33:20). У ҳолда, нега бу одамлар Худони кўриб туриб, тирик қолишган? Улар илоҳий Учбирликнинг иккинчи шахсини кўришган, буни англасак, ҳаммаси тушунарли бўлади. Бир кун келиб У бу дунёга қайтиб келади ва барча тирик жон уни кўради.
- **Матто 22:43–45:** Исо Забур китоби, 109-санони иқтибос қилганида, Масих Худонинг табиатига эга эканлигини кўрсатмоқчи эди. Худо бир вақтнинг ўзида ҳам осмонда, ҳам ер юзидадир.
- **Юҳанно 14:16–17:** Худонинг Ўғли Исо Масих, Отаси Худога мурожаат қилиб, ер юзига Муқаддас Рухни юборишни илтимос қилмоқчи. Самодаги Худо ер юзидаги Ўғлининг илтижоларига кулоқ солган. У бизга Муқаддас Рухни юборган, Муқаддас Рух биз аро маскан қурган. Ушбу оятларда биз илоҳий Учбирликнинг барча шахсиятларини кўрамыз.

Янги Аҳдда биз Худонинг Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух эканлигини кўрамыз. Худо Уч шахсиятнинг мукамал бирлигидир. Худонинг Учбирлик табиатини тушуниш ғоят ажибдир! Худо узоқдаги Худо эмас, аксинча У бизга жуда яқин. Коинотни бошқариб турган қудратли Худо, инсон қалбини Ўзига маскан қилган!

Худо — Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух эканлиги нега шу қадар ажиб? [3]

Қўшимча маълумот: Кимнинг номи билан?

Матто 28:18–20ни ўқинг. Биз одамларни Кимнинг номи билан сувга чўмдирамыз? [4]

Юҳанно 14:13ни ўқинг. Биз Худога ибодат қилганимизда, Кимнинг номидан сўрашимиз керак? [5]

Ибронийларга 10:19ни ўқинг. Нега биз Исо Масих номи билан ибодат қиламыз? [6]

Бу биз учун катта шарафдир! Биз Раббимиз Исо Масих туфайли Худонинг ҳузурига кира оламиз!

Қонунлар 6:21, 23да Худо ҳақида нима ёзилган? [7]

Фақатгина Раббимиз Худо Исроил халқини Мисрдаги қулликдан озод қила оларди. Бошқа худолар бунда асло ёрдам бера олишмасди.

Қонунлар 6: 10–12да Худонинг феъл-атвори ҳақида нималар ёзилган? [8]

Худо сахий Худодир!

Худонинг халқи қандай яшаши керак?

Худонинг садоқати ва сахийлигига жавобан Унинг халқи қандай яшамоғи даркор (Қонунлар 6:5)? [9]

Худонинг халқи фақат Эгаси Худони севиши керак! Бошқа ҳеч ким ёки ҳеч нарса уларнинг ҳаётида биринчи ўринни эгаллаши керак эмас. Агар улар Худодан бошқа бир нарсани ёки кимсани севишса, демак улар бутпарастликка берилган бўлади. Оқибатда улар итоаткорликдан келадиган баракалардан маҳрум бўладилар.

1-Чақириқ

Эски Аҳдга кўра, инсон **юраги** билан қарор қилади. Мисол учун, Хикматлар 3:1–3да шундай ёзилган: *Ўғлим...амрларимни **юрагинг**да сақла...севги ва садоқатни **юрагинг** қаърига ёзиб қўй.*

Биз қарорлар қилганимизда, Худони мамнун қилишга ҳаракат қиламизми?

- Сиз ҳар куни эрталаб ишга кетишдан олдин ибодат қиласизми? Муқаддас Китобни ўқийсизми?
- Сиз дўстларингиз ва улфатларингизнинг олдига боришдан кўра, жамоатга боришни афзал кўрасизми?
- Сизнинг жаҳлингизни чиқарган, жиғингизга теккан оилангиз аъзолари ва ҳамкасабаларингиз учун ибодат қиласизми?
- Телефонингизни титкилашни хоҳласангиз ҳам, уни бир четга суриб, бошқаларга хизмат қиласизми?
- Сиз телефон ва телевизорда фақат ижобий ва фойдали нарсаларни кўрасизми?

*Эгангиз Худони бутун **қалбингиз** билан севинг* (Қонунлар 6:5).

Эски Аҳдга кўра, барча ҳис-туйғуларимиз бизнинг **жонимизда** жамланган. Мисол учун, 102-санода шунай ёзилган: *Эгамизни олқишлагин, эй **жоним**,...*

Биз ҳис-туйғуларимиз ва истакларимиз билан Худони мамнун қилишга ҳаракат қиламизми?

Биз қайси бирини **истаган** бўлардик:

- Кўпроқ пул ишлашними ёки биродарларимиз билан вақт ўтказишними?
- Кўпроқ пул ишлашними ёки оиламиз ва фарзандларимиз билан вақт ўтказишними?

- Охирги янгиликларни эшитишними ёки Муқаддас Китоб орқали Худо билан мулоқот қилишними?
- Биринчи дуч келган имонсиз одам билан турмуш қуришними ёки Худо биз учун атаб қўйган имонли инсонни кутишними?
- Жаҳлимиз чиққанида ғазаб сочишними ёки ўзимизни идора қилишни машқ қилишними?

*Эгангиз Худони **жону дилингиз** билан севинг* (Қонунлар 6:5).

Биз Худони бор кучимиз билан, яъни бутун **вужудимиз** билан севишимиз керак!

*Эгангиз Худони **бутун қалбингиз** билан, **жону дилингиз** билан, **бутун вужудингиз** билан севинглар* (Қонунлар 6:5).

Демак, биз кимни мамнун қилмоқчимиз: ўзимизними ёки Худоними?

Худони севиш деганда — Худодан қўрқиш, бутлардан эса қўрқмаслик тушунилади. Исроил халқи Канъон юртида одамлар сиғинадиган бутлардан қўрқмаслиги керак эди.

Қонунлар 6:13–17га кўра, Исроил халқи Худодан қай тарзда қўрқиши керак эди? [10]

Биз одамлардан ва уларнинг қарғишларидан қўрқишимиз керак эмас. Биз фолбинлар олдига бормаслигимиз, «авлиёларни» зиёрат қилмаслигимиз, «нафаси кучли» одамларга маслаҳат солмаслигимиз ва қабристонга бориб дуо қилганларга қўшилмаслигимиз керак.

Массахда юз берган воқеа (Қонунлар 6:16)

Исроил халқи Худодан ва Мусодан норози эди. Уларнинг ичадиган суви қолмаган эди. Худо уларга сув беришига улар ишонмаган эдилар. Ғазабга минган халқ Мусони тошбўрон қилиш арафасида эди. Худо улар учун кўп мўъжизалар қилган бўлса-да, улар Худодан шубҳада эдилар. Шу сабабдан Худо улардан қаттиқ ранжиган эди (Чиқиш 17:1–7).

Бу оятларга кўра, қандай қилиб халқ *Худони синаган* эди? [11]

Биз ҳам Худони синаймизми? Бунга мисоллар келтиринг. [12]

Қонунлар 6:6–9ни ўқинг.

Бугун мен сизларга берган бу амрларни юрагингизда сақланглар: Демак, биз ҳар қандай қарор чиқарганимизда Худонинг амрларига таянишимиз керак.

Исроил халқи Худонинг амрларини юракларида сақлашлари учун нима қилишлари керак эди (Қонунлар 6:7–9)? [13]

2-Чақириқ

Қандай қилиб биз Худонинг амрларини юрагимизда сақлай оламиз? [14]



Қандай қилиб биз Муқаддас Китобни фарзандларимизга ўргата оламиз? [15]

Худонинг амрларини қўлларимизга белги қилиб боғлаб олишимиз: Биз қўлларимиз билан меҳнат қиламиз. Демак, биз нимаики қилсак, Худонинг амрларига таянишимиз керак.

3-Чақириқ

Биз қўлларимиз билан қандай яхши ишлар қила олишимизга мисоллар келтиринг. [16]

Бирон бир иш қилишдан олдин доим Худодан: «Бу вазиятда мен қандай қилиб Сенга хизмат қила оламан?» — деб сўранг.

Биз қўлларимиз билан қандай ёмон ишлар қила оламиз? Бунга мисоллар келтиринг. [17]

Ўзингизга: «Бу вазиятда Исо нима қилган бўларди?» — деган саволни бериб туринг.

Худонинг амрларини пешанамизга нишон қилиб тақиб олишимиз: Бу дегани биз қаерга борсак ҳам Худонинг амрлари бизга йўл кўрсатиши керак. Биз Худонинг Каломини мунтазам равишда ўрганар эканмиз, Исо Масихнинг иродасини билиб оламиз, қаерга боришимиз кераклигини ва қаерга бормаслигимиз кераклигини тушунамиз.

4-Чақириқ

Биз бора оладиган яхши жойларни мисол қилиб келтиринг. [18]

Биз боришимиз керак бўлмаган ёмон жойларни мисол қилиб келтиринг. [19]

Эшиги кесакисига... ёзиб олишлари керак: Бу дегани уйимизда яшаган ва уйимизга келган ҳар бир одам хонадонимизда Масих истиқомат қилишини билишлари керак.

5-Чақириқ

Уйингизда яшаган ва уйингизга келган ҳар бир одам сиз Худони севишингизни билиши учун нима қилишингиз керак? [20]



Муқаддас Китобдан оятларни одамнинг кўзи тушадиган жойларга ёзиб қўйишингиз мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки булар одамларга Худонинг Каломини эсга солади. Оятларни кўзгу олдида ёки эшик олдида ёзиб қўйиш ҳам жуда яхши.

Сиз қайси оятларни уйингиз деворларига осиб қўйган бўлардингиз, бир нечта мисол келтиринг. [21]

Муқаддас Китоб оилангиз ва хонадонингизда муҳим ўрин тутиши учун сиз нима қилишингиз мумкин?

Дарвозаларига ёзиб олишлари керак: Қонунлар китоби ёзилган даврда шаҳар дарвозалари муҳим аҳамиятга эга эди, чунки барча муҳим масалалар айнан дарвоза биносида жойлашган маҳкамаларда ҳал қилинарди. Ўша жойлар ҳозирги ҳокимият ёки парламент вазифасини бажарарди (**Рут 4:1–4**га қаранг).

Худонинг амрларини шаҳар дарвозаларига ёзиш дегани, аҳолига тааллуқли барча масалалар фақат илоҳий амрлар асосида ҳал қилиниши кераклигини билдирарди.

Бугунги кунда Худонинг халқи бир давлатга қарашли фуқаролар эмас, улар бутун дунё бўйлаб ёйилганлар. Масиҳийлар ўз жамиятларининг фаровонлиги учун бел боғлаб меҳнат қилишмоқда: етим-есирларга ғамхўрлик қилишмоқда, ночор-камбағалларга ёрдам беришмоқда, мусофирларга озиқ-овқат, қамоқдагиларга умид, қулликдаги аёлларга озодлик, ногиронларга меҳр улашмоқда; тобеликка дучор бўлганларни озодликка чиқаришмоқда, истироҳат боғлари ва кўчаларни ахлатдан тозалашмоқда ва шунга ўхшаш кўплаб хайрли ишлар қилишмоқда.

Худонинг одамлари меҳрга бой одамлардир: улар ўзгаларга севги улашмоқда, ўзларига ўхшамаган одамларга ёрдам беришмоқда, ҳатто душманларига яхшилик қилишмоқда. Улар қаерда муҳтожлик кўришса, ўша ерга бориб ёрдам беришмоқда (Римликларга 12:14–21).

6-Чақириқ

Қандай қилиб сиз ўзингиз яшаган жойда севгини амалда кўрсатишингиз мумкин?

Сиз бугун Худо ҳақида нималарни билиб олдингиз?

Бу дарс таъсирида сиз ўз ҳаётингизда нималарни ўзгартирмоқчисиз?

Уйга вазифа

Кейинги дарсга тайёргарлик сифатида **Қонунлар 7:1–11**ни ўқинг. Сўнг 9-дарсдаги иккита жадвални тўлдириш (5 ва 6-саволлар). Кейинги сафар гуруҳингиз билан кўришганингизда жавобларингизни биргаликда муҳокама қилинг.

Жавоблар

- 1 – Эгамиз Худо танҳо Эгадир.
- 2 – Эгамиз Худо танҳо Эгадир.
- 3 – **ЯХВЕХ** ягона, барҳаёт, ҳақ Худодир. Бошқа илоҳларга сизгиниш ўтакетган бевафоликдир.
- 4 – Худо узокдаги Худо эмас, У доимо ёнимизда. У бутун коинотнинг Сарвари бўла туриб, бизнинг ичимизда яшамоқда.
- 5 – Биз одамларни Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух номи билан сувга чўмдирамыз.
- 6 – Худодан ҳаммасини Исо Масих номи билан сўраймыз.
- 7 – Биз Исо Масихнинг номи билан ибодат қиламыз, чунки Исо Масихнинг тўккан қони орқалигина Худонинг ҳузурига дадиллик билан кира оламыз.
- 8 – Худо Исроил халқини ваъда қилган юртга олиб кириши учун, уларни Мисрдаги қулликдан озод қилди.
- 9 – Худо сахий Худодир, У Ўз халқига ваъда қилинган юртда керакли ҳамма нарсани ортиғи билан беради.
- 10 – Бунга жавобан улар Эгаси Худони бутун қалби билан, жону дили билан, бутун вужуди билан севишлари керак эди.
- 11 – Исроил халқи фақат Худога хизмат қилишлари, ёлғиз Унинг номи билан қасам ичишлари ва Унинг қонунларига риоя қилишлари керак эди.
- 12 – Халқ Худога ишонмади, Худо уларга керакли ҳамма нарсани етказиб беришига шубҳа қилишди, уларнинг жаҳли чиқди.
- 13 – Биз Худога ишонмаганимизда, У бизга керакли ҳамма нарсани етказиб беришига шубҳа қилганимизда ва Ундан норози бўлганимизда Худони синаган бўламыз.
- 14 – Улар Худонинг қонунларини болаларига ўргатишлари. Уйда ўтирганда ҳам, йўлда юрганда ҳам, ётганда ҳам, турганда ҳам шулар ҳақида гапиришлари, қонунларни қўлларига белги қилиб боғлашлари, пешаналарига нишона қилиб тақиб олишлари, эшиги кесақисига, дарвозаларига ёзиб олишлари керак эди.
- 15 – Биз ҳар куни Муқаддас Китобни ўқишимиз, у ҳақда мулоҳаза қилишимиз ва уни ёд олишимиз керак. Кун давомида қарорлар чиқаришда Худонинг амрларига таянишимиз ва Муқаддас Китобга амал қилишимиз даркор.
- 16 – Биз ёш фарзандларимиз билан бирга «Болалар учун Муқаддас Китоб»ни ўқишимиз керак. Юрганимизда, ўтирганимизда, суҳбатлашганимизда Муқаддас Китоб оятларини қўшиқ қилиб айтишимиз, Муқаддас Китоб ҳикояларини сўзлаб беришимиз керак. Худо ибодатларимизга қай тарзда жавоб берганини ва Исо Масих ҳаётимизни қандай ўзгартиргани ҳақида гувоҳликлар айтишимиз лозим.

- 17 – Биз қўлларимиз билан турли ишлар қилишимиз мумкин. Мисол учун, совғалар беришимиз, қийин вазиятга тушган танишларимизга руҳини кўтарадиган хатлар, хабарлар ёзишимиз; уйда, жамоатда, жамиятда зарур бўлган ёрдамни кўрсатишимиз ва шунга ўхшаш кўплаб хайрли ишлар қилишимиз мумкин.
- 18 – Биз қилмаслигимиз керак бўлган ёмон ишлар: ўғрилиқ, уришиш, дангасалиқ, интернетда ёмон, ахлоқсиз нарсаларни кўриш ва ҳоказолар.
- 19 – Жамоат йиғилишига бориш, касални йўқлаш, азадор уйга бориш, Масихнинг севгисини улашиш учун бировни кўргани бориш.
- 20 – Зўравонлик ва ахлоқсизлик ҳақидаги киноларни кўрманг; ишга бориш учун жамоатингиз йиғилишини қолдирманг; ёмон одамларга улфат бўлманг, гуноҳкорларнинг йиғинларида ўтирманг.
- 21 – Мисоллар:
 - Ибронийларга 13:6
 - 2Коринфликларга 12:9
 - Забур 22
 - Ҳикматлар 3:5–6
 - Забур 39:1–3

Қонунлар, 9-дарс:

Ваъда қилинган юртни қўлга киритиш



Ушбу дарсда биз 5 та саволдан иборат бўлган усул билан танишиб оламиз, бу усул бизга Худойимиз нақадар ажойиб эканлигини кўрсатади.

Қонунлар 7:1–11ни ўқинг.

Канъон халқининг йўқ қилиниши

Канъон юртида яшаган одамлар ўта қабих ва ёвуз эдилар. Улар ҳаттоки ўз фарзандларини сохта худоларига қурбонлик қилиб, оловда куйдиришарди. Худо бу қабих халқни қилган жирканч ишлари учун жазоламоқчи эди.

Худо Канъон юртини Ўзининг халқига бермоқчи эди. Худонинг халқи дунёдаги барча халқлар учун ўрнак бўлиши, турмуш тарзи бошқаларга намуна бўлиши керак эди. Улар орқали одамлар Худонинг буюклиги ва донолигини кўра олишлари ва Худога мунтазир бўлишлари керак эди.

Канъон халқининг йўқ қилиниши, инсоният тарихида бошқалар учун сабоқ бўлди. Бундан биз қабихликдан воз кечишни ўрганишимиз керак, бошқа халқларни жазолашни эмас.

Канъон халқининг аянчли тақдири — Яратган Худога итоат қилмаган барча халқлар учун **огоҳлантириш** бўлиши керак эди. Қиёмат куни Ҳақ Худо бутун инсониятни жазолайди, У ҳар қандай ёвузликка чек қўяди.

Худо Иброҳимга берган ваъдаси устидан чиқди, Иброҳимнинг авлодларини ваъда қилган юртга олиб кирди. Бу бизга **Худо ваъда қилган абадий масканни** эслатиб туради. Худога содиқ бўлган одамлар ўша абадий масканга етишади. Яқинда Исо Масих қайтиб келади ва Ўз халқини янги Қуддусга олиб кетади. Самовий ватанимиз мукаммал бир жой бўлади, у ерда ҳеч ким кўз ёш тўкмайди, ўлим мавжуд бўлмайди, ҳеч ким қайғурмайди, касал бўлмайди, азоб чекмайди (Ваҳий 21:4)!

Нега Канъон юртида яшаган одамлар йўқ қилиниши керак эди? [1]

Канъонда яшаган қабих халқнинг йўқ қилиниши бизга нимани эслатади? [2]

Исроил халқига ваъда қилинган юрт бугунги кунда бизга нимани эслатади? [3]

Юҳанно 3:16–17ни ўқинг. Қандай қилиб биз абадий ҳаётга эга бўла оламиз? [4]

Оятни ўрганиш

Қуйидаги бешта савол бизга Муқаддас Китобнинг ҳар қандай оятини ўрганишда ёрдам беради:

1. Бу оятларда Худо (яъни Ота, Ўғил ёки Муқаддас Рух) ҳақида нималар ёзилган?
2. Бу оятларда одамлар ҳақида нима ёзилган?
3. Оятда қуйидагилардан қайси бири ёритилган:
 - Бажарилиши керак бўлган буйруқ,
 - Қулоқ солиш керак бўлган кўрсатма,
 - Ёки ўрнак олиш керак бўлган намуна.
4. Ушбу оят орқали Худо бизга нимани ўргатяпти?
5. Сиз буни ким билан ўртоқлаша оласиз?

Қонунлар 7:1–11ни ўрганар эканмиз, мана шу саволлардан фойдаланайлик.

1. Бу оятларда Худо (яъни Ота, Ўғил ёки Муқаддас Рух) ҳақида нималар ёзилган? [5]

Қуйидаги жадвални тўлдилинг. Сўнг берган жавобларингизни «Жавоблар» рукнидаги 5-жавоб билан солиштиринг (ушбу дарс охирида берилган).

Жадвалда қўшимча бир рукн берилган, сиз у ерга Янги Аҳддан маъно жиҳатдан мос келадиган оятни ёзишингиз мумкин.

Агар сиз бу вазифани уй иши тариқасида бажарган бўлсангиз, у ҳолда берган жавобларингиз билан гуруҳингизда ўртоқлашинг.

7:1–11-оятлар	Бу оятлардан биз Худо ҳақида нималарни билиб олдик?	Янги Аҳддан маъно жиҳатдан мос келадиган оятлар.

2. Бу оятларда одамлар ҳақида нима ёзилган? [6]

Қуйидаги жадвални тўлдилинг. Сўнг берган жавобларингизни «Жавоблар» рукнидаги 6-жавоб билан солиштилинг (ушбу дарс охирида берилган).

7:1–11-оятлар	Бу оятлардан биз одамлар ҳақида нималарни билиб олдик?	Янги Аҳддан маъно жиҳатдан мос келадиган оятлар.


Эски Аҳд Худонинг халқини Янги Аҳд даврида келадиган Масиҳнинг келишига тайёрлаган эди. Янги Аҳддаги Худо ҳақидаги таълимот Эски Аҳдникидан асло фарқ қилмайди. Худонинг халқи ҳеч қачон ўз кучи билан муқаддас бўла олмайди, улар фақатгина Муқаддас Рухнинг қудрати билан Раббимиз истагандай муқаддас бўла оладилар!

Биз 3-саволга жавоб беришимиздан олдин, контекстни ҳисобга олишимиз лозим.

Контекстни эсда тутинг

Биз Эски Аҳдни ўрганар эканмиз, **хочдан кейинги** даврда, яъни Исо Масиҳ ўлиб тирилганидан кейин яшаётганимизни эсимизда тутишимиз керак. Булар қуйидагиларни билдиради:

- Раббимиз Исо Худонинг барча амрларини мукамал даражада бажарди ва биз учун мукамал қурбонлик бўлди. Энди У биз билан Янги Аҳд тузиб, янги амрларни берди.
- Бугунги кунда бизда ваъда қилинган жисмоний юрт йўқ. Биз ваъда қилинган юрт учун жанг қилишимиз шарт эмас. Масиҳийлар бир географик ҳудудда яшамайди, балки дунёнинг ҳар бир мамлакатада истиқомат қиладилар. Биз келажакка, Масиҳнинг қайтиб келишига умид билан боқамиз ва У билан абадий масканда яшашга кўз тикканмиз.



Шундай экан, биз Эски Аҳддаги Худонинг амрларини ўқиганимизда, Янги Аҳдда улар ҳақида нималар ёзилганига эътибор қаратишимиз керак.

3. Худонинг халқи итоат қилиши керак бўлган амрлар, қулоқ тутиши керак бўлган огоҳлантиришлар ва ўрнат олиши керак бўлган намуналар борми? [7]

Қуйидаги жадвални тўлдилинг. Сўнг берган жавобларингизни «Жавоблар» рукнидаги 7-жавоб билан солиштиринг (ушбу дарс охирида берилган).

7:1–11-оятлар	Амр/огоҳлантириш/ намуна	Бугунги кунда буларга риоя қилишимиз керакми?	Нимага? Янги Аҳдда бу ҳақда нималар ёзилган?

Икки муҳим масала:

1. Масиҳий одам имонсиз билан турмуш қурганида, ҳаётнинг кўп масалаларида қийинчиликларга дуч келади. Одатда масиҳий турмуш ўртоқ жамоатга бора олмайди ва фарзандларига Масиҳнинг таълимотини ўргата олмайди. Кўпинча қарашлардаги ва қадриятлардаги фарқ туфайли, бундай оилада кўп тушунмовчиликлар бўлиб туради. Бундай вазиятда масиҳий одамнинг Худога бўлган севгиси совиб боради.
2. Биз бутларга сажда қилишдан тўхташимиз керак, бунинг учун кўзмунчоқлардан, туморлардан, мунажжимлар башоратлари ва тақвимлардан, бошқа динларнинг муқаддас китоблари ва удумларидан воз кечишимиз керак. Албатта, агар сиз хонадон боши бўлмасангиз, булардан воз кечишингиз балки имконсиздир. Хонадонингиздагилар учун ибодат қилинг, бутпарастлик Худони қанчалар хафа қилишини улар тушунишсин!

10-дарсда биз Эски Аҳднинг қайси амрларига бугун ҳам амал қилишимиз кераклиги ҳақида гаплашамиз.

4. Ушбу оят орқали Худо бизга нимани ўргатяпти?

5. Сиз буни кимлар билан ўртоқлаша оласиз?

Уйга вазифа

Бу ҳафта ҳар куни Қонунлар китобидан қуйида берилган биттадан парчани ўқиб, юқоридаги бешта саволга жавоб беринг:

1. 7:12–26
2. 8:1–20
3. 9:1–6
4. 9:7–29
5. 10:1–11
6. 10:12–22
7. 11:1–32

Жавоблар

- 1 – Қанъон халқи ўта қабих бўлгани учун йўқ қилиниши керак эди.
- 2 – Қиёматда ҳамма халқлар жазоланади ва ёвузлик буткул йўқ қилинади.
- 3 – Исроил халқига ваъда қилинган юрт бизга абадий масканимизни эслатади. Худо бу жойни Ўз халқи учун тайёрлаган, бу жойнинг номи Янги Қуддус.
- 4 – Агар биз Исо Масихни Нажоткоримиз деб қабул қилсак, абадий ҳаётга эга бўламиз.
- 5 –

Оятлар	Бу оятлардан биз Худо ҳақида нималарни билиб олдик?	Янги Аҳддан маъно жиҳатдан мос келадиган оятлар
1-оят	Худо Ўз халқига Қанъон юртини мулк қилиб бераётган эди.	<i>Шундан сўнг Худонинг ваъдаси амалга ошиб, ҳамма нарса янгиланади. Ҳа, биз янги еру осмонга, адолат ҳукм сурадиган дунёга кўз тикканмиз (2Бутрус 3:13).</i>

1–2,10-оятлар	Худо Ўзига қаршилик қилган халқларни йўқ қилмоқчи эди.	<i>Ўша одамлар Раббимиз Исонинг ҳузури ва қудратли улугворлигидан айрилиб, абадий ҳалокат жазосини оладилар. Ўша куни Раббимизни Унинг муқаддас халқи улуглайди. Унга ишонган ҳамма одамлар Уни мадҳ қилади. Сизлар ҳам ўша инсонларнинг қаторига кирасиз, чунки биз айтган хабарга ишондингиз (2Сал.1:9–10).</i>
6-оят	Худо Ўзи учун айрим одамларни танлаб, уларни муқаддас халқ қилди.	<i>Аммо сизлар — танланган бир насл... (1Бутрус 2:9).</i>
7–8-оятлар	Худо Ўз халқини шу қадар севдики, уларни Мисрдаги кулликдан қутқарди. Улар бу севгига нолойиқ эдилар.	<i>Зеро, Худо оламни шунчалик севдики, Ўзининг ягона Ўғлини берди. Токи Унга ишонганлардан биронтаси ҳалок бўлмасин, балки абадий ҳаётга эга бўлсин (Юҳанно 3:16).</i>
8-оят	Худо Ўз ваъдаларига содиқ Худодир. У Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубга Ибтидо китобида берган ваъдаларини амалга оширди.	<i>Барнабо билан мен эса бу Хушхабарни сизларга эълон қилмоқдамиз: Худо Исони тирилтирди! Шу орқали ота-боболаримизга берган ваъдасини уларнинг фарзандлари бўлмиш бизлар учун бажарди. Бу ҳақда Забурнинг иккинчи саносида шундай ёзилган: «Сен Менинг Ўғлимсан, бугун Мен Сенга Ота бўлдим» (Хаворийлар 13:32–33).</i>
9–10-оятлар	Худо содиқ Худодир! Уни севадиган, Унинг амрларини бажарадиганларнинг мингинчи авлодигача аҳдини содиқ сақлайди. Ундан нафратланганларни эса албатта жазолайди.	<i>Ким бизни Масиҳнинг меҳр-муҳаббатидан ажрата олади? (Рим 8:35)</i> <i>Ҳозирги еру осмонни эса Худо Ўз каломи билан қиёмат кунигача асраб турибди. Қиёмат куни У ҳозирги дунёни оловга ем қилиб, барча бетавфиқларни ҳалок этади (2Бутрус 3:7).</i>

6 —

Оятлар	Бу оятлардан биз одамлар ҳақида нималарни билиб олдик?	Янги Аҳддан маъно жиҳатдан мос келадиган оятлар
6-оят	Худонинг халқи Унинг учун муқаддасдир (Худо Ўзи учун танлаб, ажратиб олган бир халқдир).	<i>Аммо сизлар — танланган бир насл, руҳонийлар шоҳлиги, муқаддас қавм, Худонинг азиз халқисиз (1Бутрус 2:9).</i>

7–8-оятлар	Исроил халқи Худонинг иноятига нолойиқ эди. Улар Худонинг кўрсатган севгиси ва меҳрига лойиқ бўлиш учун арзигулик ҳеч нарса қилмадилар.	<i>Аммо меҳр-шафқатга бой Худо Ўзининг бизга бўлган буюк муҳаббатини қуйидагича кўрсатди: гарчи биз гуноҳларимиз туфайли руҳан ўлик бўлсак ҳам, Худо бизни Масиҳ билан бирга тирилтирди (Эфес. 2:4–5).</i>
8-оят	Худо Исроил халқини қулликдан озод қилди (юксак баҳо эвазига уларни сотиб олди)	<i>Масиҳ эса бизни қонун лаънатидан халос қилди. У хочга михланганда бизнинг ўрнимизга лаънатланди (Гал.3:13).</i>

7 –

Оятлар	Амр/огоҳлантириш/ намуна	Бугунги кунда буларга риоя қилишимиз керакми?	Нимага? Янги Аҳдда бу ҳақда нималар ёзилган?
2-оят	Худо Исроил халқига Канъон юртида яшаган барча бутпарастларни тамомила қириб юборишни амр қиляпти.	Йўқ	<i>...душманларингизни яхши кўринглар (Матто 5:43–44).</i> Бизнинг ҳақиқий душманимиз шайтондир (1Бутрус 5:8). Бу ерда шайтонни яхши кўриш назарда тутилмаган!
3-оят	Худо уларга маҳаллий халқ билан қудандачилик қилишни қатъиян ман қиляпти (чунки уларнинг ҳаммаси бутпараст бўлган).	Ҳа	<i>Имонсизлар билан шерик бўлманглар (2Кор 6:14).</i> <i>Агар эри ўлса, у истаган кишига турмушга чиқиши мумкин, фақат у эркак Раббимиз Исога тегишли бўлиши керак (1КоР 7:39).</i>
5-оят	Исроил халқи уларнинг қурбонгоҳларини бузиши, бутсимон тошларини парчалаб ташлаши, Ашерага аталган устунларни кесиби, бутларини ёндириши шарт эди.	Ҳа	<i>Афсунгарлик билан машгул бўлганларнинг бир қанчаси китобларини тўплаб, омманинг кўзи олдида ёқиб юбордилар. Бу китобларнинг қиймати ҳисобланганда, эллик минг кумуш танга чиқди (Ҳаворийлар 19:19).</i>

11-оят	Халқ Мусонинг берган амрларини, фармонлари ва қонун-қоидаларини битта қолдирмай бажариши керак эди.	Ҳа — Худонинг халқи Янги Аҳдда тасдиқланган барча амрларга амал қилиши керак. Бу амрлар Худони севиш ва ўзгани севиш амрларига таянади.	<i>Мени, Таврот ёки пайғамбарларнинг битикларини бекор қилгани келган, деб ўйламанглар. Мен бекор қилгани эмас, балки бажо келтиргани келдим (Матто 5:17).</i> <i>«Эгангиз Худони бутун қалбингиз билан, жону дилингиз билан, бутун онгингиз билан севинг.»</i> <i>Бу биринчи ва энг буюк амр. Иккинчиси эса шунга ўхшашдир: «Ўзгани ўзингизни севгандай севинг.» Бутун Таврот ва пайғамбарларнинг ҳамма битиклари мана шу икки амрга таянади (Матто 22:37–40).</i>
----------------------	--	--	--

Қонунлар, 10-дарс:

Худонинг қонуни



Бугунги дарсимизда биз Худонинг қонуни қанчалар ажойиб эканлигини тушуниб оламиз!

Биз 12–26-бобларни ўқиймиз, у ерда Худо Мусога қонунлар ва кўрсатмаларни берган.

Агар сиз бу бобларни ўқимаган бўлсангиз, шу ҳафта давомида бу бобларни албатта ўқиб чиқинг.

Қонунлар 26:16–19ни ўқинг.

16-оятда Худо Исроил халқига нима қилишни буюрмоқда? [1]

Худого чала итоаткорлик керак эмас. Худонинг халқи мукаммал итоаткорликдан келадиган хурсандчиликни татиб кўриши керак эди.

Берилган барча фармон ва қонун-қоидаларнинг мақсади халққа Худони ва бошқа одамларни севишни ўргатиш эди.

Одатда биз қонун-қоидаларга риоя қилиш қийин деб ўйлаймиз. Қонун бўйича яшаш одамнинг ҳаётини зерикарли қилади, деб ишонамиз. Аслида эса, қонунга амал қилиш одамга хурсандчилик, хавфсизлик ва ҳурмат-эътибор олиб келади!

Биз қуйидаги оятлардан Худонинг қонуни ҳақида нималарни билиб оламиз?

Забур 18:8 [2]

Забур 118:97–99 [3]

Қонунлар китобидаги амрлар

Қонунлар китобидаги амрлар Худо халқининг ҳаётидаги деярли барча соҳаларга тааллуқлидир. Буларга қуйидагилар киради:

- Худога қаерда сажда қилиш
- Ҳалол ва ҳаром егуликлар
- Ушр
- Байрам ва маросимлар
- Шоҳнинг вазифалари
- Адолат масалалари
- Худони мамнун қиладиган тарзда жанг қилиш усуллари
- Никоҳ ва жинсий поклик

Худонинг қонунлари

Қаерда сажда қилиш

Исроил халқи Худога фақат бир жойда сажда қилиши керак эди. Бу жойни уларга Худонинг Ўзи кўрсатган (Қонунлар 12:1–14). Бу Канъон халқининг сажда удумларидан буткул фарқ қиларди, чунки улар ҳар қандай жойда кўплаб худоларига топинардилар. Исроилнинг Худоси танҳо бўлгани учун, Унга одамлар фақатгина бир жойда сажда қилишлари шарт эди.



Исроил халқи саҳрода яшаган пайтда Худога Учрашув чодирда сажда қилишарди. Улар бир жойдан бошқа жойга кўчиб юрганларида, Учрашув чодирини ўзлари билан олиб юришарди (Чиқиш 25–27-боблар).

Исроил халқи ваъда қилинган юртга ўрнашиб олганидан кейин шоҳ Сулаймон Худога атаб ҳашаматли бир Маъбадни қурди. Худо Ўз халқи билан айнан ўша Маъбадда учрашадиган бўлди (1Шоҳлар 7–9-боблар).

Худонинг халқи учун энг муҳим вазифа бу Худога сажда қилишдир.

Қонунга кўра, Исроил халқи Худога қаерда сажда қилиши керак эди? [4]

Озиқ-овқат

Исроил халқига баъзи ҳайвонларнинг гўштини ейиш ман этилганди (Қонунлар 14:1–21). Бу муқаддасликнинг рамзи эди, яъни халқ Худо учун ажратиб олинганини билдирарди. Улар бутпараст халқларга ўхшамасликлари ва уларга тақлид қилмасликлари керак эди.



Қадимги вақтларда фақат бойлар гўшт ея олишарди. Гўшт тансиқ таом ҳисобланиб, фақат Худога қурбонлик келтирилган пайтда ейиладиган махсус бир таом эди.

Ёввойи ва этхўр ҳайвонлар ҳаром ҳисобланиб, уларнинг гўштини ейиш ман этилганди.

Бундай қонун-қоидаларга амал қилган халқ бутпарастлар билан яқин муносабат қила олмасди, чунки улар бутпарастларнинг уйларида таом ея олишмасди.

Қонунда озуқа ҳақида нималар ёзилган? [5]

Ушр

Исроил халқи олган ҳар қандай даромад ва ҳосилнинг 10 фоизини ушр қилиб бериши керак эди (Қонунлар 14:22–29). Ушр қуйидагиларга ишлатиларди:

- Учрашув чодирини ёки Маъбадда белгиланган байрам ёки маросимларни ўтказиш,
- Учрашув чодирини ёки Маъбадда хизмат қилган Левиларга иш ҳақи қилиб бериш,
- Камбағалларга ёрдам бериш.



Муқаддас Китобда Худо камбағалларга ва етим-есирларга ёрдам бериш ҳақида жуда кўп айтади. Қонун-қоидалар ва амрлар берилган бу китобда камбағалларга нисбатан меҳр-шафқатли бўлиш ва уларга ёрдам бериш ҳақида олти марта айтилган (12–26-боблар).

Қонунда ушр ҳақида нималар ёзилган? [6]

Белгиланган байрамлар

Ҳар йили Исроил халқи учта байрамни нишонлаши керак эди:

- **Фисих байрами** — бу байрам давомида халқ Мисрдан чиқиб кетганини байрам қилиб нишонларди.
- **Ҳосил байрами** — бу байрам етти ҳафтадан кейин, бугдой ўрими пайтида нишонланарди, унинг Юнонча номи *Пентекост* эди.
- **Чайла байрами** — бу байрам кузда йиғим-терим пайтида нишонланарди. Бу байрам давомида халқ саҳродаги саргардонлик вақтини эсларди.



Байрамларни нишонлаш орқали халқ Худонинг қилган мўъжизаларини эсга оларди. Халқ нафақат Худони эслашини, балки маза қилиб дам ҳам олиб, байрам қилишини Худо хоҳлаган эди (Қонунлар 16:1–17).

Қонунда байрамлар ҳақида нималар ёзилган? [7]

Шоҳ

Шоҳ Худога сажда қиладиган яҳудийлар орасидан танланарди. Унга кўп бойлик йиғиш ва кўп хотинларга уйланиш ман этилганди. Бунинг ўрнига у Худонинг қонунини ўрганиши ва унга итоат қилиши керак эди. Буларга риоя қилган шоҳ Худонинг халқини тўғри бошқара оларди (Қонунлар 17:14–20).



Биз Эски Аҳднинг ўқир эканмиз, Исроил шоҳлари қонунга итоат қилмаганига гувоҳ бўламиз. Улар Худонинг халқини Худодан узоқлаштирарди. Ҳаттоки шоҳ Сулаймон, ўзининг чексиз донолигига қарамай, Худонинг қонунларига риоя қилмаганини кўрамиз (3Шоҳлар 11:1–8).

Қонунда шох ҳақида нималар ёзилган? [8]

Адолат

Исроил халқи маҳкамаларда албатта адолат ўрнатиши керак эди. Жиноятчи албатта жазоланиши, айбсиз одам эса оқланиши жуда муҳим эди. Жазо тўғри белгиланиши ва қилинган жиноятга мутаносиб бўлиши шарт эди (Қонунлар 19:1–21).



Қонунда адолат ҳақида нималар ёзилган? [9]

Жанг

Қадимги дунёда жанг-жадал кундалик ҳаётнинг бир қисми эди. Шохлар доимо ўз шохликларини кенгайтириш пайида юришарди. Агар улар бошқа шохликларга ҳужум қилишмаса, ўз ҳудудини ҳимоя қилиш билан банд бўлар эдилар. Исроил халқи жангга чиққанида Худонинг кўрсатмалари бўйича уруш олиб бориши керак эди. Албатта, ҳар қандай уруш жуда ёмон нарсa. Лекин Худо ҳаттоки уруш билан боғлиқ бўлган кўрсатмаларни ҳам берган (Қонунлар 20:1–10).



Исроил йўлбошчилари ҳарбий сафларидаги жанг қилишга тайёр бўлмаган жангчиларига нисбатан меҳр-шафқатли бўлишлари керак эди; Шу билан бирга улар босиб олган шаҳарлардаги аҳолига ҳам раҳм қилишлари лозим эди.

Фақатгина Канъон юртида яшаган халқлар батамом ўлдирилиши керак эди, чунки улар асрлар давомида қабихлик қилган эдилар. Айнан шу сабабдан Худо уларнинг юртини халқи Исроилга беришга қарор қилди. Исроил халқи Яратган Худого манзур ҳаёт кечириб, бу борада бошқа барча халқларга намуна бўлиши керак эди.

Қонунларда жангга оид нималар ёзилган? [10]

Оила

Оила бу бир умрга тузиладиган аҳддир, оилада аёл кишининг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши зарур. Оила қурган эркак ва аёл ўз турмуш ўртоғидан бошқа ҳеч ким билан жинсий муносабат қилиши мумкин эмас. Зино, баччабозлик ва номусга тегиш каби қабихликлар қонунда қатъиян ман этилган (Қонунлар 22:13–30). Жинсий гуноҳлар нафақат ўз қурбонини барбод қилади, балки бутун оила шаънига доғ туширади. Ҳеч қандай гуноҳни Худодан яшириб бўлмайди.



Биз 7-дарсдан биламизки, қадимда Исроил халқидан бўлган одамлар бегона халқлар билан қудандачилик қилмасликлари керак эди, ҳозирги кунда ҳам масихийлар имонсизлар билан турмуш қурмасликлари керак. Чунки бундай оилада туғилган бола Раббимизнинг йўлидан юрмайди (Қонунлар 7:3–4).

Қонунларда оила ҳақида нима ёзилган? [11]

Қадимги дунёда бундай қонун-қоидалар ҳеч қайси халқда бўлмаган. Бу яхши қонунлар бўлиб, уларни Худо Ўз халқининг фаровон ҳаёти учун берган.

Исроил халқи Худонинг қонун-қоидаларини бажармаганида...

Худо берган қонун-қоидалар яхши бўлишига қарамай, халқ уларни ҳеч қачон тўлиқлигича бажара олмаган. Худо Ўз халқига Учрашув чодирда ёки Маъбадда қурбонликлар қилишни буюрган. Халқ шуни қилганида қуйидагиларни эсда тутарди:

- Гуноҳ жуда ёмон, гуноҳкор одам эса ўлим жазосига лойиқ.
- Гуноҳни фақат қон ювади, демак, гуноҳкор одам кечирим олиши учун бирорта жонзот ўлиши керак.

Бу қурбонликлар одамларни Нажоткорнинг келишига тайёрлар эди. Нажоткор келганида одамзоднинг гуноҳларини ювиши ва барча муаммоларни ҳал қилиши керак эди. Нажоткор қуйидагиларни қилади:

- Худонинг ҳамма қонунларини бекаму кўст бажаради,
- Барча асрлар учун мукамал қурбонлик бўлади,
- У «мукамал Маъбад» бўлади, одамлар гуноҳларидан фориғ бўлиш учун Унинг олдига келишади.
- Худонинг халқи Худога тўлиқ итоат қила олиши учун, Худо Муқаддас Руҳи орқали одамлар аро маскан куради!

1Юҳанно 4:9–10ни ўқинг. Худо бир куни юборадиган Нажоткор бўлишга Ким лойиқ? [12]

Бу мукамал Инсон нима қилади? [13]

Эски Аҳд ва Янги Аҳд


Қонунлар китобида Худо Синай, яъни Хорев тоғида Ўз халқи билан тузган аҳднинг шартлари тушунтирилган (Қонунлар 5:2):

- Худо Исроил халқини қулликдан **қутқарди**.
- Агар халқ Худога **ишониб, Унга бўйсунса**, Худо уларга ваъда қилган юртда барака беради.
- Итоатсизлик эвазига келган лаънатлардан озод бўлишнинг бир йўли бу **қурбонликлар келтириш** эди.
- Агар халқ **доимий тарзда итоатсизлик қилса**, Худонинг лаънатига дучор бўлиб, бегона юртга сургун қилинади.

Кейинчалик бу аҳд — **Эски Аҳд** деб ном олди. Бу Муқаддас Китобнинг биринчи қисмидир.

Муқаддас Китобнинг иккинчи қисми **Янги Аҳддир**. Худо Ўз халқи билан янги аҳд тузди. Бу аҳдга кўра:

- Худонинг Ўғли Исо Масих одамларни гуноҳ қуллигидан **қутқарди** (Римликларга 6:20–22).
- Агар биз **Худонинг Ўғлига ишониб, Унга бўйсунсак**, Худо бизни Ўзига фарзанд қилиб олади ва бизга абадий ҳаётни инъом қилиб беради (Юҳанно 1:12, 3:16).



- Агар биз гуноҳларимиздан тавба қилсак, биз учун мукаммал **қурбонлик бўлган** Исо Масих бизни гуноҳларимиздан фориғ қилади (1Юҳанно 1:9).
- Агар биз доимий тарзда **Худога итоатсизлик қилсак**, биз бу баракалардан маҳрум бўлишимиз мумкин (Ибронийларга 10:26–31).

Эски Аҳдда ҳам, Янги Аҳдда ҳам одамлар Худога итоат қила олишлари учун имонга эга бўлишлари керак эди. Ибронийлар мактубининг 11-бобида бу муҳим мавзу кенг ёритилган.

Луқо 22:20ни ўқинг. Исо Масих тўкилган қони туфайли нима қилди? [14]

Ибронийларга 9:15ни ўқинг. Янги Аҳд нима? [15]

Бугун биз Эски Аҳднинг қайси қонунларига риоя қилишимиз керак?

Ҳозир биз Янги Аҳд даврида яшамоқдамиз.

Биз нималарни қилишимиз КЕРАК ЭМАС?

1. Биз Маъбад ва қурбонликларга оид қонун-қоидаларга риоя қилишимиз керак эмас:

- Исо Масих бутун дунёнинг гуноҳлари учун мукаммал қурбонлик (1Юҳанно 2:2) ва ҳаммамиз учун янги Маъбад бўлди (Юҳанно 2:19,21)!
- Биз энди жониворларни қурбонлик қилишимиз керак эмас, шу сабабдан бизга заминий Маъбад ҳам керак эмас. Қуддусдаги Маъбад милодий 70 йилда Римликлар томонидан бузиб ташланган эди. Исо Масих ўлиб тирилганидан кейин, заминий Маъбадга зарурат қолмаган эди, шу сабабдан Худо унинг яқсон қилинишига йўл қўйган эди.
- Жамоат (яъни Исо Масих издошларининг йиғини) Масихнинг танасидир ва Худонинг ер юзидаги Маъбадидир. Ҳозирги кунда одамлар айнан шу ерда Худо билан учрашадилар (1Коринфликларга 3:16).

2. Биз айрим озиқ-овқатлардан ўзимизни тийишимиз шарт эмас.

- Исо Масих Бутрусга соҳир бўлиб, унга ҳар қандай жониворнинг гўштини тановул қилишига изн берди (Хаворийлар 11:1–18). Энди Худонинг халқи муқаддас бўлиши учун ўзини бошқа халқлардан ажратиши шарт эмас. Энди халқнинг муқаддаслиги уларнинг муҳаббати, севинчи, хотиржамлиги, сабр-тоқати, меҳрибонлиги, эзгулиги, ишончи, мулойимлиги ва ўзини идора қилиши орқали намоён бўлиши керак эди (Галатияликларга 5:22–23).
- Бугунги кунда биз Эски Аҳднинг қайси қонунларига риоя қилишимиз шарт эмас? [16]

Биз нима қилишимиз КЕРАК?

Еремиё 31:31–33ни ўқинг. Бу оятларга кўра янги аҳд эскисидан нимаси билан фарқ қилар экан? [17]

Биз Исо Масихга ишонишни бошлаганимизда У қалбимизни Муқаддас Рухга тўлдиради. Муқаддас Рух бизни фош қилиб, **бизга ҳаётимиздаги нималарни ўзгартиришимиз кераклигини кўрсатади**. Сиз Муқаддас Китобни ўқир экансиз, Унинг сизга айтган гапларига диққат билан қулоқ солинг.

- Исо Масих қайси амрларни энг буюк амрлар деб атаган (**Марк 12:30–31**)? [18]

Буларни айтиш осон, лекин қилиш жуда қийин!

Эски Аҳддаги барча амр ва кўрсатмалар Худони ва ўзгани севишга қаратилган.

- Биз бугунги кунда ҳам Ўнта Амрга (Қонунлар 5:6–21) итоат қилишимиз ўта муҳим. Булар Худога ва ўзгага бўлган севгимизнинг ҳақиқий мезонидир.
- Янги Аҳд жинсий покликка кучли урғу беради. Бу ҳам ўзгага бўлган севгимизнинг ва Ўнта Амрга бўлган итоаткорлигимизнинг асл кўрсаткичидир. **Ибронийларга 13:4**ни ўқинг. Фахшу зинога енгил ёндашманг, вафонинг аҳамияти йўқ, деб ҳеч қачон ўйламанг (1Коринфликларга 6:15–16). Шайтон кўп таниқли чўпонларни айнан шу соҳада йўлдан оздирган. Фахшу зино солиҳларнинг ҳаётини барбод қилади, хонадонларини бузади (Ибронийларга 10:29).

Бугунги кунда биз қайси амрларга бўйсунимиз керак? [19]

Демак, нима сабабдан биз Эски Аҳд қонунларини ўқишимиз керак?

Биз Эски Аҳд қонунларини ўқишимиз шарт, шунда биз қуйидагиларни тўлиқроқ англайдиган бўламиз:



- Худонинг феъл-атворини,
- Нима тўғрию нима нотўғрилигини,
- Ўзимизнинг гуноҳкорлигимизни,
- Бизнинг гуноҳларимизни фақатгина қон орқали ювиш мумкинлигини,
- Биз Нажоткорга муҳтож эканлигимизни!

Биз Эски Аҳдни тўлиқлигича ўқисаккина, Исо Масихнинг Кимлигини ва У биз учун нималар қилганини англай оламиз.

Агар кимдир сизга «Эски Аҳдни, Худонинг ҳамма қонунларини ўқиш шарт эмас», деб айтса, сиз унга нима деб жавоб қайтарасиз?

Сиз Исо Масихга ҳаётингизни ўзгаритиришга имкон беряпсизми ёки ҳозирги ҳолатингизнинг ўзи яхшими?

Сиз Исо Масихга кўпроқ ўхшашингиз учун нима қилишингиз керак?

Уйга вазифа

Кейинги дарсга тайёргарлик сифатида **Қонунлар 27–28-бобларни** ўқинг.

Жавоблар

- 1 – Эгамиз Худо Исроил халқига: *«Мана шу фармонлар ва қонун-қоидаларга риоя қилинғлар», деб буюряпти. Буларни битта қолдирмай, бутун қалбингиз билан, жону дилингиз билан бажаринғлар,* — деб айтяпти.
- 2 – Худонинг буйруқлари қалбларимизни шодликка тўлдиради.
- 3 – Худонинг амрлари ва қонун-қоидалари бизни доно қилади.
- 4 – Исроил халқи Канъонликлардан фарқли равишда Худога фақат Учрашув чодирда ёки Маъбадда сажда қилиши керак эди.
- 5 – Исроил халқига айрим ҳайвонларнинг гўштини тановул қилиш ман этилганди. Бу уларнинг муқаддас эканлигини, яъни Худо томонидан ажратиб олинганини билдирарди.
- 6 – Исроил халқи ҳар қандай даромаднинг ўн фоизини Маъбадга олиб келиши керак эди. Ушр Маъбадда ўтказиладиган байрамларга, Учрашув чодирда ёки Маъбадда хизмат қиладиган Левиларга иш ҳақи сифатида, етим-есирларга ёрдам сифатида ишлатиларди.
- 7 – Ҳар йили Исроил халқи учта байрамни нишонлаши шарт эди: Фисих байрами, Ҳосил байрами ва Чайла байрамини. Шу орқали улар Худонинг қилган ажойиб ишларини эсга олишарди.
- 8 – Шоҳ Исроил халқидан бўлиши шарт эди, у ўзи учун бойлик кўпайтирмаслиги, кўп хотин олмаслиги керак эди. Шоҳ ҳар куни Худонинг қонунларини ўрганиши ва уларга амал қилиши лозим эди, шундагина у Худонинг халқини тўғри бошқара оларди.
- 9 – Қонунбузарлар адолатли ҳукм қилинишлари керак эди. Айбсиз одам эса бировнинг жинояти учун жазоланмаслиги керак эди.
- 10 – Рухонийлар ва назоратчилар жангга боришга тайёр бўлмаган жангчиларга нисбатан меҳрли бўлишлари ва уларни уйга қайтариб юборишлари керак эди. Улар шаҳар аҳолисига раҳм қилишлари ва уларни тирик қолдиришлари шарт эди. Фақат Канъон юртида яшаган қабих халқларни битта қолдирмай ўлдиришлари керак эди.
- 11 – Оила бу бир умрга тузиладиган аҳддир, оилада аёл кишининг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши зарур. Оила қурган эркак ва аёл ўз турмуш ўртоғидан бошқа ҳеч ким билан жинсий муносабат қилиши мумкин эмас. Зино, баччабозлик ва номусга тегиш каби қабихликлар қонунларда ман этилган.
- 12 – Худонинг Ўғли Исо Масих.
- 13 – Исо Масих Худонинг қонунларини бекаму кўст бажарди, гуноҳларимиз учун мукамал қурбонлик бўлди. У Муқаддас Рух орқали одамлар аро маскан қуриб, Ҳақ Худонинг «Маъбади» бўлади.
- 14 – Исо Масих Худо ва инсоният орасида янги аҳд тузиб, ўша аҳдни тўқилган қони эвазига кучга киритди.
- 15 – Исо Масих Янги Аҳднинг воситачиси бўлди. У бизни гуноҳларимиздан халос қилиш учун қурбон бўлди.
- 16 – Биз энди Маъбад, қурбонликлар ва озиқ-овқат борасидаги қонунларга риоя қилмасак ҳам бўлади.

- 17 – Худо қонунларини одамларнинг онгига солиб қўяди, уларни юракларига ёзиб қўяди.
- 18 – Энг буюк амрлар қуйидагилар: *«Эгангиз Худони бутун қалбингиз билан, жону дилингиз билан, бутун онгингиз билан, кучингиз борича севинг.»* Энг муҳим амрлардан иккинчиси: *«Ўзгани ўзингизни севгандай севинг.»*
- 19 – Худони ва ўзгани севиш деганда Ўнта Амрнинг ҳаммасига бирдай итоат қилиш кераклиги назарда тутилган ва жинсий покликни сақлашга урғу берилган.

Қонунлар, 11-дарс:

Баракалар ва лаънатлар



Мазкур дарс давомида биз Эски Аҳд давридаги баракалар ва лаънатларни ўрганамиз ва уларнинг бугунги кунга қанчалик таъсири борлигини кўрамыз.

Икки тоғ

Қонунлар 11:29ни ўқинг.

Исроил халқи ваъда қилинган юртга кирганидан кейин, Худо уларга икки тоққа тааллуқли кўрсатмаларни берди. Юртнинг ўртасидаги иккита тоғ Худо Ўз халқи билан тузган аҳднинг абадий рамзи эди. Бу тоғлар Худога итоат қиладиган одамларга келадиган баракаларни, итоат қилмайдиганларга дучор бўладиган лаънатларни эслатарди.

Халқ қайси тоғ устида баракаларни эълон қилиши керак эди? [1]

Қайси тоғда лаънатларни эълон қилиши керак эди? [2]

Қонунлар 27:1–8ни ўқинг.

Мусо Исроил халқига Эбал тоғининг устида (бу тоғ устида лаънатлар эълон қилинади) тошдан иккита нарсани ясашни буюрди.

Халқ бу тоғ устига нималарни ўрнаштириши керак эди (**2–4-оятлар**)? [3]

Улар тошлардан нимани қуришлари керак эди (**5-оят**)? [4]



Худо Исроил халқига Эбал тоғи устида иккита катта тош ўрнатишни ва уларнинг устини суваб, Худонинг қонунларини ёзишни амр қилди. Бу тошларнинг олдида У тош қурбонгоҳ қуришни ҳам буюрди. Одамлар берилган барча қонун ва амрларга бекаму кўст риоя қила олмаслигини Худо жуда яхши биларди. Шу сабабдан ҳам халққа қурбонгоҳ қуришни айтганди, чунки одамлар келтирилган қурбонликлар орқали гуноҳларини ювишарди. Қурбонгоҳнинг вазифаси одамларга қурбонликлар орқали гуноҳдан фориғ бўлиш мумкинлигини эслатиш эди.

Халқ бу қурбонгоҳ устида қандай икки турдаги қурбонликни келтириши керак эди **(6–7-оятлар)**? [5]

Куйдириладиган қурбонлик

Куйдириладиган қурбонлик одамларнинг гуноҳини юварди ва шу билан бирга инсоннинг бутун ҳаёти Худога тегишли эканининг рамзи эди. Куйдириладиган қурбонлик бошқа ҳамма қурбонликлардан фарқ қиларди, у тўлиқлигича оловда куйдириларди, унинг гўшtidан ҳеч ким, ҳаттоки руҳонийлар ҳам тановул қилишлари мумкин эмасди.

Эфесликлар 5:2ни ўқинг. Ким биз учун Ўз жонини фидо қилди? Ким гуноҳларимизни ювиш учун куйдирилган қурбонлик бўлди? [6]

Римликлар 12:1ни ўқинг. Масих бизга берган инояти туфайли энди биз нима қилишимиз керак? [7]

Тирик, муқаддас қурбонликнинг маъноси нима? [8]

Куйдириладиган қурбонлик бизга нимани эслатади? [9]

Биз бутун ҳаётимизни Худога бағишлаганимизда У қалбимизни хурсандчиликка тўлдиради!

Тинчлик қурбонлиги

Одатда қурбонлик қилинган жониворнинг гўштини фақат руҳонийлар ейишга ҳақли эдилар. Лекин куйдириладиган ва тинчлик қурбонликлари булардан мустасно эди: куйдириладиган қурбонлик тўлиқлигича ёқиб юбориларса, тинчлик қурбонлигининг гўшtidан эса авом халқ ҳам ейишга ҳақли эди. Тинчлик қурбонлигининг гўшти дўсту биродарлар ва қўни-қўшнилар орасида тановул қилинади.

Тинчлик қурбонлиги Худо халқининг гуноҳларини кечирганини ва ўзаро муносабат тикланганини билдирувчи рамз эди. Қандай гўзал бир хабар!

Янги Аҳд даврида яшаган одамлар энди тинчлик қурбонлигини келтирмайдилар. Улар бунинг ўрнига нима қилишлари керак (Луқо 22:19)? [10]

Исо Масих гуноҳларимиз учун мукамал қурбонлик бўлди. Унинг қурбонлиги туфайли биз гуноҳларимиздан фориғ бўлиб, энди Худо билан муносабат қила оламиз!

Бугунги кунда жамоатлар Қутлуғ кечани нишонлаганларида таом емайдилар. Бунинг ўрнига улар рамзий маънода Масихнинг хочдаги ўлимини билдирувчи нон ва шаробни қўллашади. Бироқ Масих даврида имонли биродарлар доимо биргаликда таом тановул қилишарди. Биргаликда овқатланиш — муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутди. Агар сизнинг жамоатингиз ҳам Қутлуғ кечани

Ўтказишда фақат нон ва шаробдан фойдаланса, сиз албатта имонли биродарларингиз билан таом егани йиғилиб тулинг, улар билан чойхонага бориб тулинг.

Тинчлик қурбонлиги бизга нимани эслатади? [11]

Баракалар ва лаънатлар

Қонунлар 27–28-бобларда қуйидагиларга урғу берилган:

- Худонинг қонунларига риоя қилган одамларга кўп баракалар ваъда қилинган.
- Худонинг қонунларини бузганларга кўп лаънатлар айтилган.

Қонунлар 28:1–24ни ўқинг.

Эски Аҳдда Худо Ўз халқига чексиз барака берган, улар бунга лойиқ бўлмасалар-да, уларга иноят кўрсатган. Шунга қарамай, улар доимий тарзда Худога итоатсизлик қилиб келишган. Шу сабабдан лаънатларга дучор бўлишган.

Ҳакамлар даврида Исроил халқининг ҳаёт чархпалаги бир зайлда айланарди:

- Улар Худонинг эзгу қонунларини рад қилиб, қабихликлар қилишарди.
- Жазо сифатида Худо уларни душманларининг қўлига топширарди, улар йиллар давомида зулм остида қолишарди.
- Сўнг Худодан ёрдам сўраб ёлворишарди.
- Худо уларнинг ибодатларига жавоб бериб, қутқарувчи қилиб ҳакамларни юборарди.
- Орадан кўп вақт ўтмай, халқ яна Худонинг қонунларини бузиб, қабихлик йўлига ўтарди. Уларнинг ҳаёт чархпалаги шу зайлда айланаверарди.

Исроил халқининг бундай ҳаёт тарзи қарийб 300 йил давомида такрорланди.

Орадан кўп йиллар ўтди, Исроилнинг қабих шоҳи Ахаб халққа бут Баалга сажда қилишни ўргатди. Жазо сифатида Худо Исроил юртига 3 йил ёмғир ёғдирмади (3Шоҳлар 17:1).

Халқ Худодан юз ўгириб кетгани сабабли, Худо уларни жазолади. У Исроил юртини Бобил лашкарининг қўлига берди: Бобилликлар Исроилни босиб олишди, Маъбадини ер билан яксон қилишди, халқни эса Бобилга сургун қилиб олиб кетишди. Бу воқеа милoddан олдинги 586-йилда бўй берди (2Солномалар 36:15–21).

Қўшимча маълумот: Еремиё пайғамбарнинг марсияси

Марсия китоби — Қуддус шахрининг вайрон бўлишига бағишланган марсия ва гирялар тўпламидир.

*Вой шўрим!
Одамларга тўлиб-тошган бир вақтлар,
Нақадар ёлғиздир энди бу шаҳар!
Халқлар орасида шуҳрат қозонган,
Энди бир бева аёлга у ўхшаб қолган.
вилоятлар орасида маликадай эди,
Энди у бир чўрига ўхшаб қолди (Марсия 1:1).*



Чуқур қайғуда қолган муаллиф, атрофдаги вазиятга қарамай, барибир Худонинг эзгулигини эълон қилади:

*Эгамнинг содиқ севгиси бўлмайди адо,
Унинг раҳму шафқати тугамас асло.
Ҳар тонг улар янгиланади,
Буюкдир Эгамнинг садоқати!
Қалбимда айтаман: «Эгамдир менинг бор-йўғим,
Шундай экан, ёлғиз Ундадир менинг умидим» (Марсия 3:22–24).*

Муаллиф Худонинг садоқатига умид қилган эди, Исроил халқидан Худо воз кечмаслигини у биларди. Бу оятлар қувғинда қолган кўп масиҳийларга асрлар давомида умид бағишларди. Биз ҳам ҳаётимизда қийинчиликларга дуч келганимизда бу оятлардан далда олишимиз мумкин.

Биз бугун Муқаддас Китобни ўқир эканмиз, китобда тилган олинган баракалар ва лаънатларнинг маъноси жуда теран эканлигини тушуниб олишимиз керак, улар бу заминий ҳаётимиз билан чекланмайди. Худо бизга ҳозирдан абадий ҳаёт баракасини татиб кўришимизга имкон берди. Исо Масиҳ қайтиб келганида бу дунёни маҳкум этиб, лаънатларга дучор қилади.

Матто 25:34ни ўқинг. Исо Масиҳ Ўзининг содиқ издошларига нима деб айтади? [12]

Бу сўзлар инсон эшитиши мумкин бўлган энг гўзал сўзлардир!

Матто 25:41ни ўқинг. Исо Масиҳ Ўзига эргашмаган одамларга нима деб айтади? [13]

Бу сўзлар инсон эшитиши мумкин бўлган энг ёмон ва даҳшатли сўзлардир!

Эски Аҳдда баракалар ва лаънатлар нимани билдиради? [14]

Биз оладиган баракалар фақат келажакка тааллуқли эмас.

Эфесликларга 1:3–8ни ўқинг. Худо ҳозирданоқ бизни қандай баракалардан баҳраманд қилди? [15]

Ушбу баракалар биз эга бўлишимиз мумкин бўлган ҳар қандай моддий баракадан анча устундир!

Худо бизга берган бошқа баракалар

Ҳозирги вақтда сиз учун муҳим аҳамиятга эга бўлган оятларни топиб ўқинг:

- Худо бизга Ўз Муқаддас Рухини берди (1Кор. 3:16).
- Биз Худонинг олдида келиб тавба қилганимизда У бизни кечирази (1Юх.1:9).
- Биз азоб-уқубатларга учраганимизда Худо бизга тасалли беради (2Кор. 1:3–4).
- Кўнглимиз чўкканда У бизга яқиндир (Заб. 33:18–19).
- У бизга донолик беради (Ёқуб 1:5).
- Ибодатларимизга жавоб беради (Юх. 14:13).
- Бизни Масиҳ хонадони аъзоси қилади (Гал. 6:10).

- Бизни севикли фарзанди деб билади (Эф. 5:1).
- Бизга асл кимлигимизни очиб беради: Биз барҳаёт Худонинг фарзандларимиз! Бу очиқлик ўз қадримизни ва ҳурматимизни оширади. Масихга тегишли бўлганимиз учун ҳаммамиз бирмиз (Гал 3:28).

Биз ҳозирдан баҳра олишимиз мумкин бўлган баракаларимиз бор.

Нима деб ўйлайсиз, биз ҳозир Худонинг яна қандай баракаларидан фойдаланмоқдамиз?

Бугунги кунда лаънатлар ҳақида нима дея оламиз?

Масих эса бизни қонун лаънатида халос қилди. У хочга михланганда бизнинг ўрнимизга лаънатланди (Гал. 3:13). Биз Масих туфайли лаънатдан халос бўлдик, энди эса барака остидамыз.

Агар биз Масихга эргашаётган бўлсак, У бизни одамлар ёғдирган ҳар қандай лаънат ва қарғишлардан асрайди! Ҳаворий Павлус Эфесликларга ёзган мактубида шундай дейди: *Худонинг биз — имонлиларга кўрсатган тенги йўқ қудрати нақадар буюклигини ҳам билиб олинг. Мана шу буюк қудрати билан Худо Масихни ўликдан тирилтирди ва самода Уни Ўзининг ўнг томонига ўтиргизди. Исони Худо у дунёю бу дунёдаги ҳар бир ҳоқимият ва ҳукмронлик, ҳар қандай куч ва салтанат, ҳар бир мавжудотдан устун қилди (Эф.1:19–21).*

Агар кимдир сизни лаънатласа, бу ҳақда Исо Масихга ибодат қилинг, У сизни ҳар қандай бало ва лаънатлардан омон сақлайди.

Шундай экан, бугунги кунда биз ҳеч қандай лаънат ва қарғишлардан кўркмаслигимиз керак!

Соғлик ва бойлик

Баъзан одамлар: Худо бизга соғлик ва бойликни ваъда қилган, деб айтишади. Лекин бу ҳақиқат эмас. Эски Аҳдда Худо қонунларига итоат қилган халққа фаровон ҳаёт ваъда қилган эди. Бунинг амалга ошганини биз Сулаймоннинг ҳукмронлиги вақтида кўрамыз: *Сулаймон ҳаётлигида Дандан Бершебагача бўлган Яҳудо ва Исроил юртидаги ҳар бир одам ўз узумзорида, ўз анжир дарахти остида тинчгина умр кечирарди (3Шох 4:25).*



Афсуски, халқнинг фаровонлиги фақат моддият билан чеклангани боис узоққа чўзилмади.

Худо бутун дунёни **абдий фаровонликка** эриштирадиган бўлди, бу фаровонлик эса Худо билан тирик муносабатдан ва инсон юрагининг ўзгаришидан келади (Ҳизқ. 36–26, Эф. 2:18). Абдий барака ва фаровонлик моддият билан чекланмайди.

Исо Масих ҳам, ҳаворийлар ҳам бой эмас эдилар. Ҳаворий Павлус жисмонан азоб чекканини биламиз (2Кор. 12:1–10). Исо Масих ҳам инсоният ўйлаб топган энг азобли қийноқлар дастидан кўп дард ва азоб чекканди. Павлус **Римликларга ёзган мактубининг 8-боб, 18-оятда** нима деган? [16]

Худо билан Янги Қуддусда яшаш қанчалик ажойиб эканини биз ҳатто тасаввур ҳам қила олмаймиз!

Худо бизга Эски Аҳдда ваъда қилган баракалардан биз ҳозир эмас, балки Янги Қуддусда бўлганимизда албатта баҳра оламиз. Худо ибодатларимизга жавоб беради, лекин бу дунёда биз азоб-уқубат чекамыз.

Худо ҳаётимиздаги қийинчиликлар орқали бизни Исога ўхшатиб ўзгартирмоқда (Ибр, 12:7–11). Лекин баъзан биз нега Худо бошимизга қийинчиликлар солганини тушунмаймиз (Ишаё 55:9). Агар биз фаровон ҳаёт кечирсак, соғлом бўлсак ва муаммоларимиз бўлмаса, демак Худо бизни бошқалардан кўпроқ яхши кўраркан деган хулосага келишимиз керак эмас. Бошимизга қийинчиликлар тушганда, касал бўлганимизда Худо бизни жазолаяпти, деб ҳам ўйлашимиз керак эмас. Худо муаммолар орқали инсонни жазоламайди. Бизнинг вазифамиз бир-биримизни севиш, далда бериш ва қўллаб-қувватлаш!

Бизнинг ҳаётимиз жуда қийин бўлиши мумкин. Лекин Худо бизни ҳеч қачон ташлаб кетмайди, тарк этмайди (Ибр, 13:5). Биз Исо Масихга охиригача эргаша олишимиз учун Муқаддас Рух бизга керакли куч ва хурсандчилик беради (Ваҳий 21:3–4; 22:1–5).

Бугунги кундаги «барака» топган одам нимани билади? [17]

Қандай қилиб биз Худонинг баракаларидан янада кўпроқ баҳраманд бўла оламиз? [18]

Уйга вазифа

Қонунлар 29–30-бобларни ўқинг.

Жавоблар

- 1 – Баракалар Гаризим тоғи устида ўқилиши керак эди.
- 2 – Лаънатлар Эбал тоғи устида ўқилиши керак эди.
- 3 – Устига Худонинг қонунлари ёзилган катта тошлар.
- 4 – Тош қурбонгоҳ.
- 5 – Куйдириладиган қурбонлик ва тинчлик қурбонлиги.
- 6 – Исо Масих гуноҳларимиз учун қурбон бўлди.
- 7 – Биз ўз танамизни тирик, муқаддас ва Худога манзур бўладиган қурбонлик сифатида бағишлашимиз керак.
- 8 – Бу дегани биз Худога манзур ҳаёт кечиришимиз ва ҳаммага Раббимиз Исо Масих ҳақида айтишимиз керак.
- 9 – Куйдириладиган қурбонлик бизга гуноҳларимиз ювилиши кераклигини эслатади. Исо Масих Ўз жонини биз учун фидо қилгани каби, биз ҳам ўз ҳаётимизни Худога тирик қурбонлик сифатида бағишлашимиз керак.
- 10 – Биз биргаликда Қутлуг кечани ўтказиб (нон ва шаробни тановул қилиб), Раббимиз Масихнинг гуноҳларимиз учун ўлиб тирилганини хотирлашимиз керак.
- 11 – Тинчлик қурбонлиги бизга қуйидагиларни эслатади: Исо Масих гуноҳларимиз учун жонини фидо қилиб, қонини тўкди ва биз учун мукамал қурбонлик бўлди. Шунинг учун энди биз гуноҳларимиздан тавба қилганимизда Худо билан муносабатимиз тикланади. Бу шу қадар ажойибки, биз буни яқинларимиз билан нишонлашимиз керак.

- 12 – Исо уларга шундай дейди: *Эй самовий Отамнинг баракасини олганлар, келинлар! Шоҳликни мерос қилиб олинглар! Бу шоҳлик олам яратилгандаёқ сизлар учун тайёрлаб қўйилган.*
- 13 – Исо шундай деб айтади: *Эй лаънатилар, кўзимдан йўқолинглар! Иблис ва унинг фаришталарига тайёрлаб қўйилган абадий оловга мубтало бўлинглар!*
- 14 – Бу шуни билдирадики, Худо бизга ҳозирдан абадий ҳаёт баракасини татиб кўришимизга имкон берди. Исо Масих қайтиб келганида бу дунёни маҳкум этиб, лаънатларга дучор қилади.
- 15 – *Масихга тегишли бўлишимиз учун Худо бизни дунё яратилишидан олдин танлади. Энди биз Худонинг олдида муқаддас ва бенуқсон, бир-биримизга меҳр боғлаган инсонлар бўла оламиз.*
- 16 – У шундай деб ёзган: *Ишончим комилки, ҳозирги азоб-уқубатларимиз бизга зоҳир қилинадиган улуғворлик олдида ҳеч нарса эмас.*
- 17 – Барака топган одамлар қуйидагиларни билишади:
- Худо бизни дунёни яратишдан олдин танлаган.
 - Биз Худонинг фарзандларимиз.
 - Улар нажот топган ва кечирим олган.
 - Ҳаёт қанчалик қийин бўлмасин, Худо доимо уларнинг ёнида.
 - Худо уларни беҳатар тарзда улуғвор, абадий масканига олиб келади.
- 18 – Биз қуйидагиларга риоя қилсак, Худонинг баракаларидан янада кўпроқ баҳраманд бўламиз:
- Муқаддас Китобни ўқиб, у ҳақда мулоҳаза қилсак.
 - Иложи борича кўпроқ ибодат қилсак.
 - Бошқа имонлилар билан кўришиш учун жамоат йиғилишларига борсак.
 - Бошқаларга Исо Масих ҳақида айтсак.

Қонунлар, 12-дарс:

Аҳднинг янгилашиши



Ушбу дарсда биз ҳар бир авлоднинг Худо билан аҳдни янгилаши қанчалар муҳим эканлигини кўриб чиқамиз.

Қонунлар китобининг 29–30-бобларида Мусо Худо халқининг навбатдаги авлоди билан аҳдни янгилагани тасвирланган. Синай тоғида Худо билан аҳд тузган авлоднинг ҳаммаси ўтиб кетди. Энди Худо уларнинг фарзандлари ва набиралари билан аҳд тузиши керак эди.

Қонунлар китобининг 29–30-боблари қадимда подшоҳлар тузган тинчлик аҳди сулҳ шаклида ёзилган бўлиб, у ерда қўли остидаги халқларга қўйилган шартлар баён қилинган. Тинчлик аҳди доим ҳам бир хил бўлавермаган, лекин уларда одатда бешта масала ёритилган:

1. Тарихий вазият
2. Аҳднинг асосий шартлари
3. Аҳдни бузишга қарши огоҳлантиришлар
4. Барака ва лаънатлар
5. Гuvoҳлар

Қонунлар 29–30-бобларни ўқиб, юқоридаги бешта масалани топишга ҳаракат қилинг.

Энди биз ушбу бешта масалани кўриб чиқамиз.

1. Тарихий вазият (29:2–8)

Худо Ўз халқига уларнинг ўтмишини эслатди. Мусо халққа мурожаат қилиб гапирганда, гўёки улар Синай тоғидаги воқеада иштирок этгандай сўзлайди, аслида Синайда улар эмас, уларнинг ота-оналари бор эди (3-оят).

1-Чақириқ

Тарих жуда муҳим. Худо ўтмишда бизлар учун нималар қилганини ўқиганимизда, биз ҳақиқатан ҳам Худонинг инояти туфайли нажот топганимизга амин бўламиз. Агар биз Худонинг ишларини унутсак, Исо Масих давридаги фарзийлар каби мағрурланиб кетамиз, бошқаларни ҳукм қила бошлаймиз. Шунинг учун биз доимо Муқаддас Китобни ўқишимиз, Худонинг ўтмишдаги ажойиб ишлари ҳақида мулоҳаза қилишимиз ва ўзимиз Худонинг инояти туфайли нажот топган гуноҳкорлар эканимизни эсда тутишимиз керак!

2-Чақириқ

Биз Муқаддас Китобни ўқиганимизда ўзимизни ўша воқеалар иштирокчиси қилиб тасаввур қилишимиз керак. Мусо Исроил халқига гапирганида айнан шундай қилган, уларга шундай деган: *...гувоҳи бўлдингизлар* (Қонунлар 29:3). Биз ўқиган воқеаларни тасаввуримизда кўрганимизда воқеа бизга кучли таъсир қилади.

2. Аҳднинг асосий шартлари (29:9–15)

Қонунлар китобида Худонинг амру қонунлари батафсил ёритиб берилган эди. Шу сабабдан бу оятларда бутун халқ, ёшу қари, эркагу аёл, ўтроқ халқ ва мусофирларнинг ҳаммаси қонунларга риоя қилишлари шарт эди (11). Демак, Худонинг қонуни фақатгина бир гуруҳ одамлар учунгина эмас, у ҳамма учундир.

- Ота-оналарнинг вазифаси болаларига ёшлигидан Худонинг қонунларини ўргатиш эди. Ёш болалар ҳам Худо ман этган нарсаларни қилмасликлари керак эди.
- Биз ўғил-қизларимизга отани ҳам, онани ҳам **бирдай** ҳурмат қилишни, уларга итоат қилишни ўргатишимиз керак.
- Фарзандларимизга бегона одамларга эътиборли ва меҳрибон бўлишни ўргатишимиз керак.
- Бошқа миллат ва халқлардан бўлган одамларга беэътибор қолмаслигимиз, уларга ҳам Худонинг қонунларини ўргатишимиз даркор.

3-Чақириқ

Сиз ўз оилангиз ва жамоатингизда ҳамма одамларга, болалардан тортиб катталаргача ва бошқа давлатдан келган меҳмонларга Худонинг севгисини улашяпсизми? Худога манзур турмуш тарзини уларга ўргатяпсизми?

3. Аҳдни бузишга қарши огоҳлантиришлар (29:16–29)

Бошқа халқлар сиғинган буюмларни Худо қандай сўз билан атаган (17-оят)? [1]

Бутларга сиғинган одамларнинг таъсирини Худо қандай сўзлар билан ифодалаган (18-оят)? [2]

Агар Худонинг халқидан бўлган биронта одам ўша бутларга сиғинса, унинг қисмати нима бўлади (20–28-оятлар)? [3]

Худонинг халқи гуноҳга қўл урганда Худо ғазабланади. Худо гуноҳларимизга эътибор бермайди, деб ўйлашимиз аҳмоқликдир! Зотан, У Ўзи яратган дунёни севади. Биз муносабатларимизга путур етказганимизда, У яратган гўзалликни барбод қилганимизда Унинг қалби оғрийди.

Борди-ю, орангиздаги бирор одам бу аҳд шартларини эшитиб, кўнглида: «Ўзим хоҳлаган ишни қилсам ҳам, менга ҳеч нарса қилмайди», деб ўйласа, у ҳамманинг бошига бирдай кулфат келтиради (19-оят). Худодан бошқа нарсаларга сажда қилиш ёмон эмас, деб шайтон бизни алдамоқчи бўлади. «Гуноҳни билдирмай, эплаб қилса бўлади», деб бизга уқтирмоқчи бўлади. Лекин гуноҳ қилмаслик учун иккита жуда муҳим сабаб мавжуд:

1. Гуноҳ **хар доим** қалбимизни заҳарлайди, муносабатларимизни бузади ва энг ёмони Худонинг қалбига оғриқ келтиради.
2. Гуноҳ юқумли иллатдир. У атрофимиздаги одамларнинг ҳаётида заҳарли мевасини етиштиради. Павлус бу борада шундай ёзган: *Нахотки, озгина хамиртуруш бутун хамирни ачиттишини билмасангизлар?! (1Кор. 5:6)*

Гуноҳимиз жамоатларимизга, жамиятимизга, биз яшаган давлатимизга ҳалокатли тарзда таъсир қилади. Шу сабаб, ҳаётимиздаги гуноҳ билан биз аёвсиз кураш олиб боришимиз даркор. Исо Масих шундай деган: *Агар ўнг қўлингиз гуноҳ қилишингизга сабабчи бўлса, уни кесиб ташлаб, улоқтириб юборинг. Бутун баданингиз дўзахга йўлиққандан кўра, аъзоларингиздан биттаси йўқ бўлгани сиз учун яхшироқдир (Мат 5:30).*

Агар биз бирон ишнинг гуноҳ ёки гуноҳ эмаслигини билмасак, қуйидаги саволлар бунни аниқлашда бизга ёрдам беради:

- Муқаддас Китобда бу ҳақда нима ёзилган?
- Исо Масих бу ишни қилган бўлармиди?

Канъон халқлари сиғинган бут Баал ҳозирги фаровонлик худосига ўхшайди. Қадимда деярли ҳамма Баалга хизмат қиларди. Бугунги кунда ҳам кўп пул ишлаш одамлар учун бут бўлиб қолган. Улар учун пул — бахт, беҳатарлик ва тинчлик рамзидир.

Қадимда Исроил халқи ҳам Худого, ҳам Баалга бирдай сажда қила олишига ишонгани каби, бугунги кунда кўп масиҳийлар ҳам Худого, ҳам пулга бирдай хизмат қила олишларига ишонишади.

Раббимиз Исо Матто 6:24да бу ҳақда нима деб айтган? [4]

4-Чақириқ

Пул синови: сиз учун ҳаётингизда нима муҳим?

- Сиз жамоатга боришдан кўра, пул ишлашни афзал кўрасизми?



- Жамоатга кўпроқ пул беришнинг ўрнига, янги телефон ёки бошқа керакли нарсалар сотиб оласизми?
- Мухтож одамларга ёрдам кўрсатасизми?
- Худодан пулингизни қандай ишлатиш борасида маслаҳат оласизми?

Бу саволларга берган жавобларингизга қараб, ўз ҳолатингизни аниқлаб олишингиз мумкин. Сиз ҳам Худога, ҳам пулга сажда қиялмасизми ёки йўқми, аниқлаб оласиз, чунки одам Худога ёки пулга сажда қилади. Исо Масиҳнинг айтишича, одам буларнинг икковига бирдай сажда қила олмайди.

Аҳдни бузиб қўйганлар учун умид (30:1–15)

Биз баракалар ва лаънатлар мавзусига ўтишимиздан олдин, келинг, Мусонинг аҳдни бузган одамларга умид бергани ҳақида ўқийлик.

Одамлар жиддий огоҳлантиришларга қарамай, барибир гуноҳ қилиб қўйишларини Худо жуда яхши билган. 4-дарсдаги мавзуимиз Худонинг раҳм-шафқати мавзуси эди: Худо гуноҳни жазолайди, бироқ самимий тавба қилган одамларга раҳм кўрсатади (30:1–10).

«Юракни суннат қилиш» ибораси нимани билдиради? [5]

Халқ Худони чин қалбидан севадиган вақт келишини Мусо орзиқиб кутарди! Ҳаворий Павлус ҳам «юракни суннат қилиш» иборасини ишлатган, бу билан у масиҳийнинг гуноҳкор табиати кесиб ташланишини назарда тутган (Кол. 2:11).

Биз гуноҳни саратон деб билишимиз керак: гуноҳ тарқалиб бизни ўлим тўшагига ётқизиб қўймасидан олдин, биз уни таг-туғи билан кесиб ташлашимиз даркор! Албатта, бу оғриқ келтирадиган муолажа, лекин яшаш учун ниҳоятда зарурдир!

Ким бизга ҳаётимиз учун зарур бўлган ҳамма нарсани бера олади (Қонунлар 30:9)? [6]

Қиладиган ҳар бир ишингизни Эгангиз Худо муваффақиятли қилади. Ували-жували бўласизлар... ерингиз ҳосили баракали бўлади. Канъон халқининг эътиқодига кўра, яхши ҳосилни ва фарзандларни уларга худо Баал берган. Худо эса халқига: «Бу баракаларни сизларга Баал эмас, мен беряпман», деб таъкидлаб айтмоқда.

Биз итоатсизлигимиз ва гуноҳларимиздан чин юракдан тавба қилганимизда Раббимиз нима қилади (9-оят)? [7]

Худо сизни деб шодланади... Бу сўзлар энг гўзал сўзлардир! Булар тавба қилган гуноҳкорлар ҳақида айтилган. Раббимиз Исо бу сўзларни йўқолган қўзичоғини топган чўпонга нисбатан ишлатган (Луқо 15:6–7).

Кунимизнинг ҳар бир дақиқасида бизга қандай танлов берилган (Қонунлар 30:19–20)? [8]

Ҳаётни танланг, шунда ўзларингиз ҳам, авлодларингиз ҳам яшайсизлар... Мусо пайғамбар халққа ҳаёт билан фаровонлик ёки ўлим билан кулфатни танлаш имкониятини берди (15-оят). Юҳанно Хушхабарда ҳам муаллиф бизни *йўл, ҳақиқат ва ҳаёт* сари йўналтиради (Юҳанно 14:6). Исо Масихга ишониш орқалигина биз абадий ҳаётга эга бўла оламиз (Юҳанно 17:3).

4. Баракалар ва лаънатлар (30:16–18)

Худо халққа итоат эвазига қандай баракаларни ваъда қилди? Итоатсизлик учун эса қандай лаънатлар келишини айтди (16–18-оятлар)? [9]

Баракалар ва лаънатлар мавзусини яхшироқ тушуниш учун 11-дарсимизни яна бир бор кўриб чиқинг.

5. Хулоса учун гувоҳларни чақириш (30:19)

Қадимги дунёда сулҳ ёки аҳд тузилганда гувоҳ сифатида ғолиб шохнинг худоси ва мағлуб бўлган халқ чақирилди. Қонунлар китобидаги шартномада бутларни гувоҳ қилиб чақириш нотўғри бўларди, шунинг учун Мусо еру осмонни гувоҳ қилиб чақирмоқда.

Никоҳ маросими оммавий бир тадбир бўлиб, тўйга келган халойиқ йигит айнан шу қизга уйланганига гувоҳ бўлади. Агар никоҳ аҳди бузилса, бунга гувоҳлар бўлиши шарт. Шу сингари, Худо ва халқ орасида тузилган аҳд ҳам омма олдида маълум қилинган. Агар халқ Худога бевафолик қилса, еру осмон бунга гувоҳ бўлади. Қонунлар 28-бобда халқ бу борада қатъий огоҳлантирилган (Қонунлар 28:16–19).

Янги Аҳдда хаворий Павлус бутун мавжудот чириб-битиш қуллигидан озод этилишини интизорлик билан кутаётгани ҳақида ёзади (Римликларга 8:21). Худо бутун борлиқни янгилайди! Ўша вақт келгунича эса биз ҳалок бўлаётган дунёда яшашга мажбурмиз (Ибтидо 3:17–18). Бизнинг вазифамиз Худо яратган бебаҳо борлиқни парвариш қилишдир (Ибтидо 2:15)!

Аҳднинг янгилаши

Қонунлар китобида биз Исроил халқининг янги авлоди Худо билан аҳдини янгилаганига гувоҳ бўлдик. Шу сингари биз ҳам, жамоатимиздаги янги авлодга Исо Масих билан бўлган аҳдини янгилашга, уни очиқчасига эътироф этишга имкон беришимиз керак. Сиз буни ўз жамоатингизда қандай қилишингиз мумкин?

Қонунлар китобининг ушбу иккита боби орқали Худо сизга нималарни айтди?

Уйга вазифа

Қонунлар 31–32-бобларини ўқинг.

Жавоблар

- 1 – Худо уларни жирканч бутлар деб атаган.
- 2 – Худо бундай таъсирни заҳарли, аччиқ илдиз, деб атайди.
- 3 – *Эгамиз бундай одамдан қаттиқ ғазабланади, уни кечирмайди. Мана шу китобда ёзилган аҳднинг лаънатлари унинг бошига келади, Эгамиз унинг номини ер юзидан ўчиради.*
- 4 – *Ҳеч ким икки хўжайинга хизмат қилолмайди. У ё бирини ёмон қўриб, бошқасини яхши қўради, ёки бирига бағишланиб, бошқасини менсимайди. Сизлар ҳам Худога, ҳам бойликка бирдек хизмат қила олмайсизлар.*
- 5 – Юракни суннат қилиш дегани — Худо қалбимиздаги барча гуноҳли иллатларни кесиб олиб ташлайди, дегани.
- 6 – Фақатгина Эгамиз Худо бизга зарур бўлган барча нарсани бера олади.
- 7 – Раббимиз бизни деб шодланади.
- 8 – Бизга ҳаёт ва ўлим орасида танлов берилади, биз ҳаётни танлашимиз керак.
- 9 – Агар халқ Худонинг қонунларига риоя қилса, улар яшайдилар, кўпаядилар, мулк қилиб оладиган юртда Эгаси Худо уларга барака беради. Борди-ю, улар Худонинг қонунларини бажаришмаса, ҳалок бўлиб, йўқ бўлиб кетадилар.

Қонунлар, 13-дарс:

Келажакка назар



Қонунлар 31–32-бобларда Мусо ўзи айтган нарсаларни кўп такрорлайди. У айтган гапларни бошқача сўзлар билан етказди, токи тингловчилар эски хабарни янги усулда эшита олишлари ва уни янада тўлиқроқ тушунишлари учун. Бу оятларда Худо садоқатли, меҳрибон ва мукаммал Шоҳ қилиб тасвирланади; инсон зоти осонликча Ундан юз ўгириб кетаверади, лекин Худо инсоният билан муносабатни қайта тиклайверади. Миннатдорчилик сифатида биз ҳаммамиз Худога ўз севгимизни кўрсатишимиз ва бунинг учун Унинг Сўзига риоя қилишимиз зарур.

Худо биз билан

Қонунлар 31:1–8ни ўқинг.

Ушбу бобларда Мусо халқни ўзи улар билан бўлмайдиган вақтга тайёрламоқда.

Мусо халқни ваъда қилинган юртга, Иорданнинг нариги томонига бошлаб бормайди. Мусо халққа нима деб айтди (Қонунлар 31:3)? [1]

Уларнинг янги йўлбошчиси Ёшуа бўлса-да, аслида уларнинг ҳақиқий Шоҳи ва ғолиб Жангчиси Худонинг Ўзи эди.

Мусо Ёшуага нима деб айтди (8-оят)? [2]

Бу далда берувчи сўзларни Мусо Ёшуага яна бир бор такрорлаб айтди (Ёшуа 1:5), сўнг Муқаддас Китоб Муаллифи бу сўзларни Янги Ахдда бизга қаратиб айтди (Матто 28:20, Ибронийларга 13:5). Бизнинг етакчиларимиз ва ўқитувчиларимиз бизни ташлаб кетишлари мумкин, лекин Худо ҳеч қачон бизни ташлаб кетмайди, бизни тарк этмайди!

1-Чақириқ

Сиз Мусонинг «*Худо сени ташлаб кетмайди, тарк этмайди*» деган сўзларини қайси вазиятларда ўзингизга эслатишингиз керак (Қонунлар 31:8)?

Агар ишхонангизда, оилангизда ёки сиз истиқомат қилган жойда катта муаммоларга ёки ўзгаришларга дуч келсангиз, албатта бу сўзларни эсланг. Агар сиз Раббимизни севиб, Унга итоат қилишга ҳаракат қилсангиз, билингки, У ҳеч қачон сизни ташлаб кетмайди, тарк этмайди!

Сиз буларга шубҳа қилган вақтларингиз бўлганми?

Ҳамма Худодан қўрқишни ўрганиши керак

Қонунлар 31:9–13ни ўқинг.

Мусо Исроил халқига, Худонинг қонунларини ўрганишлар, деб уқтиради.

Ким Худонинг қонунларини эшитиши ва уларни ўрганиши керак эди (12–13-оятлар)? [3]

Мусо пайғамбар Худонинг ҳамма қонунларини ёзиб, уларни халқнинг руҳонийлари ва оқсоқолларига берди. Худо Каломининг ёзма нусхаси фақат уларда бор эди. Уларнинг вазифаси Худонинг Сўзини бутун халққа, шунингдек, аёл ва болаларга ўргатиш эди. Ҳозирги кунда масиҳийларнинг ҳаммаси Муқаддас Китобни ўзлари ўқий оладилар, бунинг учун улар китобдан ёки телефондаги иловадан фойдаланадилар. Афсуски, айрим ҳолларда масиҳийлар Худонинг сўзини фарзандларига ўргатмайдилар. Болалар ёшлигидан Худонинг сўзини ўрганишлари жуда муҳим.

2-Чақириқ

Ота-она ҳар куни фарзандлари билан бирга Худонинг сўзини ўқишни одат қилишлари керак. Жамоат йиғилишларида Муқаддас Китоб болаларга тушунарли тарзда етказилиши шарт. Шунда улар ҳам Худонинг Сўзини севишни ўрганадилар. Сиз Муқаддас Китобни ўқишни оилангиз ва жамоатингизда одат қилганмисиз? Фарзандларингиз Муқаддас Китобни сева олишлари учун сиз яна нима қила оласиз?

Худо Уни тез унутишимизни билади

Қонунлар 31:14–29ни ўқинг.

Худо Ўз халқини қулликдан озод қилган, уларга ғамхўрлик қилган, мўл юртга олиб келган бўлса-да, халқ Худони тезда унутиб юборишини Мусо биларди (15–29-оятлар).

...юзимни *ўғираман...* (17–18): Худонинг биздан юз ўгириши — ҳаётимизда рўй бериши мумкин бўлган энг даҳшатли ходисадир. Сахрода китобида олий руҳоний халқни дуо қилади, бу дуода Худонинг юзи ҳақида нималар ёзилган (Сахрода 6:24–26)? [4]

Янги Ахдда Исонинг издошларига гўзал бир ваъда берилган: «Улар Худонинг жамолини кўради. Худонинг исми уларнинг пешаналарига ёзилади!» (Ваҳий 22:4)

Худо Ўз халқидан воз кечмагани нақадар ажойиб! Биз Унга қанча муаммо ва оғриқ келтирсак ҳам, У доим бағрини очиб бизни кутиб олади. Хушxabар ҳақиқатан ҳам эзгу Хабардир!

3-Чақириқ

Биз Худога кўп бевафолик қиламиз. Сиз ҳар куни Худодан, гуноҳимни менга кўрсат, деб сўрайсизми? Сиз ҳар куни Худодан юрагингизни Масихнинг қони билан поклашини сўрайсизми?

Биз ҳаётимиздаги гуноҳга енгиллик билан қарашимиз керак эмас! Чунки бир гуноҳ кетидан бошқаси эргашиб келади. Биз ҳар куни гуноҳларимиздан тавба қилишимиз лозим, акс ҳолда, гуноҳ қалбимизда илдиз отиб, бизни Худодан узоқлаштириб юборади.

Мусонинг қўшиғи

32-бобда Мусо Исроил халқига ўргатган қўшиқ ёзилган. Бу қўшиқ ғам-қайғу қўшиғидир. У ерда Худонинг Ўз халқини рад этгани ҳақида ёзилган. Мусо бу қўшиқни кейинги авлодга ўргатмоқда, улар ота-боболари каби Худога бевафолик қилмасликлари учун бу қўшиқдан сабоқ олишлари керак эди (Қонунлар 31:19).



4-Чақириқ

Қўшиқлар бизга муҳим ҳақиқатни эслатиб туради. Улар қалбимиз ва онгимизга узоқ вақтга муҳрланиб қолади. Шундай экан, биз жамоатларда айтаётган қўшиқларимизни мазмунига қараб танлашимиз керак, улар Муқаддас Китоб ҳақиқатига мос келиши шарт. Жамоатингизда қўшиқларнинг мазмунини текширадиган одамларингиз борми?

Қонунлар 32-бобни ўқинг. У ерда Худо ва Унинг халқи ҳақида нималар ёзилган?

Мусо Исроил халқига Худо ҳақидаги муҳим ҳақиқатни ўргатмоқда.

- **Биз бу бобдан Худо ҳақида нималарни билиб олдик (32:4,6,10–14,16,18–19,21)?** [5]
- **Биз бу бобдан Худонинг халқи ҳақида нималарни билиб олдик (32:9–10)?** [6]

Улуш/насиба (9-оят): Худонинг халқи Эгамизга тегишли. Бир кун келиб Худо ва Унинг халқи жуда яқин, мукамал муносабатдан то абад баҳраманд бўладилар!

Куёвга никоҳланган қиз бола бўлажак эрига қарашлидир, лекин у тўйгача куёв билан тўлиқ муносабатдан баҳраманд бўла олмайди. Ваҳий китобида Исо Масих куёв сифатида тасвирланган

(Ваҳий 19:7). Шу сингари, Қонунлар китобида ҳам Худо ўз халқини севгани, уларни бутлардан рашк қилгани ҳақида ёзилган.

Кўз қорачиги... (10-оят): кўзнинг қорачиги инсон баданидаги энг заиф аъзо ҳисобланиб, кучли тарзда ҳимоя қилинади. Худо Ўз халқини кўз қорачигидай ҳар қандай ёмонликдан асрайди!

- **Исроил халқи қачон Худодан юз ўгиради (15-оят)? [7]**

Азизим Исроил, ибронийчада **Ёшурун** (15-оят): яъни Исроилнинг ибронийча шакли бўлиб, «тўғри» деган маънони беради (Ишаё 44:2). Афсуски, аксарият ҳолларда Исроил ўз исмига муносиб иш тутмади.

Исроилнинг душманлари узум токига ўхшар, Садўм ва Ғамўра далаларида ўсар, узумзорларининг меваси заҳарли, узумлари оғу сингари аччиқдир (32-оят): Садўм ва Ғамўра бой-бадавлат шаҳарлар бўлиб, Худо уларни батамом йўқ қилган эди (Ибтидо 19-боб). Агар Исроил халқи Худога ва Унинг эзгу қонунларига қарши бош кўтараверса, улар ҳам Садўм ва Ғамўра ҳолига тушиб қолишлари мумкин.

- **Халқ сажда қилган сохта худолар ҳақида биз нималарни билиб олдик (17,21-оятлар)? [8]**

Сохта худоларнинг қўлидан ҳеч нарса келмайди, улар мўъжизалар кўрсата олмайди, нажот бера олмайди.

Одамлар жинларга қурбонликлар келтиради (17-оят): Ҳар бир одам кимгадир ёки нимагадир сажда қилади. Сохта худоларга сажда қилиш ортида шайтон турганини одамлар тушунмайди. Шайтон одамларни Худодан узоқлаштириб, ўзига сажда қилдирмоқчи бўлади.

- **Ўзидан юз ўгирган халқни Худо нима қилади (Қонунлар 32:20–23)? [9]**

Мен ҳам халқ бўлмаганлар билан уларнинг рашкини келтираман... (21-оят): ҳаворий Павлус Римликларга ёзган мактубида бу оятни иқтибос қилиб (Римликларга 10:19), нима сабабдан Худо Исроил халқини рад этганини ва ғайрияҳудийларга нажот эшигини очиб берганини тушунтириб берди. Исроил халқи сохта худоларга сажда қилиб, Худонинг рашкини келтирганди. Шу сабабдан Худо ҳам ғайрияҳудийларга нажот бериб, Исроил халқининг рашкини келтирди (Римликларга 11:11,14-оятлар).

Уларга кулфат кетидан кулфат келтираман... (23-оят): Худо халқ бошига кучли жазо солди. Агар Худо бундай йўл тутмаганида эди, одамлар имондан умуман юз ўгириб кетишган бўларди. Иброҳимга берилган ваъда ҳам амалга ошмаган бўларди. Худо ҳақидаги ҳақиқат, Унинг аҳди, қонун-қоидалари бенуқсон сақланиши, халқ буларнинг ҳаммасига риоя қилиши ва Раббимиз Исо Масихнинг қайтиб келгунига қадар Худога содиқ қолиши керак эди (Юҳанно 3:16).

- **Бу парчада Исроил халқи қандай тасвирланган (28-оят)? [10]**

Худо Исроил халқига қийинчиликлар орқали сабоқ бераётганини халқ тушунмаган эди. Эски Аҳд даврида бу доимий муаммо бўлгани сабабли пайғамбарлар халқни «қўй», деб атаганлар (мисол учун, Ишаё 53:6, Еремиё 50:6); қўйларни ақлли жониворлар деб бўлмайди, улар кўпинча бошқаларга эргашиб, қилганини қиладилар. Шунга қарамай, Исо Масих яхши Чўпон бўлгани боис, биз Унга эргашсак, ишончли қўлларда бўламиз ва У бизга ғамхўрлик қилади (Забур 22). Бу эса бизга энг муҳим бир ҳақиқатни очиб беради:

• **Худо нима қилмоқчи (39–43-оятлар)?** [11]

Худонинг халқи кучдан қолганда (36-оят), Худо келиб уларни Ўзи кутқаради, уларнинг душманларини мағлуб қилиб, қасос олади (41–42-оятлар).

Худо... юртни ва халқни гуноҳдан поклайди... (43-оят): нақадар ажойиб, Худонинг Ўзи халқини ва юртини гуноҳдан поклайди. Одатда бу руҳонийнинг вазифаси бўлган, руҳоний одамларнинг гуноҳлари учун қурбонликлар келтирарди (Левилар 6:7), лекин энди Худонинг Ўзи бу ишни қилади!

Янги Ахддан биз биламизки, гуноҳ фақат мукаммал қурбонлик орқали ювилади, Худонинг Ўғли Исо Масих биз учун мукаммал қурбонлик бўлди (1Юҳанно 4:10). Биз гуноҳларимиздан тавба қилиб, уларни Худо олдида очиқчасига эътироф қилсакки, гуноҳларимиз ювилади (1Юҳанно 1:9).

5-Чақириқ

Сиз ҳар куни Худонинг кимлигини, ўзингизнинг кимлигингизни, гуноҳларингизни ва Хушхабарнинг ажойиблигини тан оласизми?

Қўшимча маълумот: Худо бизнинг Қоямиз

Мусо айтган қўшиғида «қоя» сўзини беш марта ишлатган (4,15,18,30,31-оятларда).

Қўзингиз олдида саҳрода тик турган катта қоятошни келтиринг. Бу сўз Худонинг қайси хислатларини тасвирламоқда? [12]



Бу сўз бизга Худонинг бошқа томонларини ҳам очиб бериши мумкин. Баъзан қоя озуқа манбаи ҳам бўлиши мумкин.

...Тошдан чиққан асал билан, тошлоқ ерда ўсган зайтунларнинг мойи билан боқди... (13-оят): ёввойи асаларилари уяларини тоғдаги қоятошларга ўрнаштиради. Зайтун дарахтлари эса бошқа дарахтлар ўса олмайдиган тошлоқ ерда ўсади.

Уйни қум устига қургандан кўра, тош устига қурган яхшироқ. Исо Масих бу мавзуда масал айтган эди (Матто 7:24–27).

«Қоя» сўзи Худонинг барқарорлигини, ишончилигини ва таъминот манбаи эканини билдиради. Бошқа худолар эса беҳудадир: улар ҳимоя қила олмайди, ёрдам бера олмайди, ғамхўрлик қила олмайди. Улар биз учун барқарор асос бўла олмайди, улар замирида ҳаётни қуриб бўлмайди. Агар биз ҳаётимизни сохта худолар эътиқоди устига курсак, умримиз барбод бўлади (Матто 7:27).

Худо бу дарс орқали сизга нима деб айтди?

Бешта чақириқнинг қайси бири учун сиз бугуноқ ибодат қилишингиз керак?**Уйга вазифа**

Қонунлар 33–34-бобларни ўқинг.

Жавоблар

- 1 – Сизлар Эгангиз Худонинг бошчилигида Иорданнинг нариги томонига ўтасизлар. Эгангиз у ерда яшайдиган халқларни йўқ қилади.
- 2 – Эгамизнинг Ўзи сенинг олдингда боради, Унинг Ўзи сен билан бирга бўлади, сени ташлаб кетмайди, тарк этмайди. Қўрқма, ваҳимага тушма.
- 3 – Худонинг қонунини эркагу аёл, бола-чақа, мусофирлар, бутун халқ ўрганиши шарт эди.
- 4 – «Эгам сенга очиқ юз билан боқсин, сенга илтифот қилсин. Эгам сенга назарини солсин, сенга тинчлик ато этсин!»
- 5 – Худо суянган Қоям, Унинг ишлари комил, ҳамма йўллари адолатлидир. Худо садоқатлидир, Унда ёлгон йўқ, У ҳақ ва одилдир (4-оят). Худо яратган Ота (6-оят), уларни топиб олган, уларга ғамхўрлик қилган (10-оят); У бургут каби халқини қанотлари устида олиб юрди (11-оят); халқини аъло нематлар билан боқди (13–14-оятлар); уларга ота ва она каби ҳаёт берди (18-оят); Худо халқини қаттиқ рашк қиладиган севгига бой Худодир (16,19,21-оятлар).
- 6 – Эгамизнинг улуши...олган насибаси...қўз қорачиги.
- 7 – Халқ бой-бадавлат бўлгани сари, Худога ҳеч қандай эҳтиёж сезмай қолади. Улар ўзларини яратган Худони эсдан чиқарадилар, Унинг севгисини унутадилар, Худо уларни қутқарганини, бойликни уларга айнан Худо берганини тан олмайдилар: «Улар яратган Худодан юз ўгириб, ўз Нажот Қоясини хор қилдилар.»
- 8 – Бу худолар фойдасиз, улар яқинда пайдо бўлган.
- 9 – Худо улардан юзини ўгиради,... халқ бўлмаганлар билан уларнинг рашқини келтиради,... уларга кулфат кетидан кулфат келтиради.
- 10 – Исроил ақлини йўқотган, идроксиз халқдир.
- 11 – Худо Ўз халқини ҳаётга қайтаради, уларга шифо беради, душманларидан қасос олади, юрти ва халқини гуноҳдан поклайди.
- 12 – У бўрон пайтида паноҳ, жазирама пайтида соядир.

Қонунлар, 14-дарс:

Сўнгги огоҳлантиришлар ва далда сўзлари



Қонунлар 33–34-бобларида биз Мусонинг сўнгги огоҳлантиришларини ва далда сўзларини ўқиймиз. Сиз дастуримизнинг охириги дарсини ўқир экансиз, Худо сизга огоҳлантириш ва далда сўзлари орқали нима деб айтмоқчи эканига эътибор қаратинг.

33-бобда Мусо Исроилнинг 12 қабиласини дуо қилади. Бу боб бизга Ёқубнинг дуосини эслатади, у 500 йил олдин ўлим тўшагида ётганида 12 ўғлини дуо қилган эди (Ибтидо 49:1–27). Мусо қабилаларни дуо қиларкан, уларга Худонинг содиқлигини ва 500 йил давомидаги ғамхўрлигини эслатди! Халқ Мусосиз Иордан дарёсини кечиб, Худонинг бошчилигида ваъда қилинган юртга кириши керак эди. Худо Ўз халқига содиқ қолди.

Ўтган 40 йил давомида Мусо Исроил қабилалари билан дўстлашиб кетганди. Мана энди, Мусонинг халққа энг муҳим нарсаларни ўргатиши учун охириги имконияти бор. Ваъда қилинган юртда халқ бой ва фаровон ҳаёт кечиради, лекин фаровонлик билан бирга руҳий инкироз ва хатар келади. Шу сабабдан Мусо яхши чўпон каби халқни огоҳлантиради ва уларга далда беради.

Мусо 12 қабилани дуо қилади

Қонунлар 33-бобни ўқинг. Лекин ўзингиз билмаган исм ва номларни учратганингизда руҳингиз чўкмасин. Ўзингизни ўша ерда, Мусонинг сўнгги сўзларини тинглаётган халқ орасида тасаввур қилинг. Мусонинг нутқидан сизга кучли таъсир қилган сўзлар ва оятларга алоҳида эътибор қаратинг. Бобни ўқиб бўлганингиздан кейин булар ҳақида гуруҳингиз билан ўртоқлашинг.

Мусо Исроил халқига қуйидагиларни эслатмоқда:

- Худо халқи Исроилни Мисрдан озод қилиш учун ва улар билан аҳд тузиш учун юксакдан пастга тушиб келди (1–5-оятлар). Янги Аҳд даврида эса Исо Масих самовий шоҳлигини қолдириб, бизнинг орамизга келди, инсон бўлиб яшади (Юҳанно 1:14).
- Муаммо ва зиддият ҳаётимизнинг ажралмас бир қисмидир (7, 11, 20, 22-оятлар).

- Етакчилар Худога эргашиб, ўзлари бошқалар учун намуна бўлишлари даркор (8–10-оятлар).
- Худо Ўз халқини ҳимоя қилади ва уларга ғамхўрлик кўрсатади (12-оят).
- Рухий барака ва ҳосилдорлик қийинчиликлар натижасидаюзага келади — Юсуф кўп йиллар давомида кул бўлди, зиндонда ётди, шундан сўнггина сероб баракага эришди (13–17-оятлар).
- Худонинг халқи хурсанд ва шод бўлади (18-оят).
- Худонинг халқи бошқаларни Худога сажда қилишга чақиради (19-оят).
- Худонинг иродасини баржарганлар мукофот оладилар — Гад қабиласи ўз улушини олиб бўлган бўлса ҳам, қолган халқ билан бирга Канъон юртига борди, юртни қўлга киритишга биродарларига ёрдам берди, улар учун жанг қилди (20–21-оятлар).
- Худо Ўз халқига ёрдам беради (23–29-оятлар).
- Худо қудратли, салобатли Шоҳдир, У халқини Ўз паноҳида хавф-хатарсиз сақлайди (26–29-оятлар).

Сиз бугун ўзингизга бу ҳақиқатларнинг қайси бирини эслатишингиз керак?

Азизим Исроил, ибронийчада **Ёшурун** (5,26-оятлар): 13-дарсимизда ўрганганимиздай «Исроил» сўзи «тўғри» деган маънони билдиради.

1-Чақириқ

Сиз ҳар куни Худони қилган мўъжизалари ва ғамхўрлиги учун улуғлайсизми? Агар ҳар куни Худони улуғламасангиз, у ҳолда қандай қилиб буни кундалик одатга айлантиришингиз мумкин?

Мусонинг ўлими

Қонунлар 34-бобни ўқинг.

Мусо ўлишидан олдин нима қилди (1–4-оятлар)? [1]



У ердан Мусога Эгамиз бутун ўлкани кўрсатди...(1-оят):

Исроил халқи учун юртни кўриш, уни қўлга киритиш жараёнининг ажралмас бир қисми эди. Иброҳим Канъон юртига кўчиб борганида, Худо унга бутун юртни кўрсатди (Ибтидо 13:14–15). Шайтон Исога оламнинг барча шоҳликларини кўрсатиб, ўзига сажда қилишга кўндирмоқчи эди (Матто 4:8). Исо Масих буюк зиёфат ҳақидаги матални айтиб берганида, зиёфатга келмаган бир одамни тилга олган эди; у одам дала сотиб олиб, уни кўргани кетган экан (Луко 14:18). Мусо учун ваъда қилинган юртни кўриш катта бир шараф эди, чунки бу ҳаракат орқали у рухий оламда бу юртни Исроилнинг улуши деб эълон қилаётган эди.

Қачон Мусо ваъда қилинган юртга кириш шарафига муваффақ бўлди (Матто 17:1–3)? [2]

Биз ҳам Мусо сингари ҳозир янги Қуддусга кира олмаймиз, лекин уни узоқдан кўришимиз мумкин. Ибронийлар мактуби 11-боб, 13-оятда шундай ёзилган: *Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқуб оламдан ўтдилар,*

аммо Худо берган ваъдасини бажаришига улар ишонардилар. Улар Худо ваъда қилган юртга эришмадилар, аммо ўша юртни узоқдан кўриб, хурсанд бўлган эдилар. Улар бу дунёда келгинди ва мусофир эканликларини очиқчасига тан олдилар.

Хаворий Бутрус ҳам шундай деб ёзган: *Раббимиз Исо Масиҳнинг Отаси Худога ҳамду санолар бўлсин! У бизга беҳад раҳм-шафқат кўрсатиб, янги ҳаёт берди. Исо Масиҳ ўликдан тирилиб, барҳаёт бўлгани учун энди бизнинг умидимиз бор. Шу боис Худо Ўз халқига атаган қут-баракага биз кўз тикканмиз. Ҳа, самода сақланаётган бу абадий, сўлмас, бегубор барака сизларни кутмоқда. Охирзамонда ошкора бўладиган нажотдан баҳраманд бўлишингиз учун Худо Ўз қудрати билан сизларни омон сақлайди. Имонингиз туфайли У сизларни қўриқлайди.*

Биз Худонинг фарзандлари бўлганимиз учун меросхўрлармиз (Юҳанно 1:12), бироқ биз бу дунёда яшар эканмиз, ваколатларимиздан тўлиқлигича фойдалана олмаймиз. Янги Қуддусга борганимиздан кейингина гуноҳсиз ҳаётдан, мукаммал муносабатлардан, тўлиқ соғлиқдан ва чексиз мўл-кўлчиликдан баҳраманд бўламиз!

Мусо ваъда қилинган юртни узоқдан туриб кўрди, бу бизнинг вазиятимизга қай томонлари билан ўхшаш? [3]

Биз назаримизни ваъда қилинган абадий юртдан узмаслигимиз учун нима қилишимиз керак? [4]

...Худонинг қули...(Қонунлар 34:4): хаворийлар ҳам ўзларини Исо Масиҳнинг қулиман, деб аташган (Мисол учун, Римликларга 1:1, Ёқуб 1:1, 2Бутрус 1:1 га қаранг). Ҳар бир имонли одам Худонинг қули бўлиши шарт. Биз ҳар доим Раббимизга улуғворлик ва шараф келтириш йўллари ҳақида ўйлашимиз керак. Ўз манфаатимизни эмас, балки Раббимизнинг манфаатини кўзлашимиз даркор.

Худо қулининг вазифаси нима? [5]

Қўшимча маълумот: Худонинг қули

Ишаё китобида «Худонинг қули» муҳим бир иборадир. Китобнинг тўртта парчасида Ишаё пайғамбар Худонинг қули ҳақида сўз юритади. Худонинг қули туфайлигина Исроил халқи Худога қайта олди. Зотан, Худонинг қули халқнинг гуноҳларини ювиш учун Ўз жонини фидо қилди (Ишаё 53:5–6).

*Ишаё 42:1–9; 49:1–12; 50:4–9; 52:13–53:12

...Мусо дафн қилинган жойни ҳозиргача ҳеч ким билмайди... (Қонунлар 34:6): Исроил халқи нотўғри ишлар қилишини Худо жуда яхши биларди. Агар одамлар Мусонинг қабри қаердалигини билганларида эди, ўша жойни зиёратгоҳ ва саждагоҳга айлантириб юборишган бўларди. Айнан мана шу сабаб туфайли ҳам Худо Мусога ваъда қилинган юртга киришга изн бермаган бўлиши мумкин. Одамлар Мусонинг қабрига бориб, сажда қилмасликлари учун, у жойни қадамжо ва бутхонага айлантирмасликлари учун, Худо Мусонинг майитини Ўзи дафн қилган ва у дафн қилинган жойни ҳаммадан сир сақлаган.

...Эгамиз Мусо билан юзма-юз гаплашар эди...(Қонунлар 34:10): ҳар бир масиҳий одам, айниқса, етакчи, ҳар куни Худо билан вақт ўтказиши жуда муҳим, чунки шундагина у ҳаётнинг машаққатларини

енгиб ўта олади. Худонинг хизматида бўлган етакчилар ҳар куни Худо билан вақт ўтказиб, ибодат қилишсагина, ўз хизматларида муваффақиятга эришадилар.

2-Чақириқ

Сиз ҳар куни Худо билан вақт ўтказасизми? Агар жавобингиз «йўқ» бўлса, у холда ўзингиздан, ҳар куни неча соат вақтимни интернет ва телевизор кўришга сарфлайман, деб сўранг. Сиз учун нима муҳимроқ: келган хабарларни ўқишми, ижтимоий тармоқларда вақт ўтказишми ёки Муқаддас Китобни ўқишми? Худо билан яқин муносабатдан баҳра олишингиз учун кун тартибингизга қандай ўзгартиришлар киритишингиз керак?



Мусо бутун Исроил халқи олдида буюк қудрату ҳайбатли ишларни намён қилганди (Қонунлар 34:12): Қонунлар китоби Мусо пайғамбарнинг сўзлаган нутқидан ташкил топган. Кейинчалик муҳаррир Мусонинг нутқини китоб шаклига солган. Шу сабабдан китобда «Мен дедим»нинг ўрнига «Мусо деди», деб ёзилган. Шу билан бирга китобнинг охири бобида биз Мусонинг ўлими ҳақида ўқиймиз. Муҳаррир Мусодан анча кейин яшаган. Худо Мусони нутқ сўзлашга қай даражада руҳлантирган бўлса, нутқни китоб шаклига солган муҳаррирни ҳам шу даражада руҳлантирган. Муҳаррир Исроил халқининг тарихига назар солар экан, жуда кўп пайғамбарларнинг ҳаётини кўрган. Лекин уларнинг биронтаси ҳам Мусочалик буюк бўлмаган.

Нега Мусо Худонинг буюк қули бўлган? Мусо нима деб ибодат қилган (Чиқиш 33:13)? [6]

Мусо ҳаёти давомида учта нарсага интиларди:

- Худонинг йўлларини билишга,
- Худонинг Ўзини билишга,
- Худони мамнун қилишга.

Сиз-чи? Сиз ўз ҳаётингизда нималарга интиласиз, сизнинг истакларингиз Мусоникдан фарқ қиладими?

3-Чақириқ

Сиз нималарга интиласиз?

Бу истакларингизнинг натижаси нима?

Исо Масиҳ каби Худонинг қули бўла олишингиз учун сиз ҳаётингизга қандай ўзгаришлар киритишингиз керак?

Мусо Худонинг халқини қулликдан олиб чиқиб, уларни ваъда қилинган юртнинг бўсағасига олиб келди. Бироқ, у булар билан чекланиб қолмади, балки Худонинг айтган ҳамма сўзларини китоб қилиб ёзиб қолдирди. Мана, уч минг беш юз йилдирки, одамлар унинг бу сўзларини ўқиб келмоқда!

Биринчи бешта китобда, яъни Тавротда ёзилган сўзлар Мусо пайғамбарга тегишли. Худонинг илоҳий илҳоми таъсирида айтилган Мусонинг бу сўзлари бизга Худонинг Кимлигини, Унинг илоҳий табиатини очиб беради.

Исроил халқининг итоатсизлиги ва исёнкорлигига қарамай, Худо содиқ бўлиб қолаверди. Ҳозир ҳам Худо Ўз режаларини амалга ошириш мақсадида Исроил халқига садоқатини кўрсатмоқда, Унинг режалари эса қуйидагича:

- Худонинг халқи муқаддас бўлади (Ваҳий 20:6),
- Унинг халқи турли хил халқ, қабила, элату миллатларга мансуб бўлади (Ваҳий 7:9),
- Улар ваъда қилинган абадий юртда бехатар яшайдилар, тинчлик ва фаровонликдан баҳраманд бўладилар (Ваҳий 22:1–5),
- Шоҳларнинг Шоҳи уларга меҳр билан ҳукмронлик қилади (Ваҳий 19:16).

4-Чақириқ

Худонинг режаси — ҳар бир миллат, халқ ва қабиладан одамларни Ўз халқига қўшишдир. Сиз бу илоҳий режани амалга оширишда Худо билан ҳамкорлик қиляпсизми?



Бугун Худо ушбу дарс орқали сизга нима деди?

Жавоблар

- 1 – Мусо пайғамбар ваъда қилинган юртни кўриш учун Наво тоғининг чўққисига чикди.
- 2 – Исо Масих тоққа чиқиб, Бутрус, Ёкуб ва Юҳаннонинг олдида қиёфаси ўзгарганида Мусо уларга зоҳир бўлди. Бу жой ваъда қилинган юрт ичида эди.
- 3 – Биз Мусо каби ваъда қилинган юртга узоқдан қараб турибмиз, лекин унга кира олмаяпмиз. Биз меросхўрлармиз, бироқ бу дунёда яшар эканмиз, меросхўрлик ваколатларимиздан тўлиқ фойдалана олмаймиз.
- 4 – Биз Муқаддас Китобни доимий тарзда ўқисак, ҳар доим бошқа масиҳийлар билан мулоқот қилиб турсак, кўзимизни Худо ваъда қилган абадий масканга тика оламиз.
- 5 – Қулнинг вазифаси хўжайинига итоат қилиш ва уни мамнун қилиш.
- 6 – *Агар мен Сендан марҳамат топган бўлсам, илтижо қиламан: менга йўлларингни кўрсатгин. Сендан марҳамат топиб юришим учун Сени билайин. Бу халқ Ўзининг халқинг эканини ёдингда тутгин.*

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Сиз Қонунлар китобига асосланган дастурни тугатдингиз!

Биз бу китобдан Худо ҳақида яна жуда кўп нарсаларни ўрганишимиз мумкин — бу китобда баён қилинган ҳақиқат Муқаддас Китобнинг бошқа битикларида ҳам ўз аксини топган. Ушбу дастур сизга Муқаддас Китобни севиб ўқишингизга ва Раббимизга меҳр боғлашингизга ёрдам беради!

Сиз бу дастур ҳақида яна кимларга айтган бўлардингиз?

Мундарижа

Қонунлар, 1-дарс:	Пайғамбар ва Худонинг ваъдаси	5
Қонунлар, 2-дарс:	Йўлбошчилар/етакчилар ва издошлар	14
Қонунлар, 3-дарс:	Бирлик ва янги етакчилар	23
Қонунлар, 4-дарс:	Ҳаётни танланг!	29
Қонунлар, 5-дарс:	Ҳукм ва раҳм-шафқат.	35
Қонунлар, 6-дарс:	Ўнта амр (1-қисм)	42
Қонунлар, 7-дарс:	Ўнта амр (2-қисм)	49
Қонунлар, 8-дарс:	Эгангиз Худони севинг	57
Қонунлар, 9-дарс:	Ваъда қилинган юртни қўлга киритиш	65
Қонунлар, 10-дарс:	Худонинг қонуни	74
Қонунлар, 11-дарс:	Баракалар ва лаънатлар	83
Қонунлар, 12-дарс:	Аҳднинг янгиланиши	90
Қонунлар, 13-дарс:	Келажакка назар	96
Қонунлар, 14-дарс:	Сўнгги огоҳлантиришлар ва далда сўзлари	102

Ўн тўрт дарсдан иборат бўлган ушбу қўлланма сизни ажойиб бир китоб — Қонунлар китоби билан таништиради. Эски ва Янги Аҳдларни тушунишда Қонунлар китоби пойдевор вазифасини бажаради. Зотан, бу китобдаги хабар нафақат Эски Аҳд даврида яшаган Исроил халқига, балки бугунги ҳамма замондошларимизга ҳам бирдай тааллуқлидир. Бу қўлланма Ўрта Осиёда истиқомат қилаётган масиҳийлар учун кичик гуруҳларда ўрганиш мақсадида махсус яратилган. Ҳар бир дарснинг таркибига кўплаб саволлар киритилган, ўша саволларга жавоблар эса ҳар бир дарснинг охирида берилган. Сиз ушбу қўлланмадан фойдаланар экансиз, мурувватли Худойимизни янада яқинроқ таниб-билишингизга тилакдошмиз, ахир У ҳаммамиз учун буюк ишлар қилган!